



Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Saidvafo BOBOYEV
Abulqosim MAMARASULOV
Ahmad OTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Shuhrat SIROJIDDINOV
Shunqor Xudoyberdiyev
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'nar

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Rustam MUSURMON
O'rozboy ABDURAHMONOV
G'affor HOTAMOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Manziligimiz:

Toshkent. sh.
O'zbekiston shohko'chasi,
16-«a» uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Telefon: +99837 245-57-93



© "Yoshlik" № 3 (232) 2010 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali.

1982 yildan chiqqa boshlagan.

MUNDARIJA

BUGUNNING GAPI

Saidvafo BOBOYEV. Iste'dod — xalq mulki 2

ADIB XONADONIDA

O'tkir HOSHIMOV: «Kitobxon mehrini yalinib ham, buyurib ham, sotib olib ham bo'lmaydi». 3

NASR

Fozil TILOVAT. Qora quzg'un. Qissa. 11
Shirin SOBUROVA. Surayyo. Hikoya. 42

NAZM

Nodir JONUZOQ. Atirgul barglari. 8
Safar OLLOYOR. Dunyo ochib turar kaftini. 40
Xurshid NURULLAYEV. Ishqing xotirasi — noyob xazina. 44

XOTIRA

Qozoqboy YO'LDOSH. Uzun yo'l boshi yoki erkin so'z umri. 34

TOMOSHABOG'

Dildora TO'YCHIYEVA. O'lik jonlar orasidagi hayot. 38

BIRINCHI UCHRASHUV

Sitora RAHIMZODA. Umidli qalamkash. 43

TADQIQOT

Dilrabo QUVVATOVA. Dil dardidan bitgan dostonlar. 46

YELPUG'ICH

Tursunboy ADASHBOYEV. Parodiyalar. 48

Bosishga 29. 03. 2010 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyat hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart. «O'zbekiston» NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 10-693 **Manzil:** Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy.



ИСТЕЪДОД – ХАЛҚ МУЛКИ

Дунёда шундай ҳақиқатлар борки, улар вақт ўтиши билан янада сайқалланиб, янада кўпроқ маъно-мазмун касб этиб боради. Дейлик, улуғ ёзувчимиз Чўлпон ўсмир ёшида хайрат ва ҳаяжон билан эътироф этган ҳикматни эсланг: “Адабиёт яшаса – миллат яшар”. Дарҳақиқат, шундай. Айни пайтда бу ҳикмат моҳиятан янада бойиди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деб номланган рисола ни ўқиб чиқмоқнинг ўзи кифоя.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур рисола биз қаламкашлар учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Зеро, унда ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ўтган йил кўкламида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси билан ўтказган суҳбати ўз ифодасини топган.

Албатта, ижод жараёни ўта шахсий, индивидуал ҳодиса. Айнан шу сабабли ҳам ижод столида илҳом билан қалам тебратаетган шоир ёки ёзувчига бировнинг кўрсатма беришини тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Бундай пайтлари қаламкашнинг ёлғиз ишонгани – илҳом. Ижодкорга юрт раҳбари, ҳукумат миқёсида бўлаётган эътибор эса шу илҳомнинг гуриллаб олов олишига сабаб бўлади. Шубҳасиз, бундай эътибор ижодкорнинг халқи, Ватани олдидаги масъулияти янада ошишига ҳам олиб келади.

Шу маънода мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш ҳақидаги қарорини жуда катта қувонч ва ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Тан олиш керак, мустақиллик йилларида бадий ижодга, ижодкорга ғамхўрлик тобора ортиб бормоқда. Бундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, вилоятларда, чекка туман-қишлоқларда истиқомат қилаётган қаламкашларнинг асарлари дунё юзини кўрди. Бу асарлар адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Ижодкор учун бундан ортиқ яна нима керак, ахир?

Менинг назаримда Истиқлол даврида ёзувчи ва шоирлар эришган энг катта ютуқлардан бири – эмин-эркин, ҳар қандай мафкуравий тазйиқ ва қолиплардан ҳоли равишда ижод қилиш имкониятидир. Бу эса кўпдан-кўп истеъдод булоқларининг очилишига олиб келди.

“Ижод” фондини ташкил қилиш ҳақида қарор ҳам бу жараёнинг янада тезлашишига, энг муҳими – адабиётда мустақиллик даврининг замонавий қаҳрамонлари образлари тўлақонли яратилишига жуда катта омил бўлади.

Биз, вилоятда яшаб, ижод қилаётган қаламкашлар мазкур Қарор билан танишиб чиққач, бир-биримизни

қутлай бошладик. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Қарорда бутун ижод аҳли, жумладан иззат-ҳурматга сазовор кекса авлод, ўрта авлод билан бир қаторда ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, уюшмамизнинг моддий базаси янада мустаҳкамланиши, “Ижод” фонди учун ҳукуматимиз катта миқдорда маблағ ажратганлиги таҳсинга сазовор. Ахир бозор иқтисодиёти даврида яшамоқдамиз. Бундай шароитда ижодкорнинг нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланиши қисқа муддат ичида ўзининг самарасини бериши аниқ. Ўзимиз ҳам баъзан гувоҳ бўлиб қоламиз: чекка қишлоқларда истиқомат қиладиган истеъдодли ижодкорлар ўз асарларини чоп этиш учун ҳомий излаб чопиб юрадилар. Баъзан асарни ёзишга қараганда уни чоп этишга маблағ топиб берадиган ҳомийни излаб топиш машаққатлироқ кечади. Ҳолбуки, ҳақиқий қаламкаш ўз салоҳиятини, ижодий қувватини фақат замон талабига мос яхши асар яратишга қаратганига нима етсин. Ўйлайманки, мазкур Қарордан кейин жойларда ҳам маҳаллий ҳокимият вакиллари, йирик ташкилот раҳбарлари бу масалага янада жиддийроқ ва масъулият билан қарашади. Зеро, ҳар бир “ярқ” этган истеъдод энг аввало бутун халқимизнинг бойлиги, интеллектуал мулкидир.

Ҳаммамизга маълум, фалсафада “сабаб ва оқибат” тушунчалари мавжуд. Ўйлайманки, муҳтарам Юртбошимиз, Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эъзоз-эътибор боис бўлиб бизнинг адабиётимизда энг сара, жаҳон адабиётидан муносиб ўрин олишга арзигулик асарлар пайдо бўлади. Ахир, холисанилло айтганда, биз ижодкорларнинг халқимиз олдида қарзларимиз ҳали мўл. Ижтимоий ҳаётимизда, маънавиятимизда, қолаверса саноатимизда, қишлоқ хўжалигимизда юз берган оламшумул ислохотлар, эврилишлар, ютуқлар ҳали адабиётимизда тўлақонли равишда акс этмади. Зеро, юз бераётган барча кенг қўламли ижобий ўзгаришлар ортида она халқимиз, бизнинг қаҳрамонларимиз турибди. Биз уларни ёзмасак, кимни ёзамиз?..

Ёзувчилар уюшмаси қошида “Ижод” фонди ташкил этилганлиги – ҳаммамиз учун қувончли ҳодиса. Энди биз ижодкорларнинг бу қарорга “лаббай” деб жавоб бера олишимиз муҳим.

Саидвафо БОБОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Термиз



Ўтқир ҲОШИМОВ:

«Китобхон меҳрини ялиниб ҳам, буюриб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди»

... «Илҳом» дегани мавҳум тушунча эмас. Ижодкор қавми учун илҳом ҳал қилувчи омиллардан бири. Аллома шоир ва адиблар бу масалага кўп тўхталишган. Масалан, Тургенев «Илҳом – Худонинг инсонга яқин келиши», дейди.

Бошқа адиблар қатори менинг ҳам ўз ижодий мезонларим бор: «Худо кўнглига солмагунча ҳақиқий ижодкор қўлига қалам олмайди.» Бу билан ижодий ҳолатни илоҳийлаштираётгани эмасман. Бироқ амалда барибир шундай. Аэронавтика ва космонавтикада ғалати қоида бор. Унинг номи «контакт» деб аталади. Космик кема ёки ҳаво кемасини парвоз қилдириш учун «контакт», яъни алоқа тугмаси босилади. Агар ўша ондаёқ кема ёки самолёт мотори гуриллаб ишлаб кетмаса, парвоз бекор қилинади. Қизиғи шундаки, «контакт» айнан ўша лаҳзада рўй бериши керак. Бир сония олдин ҳам, бир сония кейин ҳам бўлмаслиги шарт! Асар ёзиш учун ҳам шундай вазият туғилиши лозим. Буни илҳом келиши ёки асарнинг туғилиши они деб аташ тўғри бўлур эди. Ойлаб, гоҳо йиллаб ўйлаб юрганнингиз бир лаҳзада қалбингиз ва онгингизни чақмоқ каби ёритиб юборади. Асар ўзидан-ўзи, шиддат билан, ички завқ ва ҳаяжон билан қоғозга тўкилади. Бир йилда уddалай олмаган юмушингиз бир ойга қолмай рўёбга чиқади. Менда бу жараён тез кечади. Масалан, «Баҳор қайтмайди» қиссаси йигирма кунда, «Тушда кечган умрлар» романи бир ойда ёзилган. Бироқ бу бутун бошли роман бир ойда тайёр бўлди, деган гап эмас. Аслида бу – бир неча йил ва яна бир ой демакдир!

Яъни асар бир неча йиллар давомида ўйлаб юрилади ва бир ойда қоғозга тушади. Мен бу жараёни «ёзиш» деб аташга қаршиман, буни «туғилиш жараёни» демоқ керак. Чунки ҳақиқий бадиий асар ёзилмайди, тирик фарзанд каби туғилади.

Юқорида айтилган роман тарихидан бир мисол айтишим мумкин.

Шўро замони охирлаб қолган кезлар эди. Бир томонда бемақсад Афғон уруши борапти. Иккинчи ёқда «ўзбек иши» баҳонасида халқимиз бошида қатағон қиличи ўйнапти. Бир куни Афғондан, бир куни мамлакат ичкарасидан аскар йигитларимизнинг темир тобути келиб турибди. Худди даҳшатли туш каби... Бу фожиаларни тасвирлаш учун афғон урушидан мажруҳ бўлиб қайтган ўнлаб йигитлар билан гаплашганман. «Ўзбек иши» деган туҳмат кимга, нима учун керак бўлиб қолганини ҳам ўрганганман. Асар воқеаларининг оқими ҳам, умуман, маълум. Бироқ улар қоғозга тушмаяпти, асар туғилмаяпти...

Шундай кунларнинг бирида бетоб бўлиб касалхонага тушдим. Дўхтирлар кесамиз дейди, мен кўнмайман... Кеч куз оқшоми эди. Маъюс ва файзсиз оқшом... Учинчи қават балконида чиқиб сигарет чекиб турсам, шамол турдию, рўпарадаги чинорми, ёнғоқми дарахтидан битта хазон учиб килиб оёғим остига тушди. Босган эдим, «қисир-қисир» қилиб майдаланиб кетди. Бўлғуси асарнинг биринчи жумласи туғилди. «Куз – ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди...» Бу – «Тушда кечган

умрлар” романининг бутун руҳиятини, ундаги одамлар қисматини ифодаловчи жумла, ички мусиқа эди! Икки йил давомида “тутқич бермай юрган” саҳифалар аллақандай бир ой ичида қоғозга тушди...

Яна бир гап. “Ижодкор учун айнан шу ҳолатни – чақмоқли лаҳза”ни ушлаб қолиш, яъни “контакт” тугмачасини вақтида босиш катта аҳамиятга эга. Агар сиз “чақмоқ чақиши ва момоқалдиқроқ бўлишини” кутмасдан ёзсангиз, асар чала туғилган болага ўхшаб қолади. Агар “чақмоқли лаҳзалар”ни ўқазиб юборсангиз, ёзишдан ўзингиз совуб қоласиз, бу ҳолда ҳам асар тўлақонли бўлмайди...

... Биринчи бадий асарим – “Тўрт мактуб” деган ҳикоям 1963 йил 17 апрель куни “Тошкент ҳақиқати” газетасида босилган. Сўнг шу ҳикоя асосидаги “Чўл ҳавоси” қиссаси ўша йили октябрь ойида “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган. Пахта теримида ҳашар қилиб юрганимизда шу асар ҳақида атоқли адиб Абдулла Қаҳҳордан хат келгани ҳақида воқеалар айрим эсдаликларимда баён этилган. Хуллас, Абдулла Қаҳҳордек алломанинг университет талабасининг биринчи асарига юксак баҳо бериб, “лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади” деб руҳлантириши ёш қаламкаш учун қанчалик қувончли ва айни пайтда елкасига нақадар масъулиятли юк бўлиб тушганини англаш қийин эмас... Шу кунгача нимаики ёзмай, елкам ортидан Қаҳҳор домла тикилиб турган-



дек, “хўш, мулла, буёғи қандай бўляпти?” деб дашном бераётгандек бўлаверади...

... Яна бир шиорим бор. Бугун ёзиладиган асар кечагидан, эртага ёзиладигани бугунгидан яхшироқ бўлиши шарт. Ижодкор ўзини ўзи такрорлашга ҳаққи йўқ... Қолаверса, ҳали якунига етмаган асар ҳақида гапириш туғилмаган бузоққа арқон эшишга ўхшайди. Худо хоҳласа, яхши ниятлар бор. Ёш ижодкор дўстларимга айтадиган битта гапим бор. Китобхон меҳрини ялиниб ҳам, буюриб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди. Худо ўқувчи меҳридан бегона қилмасин. Асар ёзаётганда шунга алоҳида эътибор беринг!

ЁЗУВЧИ ҲАҚИДА

Ўткир Ҳошимов 1941 йил Тошкент вилоятининг Зангиота (ҳозирги Чилонзор) туманидаги Дўмбираво мавзеида туғилди. Ў. Ҳошимов меҳнат фаолиятини эрта бошлади. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика куллиетида ўқиш билан барабар газета таҳририятида ишлади. 1959 йилдан 1963 йилгача “Темирўйли”, “Қизил Ўзбекистон”, “Транспортний рабочий” газеталарида хат ташувчи, муссаҳҳиҳ, таржимон бўлиб ишлади. Сўнг “Тошкент ҳақиқати” газетасида адабий ходим (1963-1966), “Тошкент оқшоми” газетасида бўлим мудури (1966-1982), Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари (1982-1985) бўлди. 1985 – 1995 йилларда “Шарқ юлдузи” журналига бош муҳаррирлик қилди. 1995 йилдан 2005 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси лавозимида ишлади. 2005 йилдан бери “Театр” журнали бош муҳаррири.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов мустақил Ватанимизнинг адабиёти ва маънавий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Қарийб эллик йил давомида турли тилларда икки ярим миллионга яқин нусхада чоп этилган етмишдан ортиқ китоби адибни халқимизнинг ардоқли фарзандига айлантирди.

Ҳозир адибнинг олти жилдли “Танланган асарлар”и “Шарқ” нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси нашриётида чоп этилмоқда. Шу пайтгача ёзувчининг “Пўлат чавандоз” (1962), “Гунафша” (1965), “Одамлар нима деркин...” (1966), “Бир томчи шудринг” (1970), “Баҳор қайтмайди” (1970), “День мотылка”, (1971), “Қалбинга кулоқ сол” (1973), “Узун кечалар” (1975), “Нимадир бўлди” (1975), “Ер фарзандимиз”, “Нур борки, соя бор” (1977), “Қуёш тарозиси” (1980), “Машина сотаман”(1981), “Дунёнинг ишлари” (1982), “Ялпиз сомса”(1983), “Оқ камалак”(1984), “Сирли юлдуз” (1985), “Икки эшик ораси” (1986), “Ҳазина”, “Икки карра икки беш”(1987), “Нотаниш орол” (1990), “Изтироб” (1991), “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” (2008) ва бошқа китоблари нашр этилган.

Шунингдек, Стефан Цвейг, Э. Хемингуэй, К.Симонов, К.Паустовский, Ж.Лондон О.Берггольц, В.Шукшин, М.Карим ва бошқа адибларнинг асарларини ўзбек тилига ўзгирган. “Хазон бўлган баҳор”, “Бировнинг ташвиши (Инсон садоқати)”, “Тўйлар муборак”, “Баланд дорга осилма”, “Қатағон” саҳна асарлари муаллифи.

КИТОБХОН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

(Учрашувлардаги савол-жавоблар)

– Ёзувчилик ҳунарининг энг қийин жойи нима?

– Асар қаҳрамонларига «жон ато этиш», яъни уларни тирик инсонларга айлантириш. Шундагина китобдаги одамлар («персонажлар» эмас, айнан одамлар) ўқувчининг яқин кишисига айланади. Китобхон унга қўшилиб ўйлайди, изтироб чекади, севади ёки нафратланади.

– Кўп асарларингизда аёлларнинг ички олами, руҳияти жуда аниқ тасвирланган. Бунга қандай эришгансиз?

– Чиндан ҳам шундай бўлса-ку, қувонган бўлардим-а! Аёл психологиясини аниқ тасвирлаш у ёқда турсин, чуқурроқ англаб етишнинг ўзи олий математиканинг ўн номаълумли тенгламасини ечишдек гап. Аёл руҳияти кўпинча гўзал ва шаффоф баҳор булутига ўхшайди. Ярим соатдан кейин қаёққа сузишини ўзи ҳам билмайди...

– Ёзувчи бўлажак асаридаги ҳар бир детални олдиндан тўплаб юрадимми ёки ижод жараёнида уларнинг ўзи хаёлга келадими?

– Униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Бироқ «бўлажак» деталларни ёзиб юрадиган одатим йўқ. Ёзиш жараёнида уларнинг ўзи қандайдир табиий равишда эсга тушади. Устоз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, детал ҳусн бўлиши, албатта, қандайдир маъно ташиши, асарга аниқлик киритиб, уни бойитиши шарт. Лекин керакли детални топиш ҳар доим ҳам осон кечавермайди.

Деталнинг ишонарли бўлиши ижодкордан синчковлик ва изланиш талаб қилади. Бу масалада атоқли адиб Саид Аҳмад таниқли танқидчи Умарали Норматов билан суҳбатда ғалати мисол келтирилган.

«Уфк» трилогиясида тўқайга ўт кетиши манзараси бор. Адиб асарнинг биринчи вариантда бу ҳолатни ўз тасаввурича ёзганини, аммо кўнгли тўлмади Сирдарё бўйидаги бир хўжаликка бориб, бўлим бошлиғининг рўхсати билан ўзи тўқайга ўт қўйиб тажриба қилганини эслатади. «Шундагина аввал ёзган бобимдаги ёнғин тасвири нақадар ғариб эканини билдим, – дейди ёзувчи. – Қамиш барглари аввал ёниб, учидаги попугига ўтти узатар экан. Барги ёниб бўлган, танаси ҳали ўт олмаган қамиш учидаги попуги худди шамга ўхшаб ёниб тураркан. Ердаги хашаклар билан қўшилиб қамиш танаси ёнар экан. Сал шамол эсса, ўт ёнбошлаб ерни олов тили билан ялаб, илондек ўрмалаб кетар экан. Қамишлар орасидан учиб чиққан қушлар фарёд уриб, қора тутун орасида чарх уради. Баъзан куёнми, каламушми, ўтдан қочиб чиқади... Романдаги ёнғин боби шундан кейин бошқатдан ёзилди...»

Детални аниқлаш зарурати менда ҳам бўлган.

Болалигимда Ача хола деган лўли хотин келиб турар, гоҳ синиқ кўзгу, гоҳ аллақандай чизиқлар тортилган саккиз қиррали тош билан

фол очар эди. Бу манзарани кўп кўрганман. Бироқ «Дунёнинг ишлари» китобида шу манзарани тасвирлаётиб, нарда ўйинидаги «тош»га ўхшаш ўша нарсанинг оти нималигини ҳеч тополмадим (Табиийки, болалигимда буни сўрамаганман, бунинг кераги ҳам бўлмаган). Аммо асарда ўша «тош»нинг нима деб аталишини ёзмаслик мумкин эмас. Асар, айниқса, насрий асар ниҳоятда аниқликни талаб қилади...

Ўйлаб-ўйлаб Чорсу бозорида фолбин лўли хотинлар ўтириши эсимга тушди. Оилам Ўлмасхон икковимиз фолбин излаб бордик. (Бир ўзим «фол очираётганимни» кўрганлар нима деб ўйлайди). Хуллас, бордик. Лўли хотинни топдик. «Фол очирадиган» бўлдим. Лўли энди «нечта дўстиму, қанча душманим» борлигини айтиб дийдиёсини бошлаганда «фол очадиган тоши» бор-йўқлигини сўрадим. Тош бор экан. «Тош билан» фол очдирмоқчилигимни айтдим. Ола хуржунидан худди ўша – болалигимда кўрганга ўхшаш тош олиб, тагин санай бошлаган эди, тошнинг оти нималигини суриштирдим. «Фалон сўм бермасанг айтмайман» деди. Хуллас, мўлжалдаги пулни олгач, «бу тошне муҳра дейдилар, аков!» деди.

Шундай қилиб, фолбиннинг муҳрасини аниқлашга анчагина сарсон бўлдим. Бироқ «Дунёнинг ишлари»ни қачондир, қайсидир фолбин ўқиб қолса уялмайман!

Дарвоқе, гап лўлилар тўғрисида бораркан, асарда деталнинг ўрни ҳақида бир мисол келтириш мумкин. «Қатагон» ўтган асрнинг саксонинчи йилларида марказ томонидан юртимиз бошига солинган кулфатлар, «ўзбек иши», «пахта иши» деб номланган зўравонлик ҳақидаги фожиа – трагедия. Спектакл бошида терговчи Мясников ноҳақ қамоққа тиқилган совхоз деректори Жумановнинг уйига келиб, унинг хотини Ҳанифани сиқувга олади. Шу пайт эшикдан лўли хотин кириб келади. Мясниковга эргашиб юрган «маҳаллий ҳуқуқшунос» Бердиев уни ҳайдамоқчи бўлганида Мясников шунчаки эрмак учун гўё «фол очирмоқчи» бўлиб, лўлига кафтини тутди. Лўли унинг қўлини ушлаб, «қўлингдан қон хиди келопти, сенинг ниятинг ёмон», дейди. Сўнг Ҳанифага қараб, «сен, келин мулло, нега буларни уйингга киритдинг, буларнинг кўзи хунук, уйингда амал бор!» деб хитоб қилади. Бердиев уни ургудек бўлиб ҳайдаб чиқаради...



Савол туғилади. Фожиавий асарда лўли нима қилиб юрибди? Устига устак лўли хотин кейинчалик спектаклда бирон марта кўринмайди. Бу образнинг нима кераги бор? Аслида лўли трагедияда ўз вазифасини бажарган. Биринчидан, у Мясниковга “қўлингдан қон хиди келопти!” деганда уни фош қилаяпти. Иккинчидан, томошабинни бўлажак фожиалар ҳақида огоҳлантиргандек бўляпти. Ва, ниҳоят, Ҳанифага “уйингда амал бор” дегани ҳам бежиз эмас. Мясников бу хонадоннинг ҳожатхонасига наркотик модда яшириб кетади ва шу баҳонада Ҳанифани ҳам ҳибсга олмақчи. Бу “сир” фожианинг энг сўнгги пардасида очилади...

Шу тариқа кичик бир детал катта ва ҳал қилувчи хизматни ўташи ҳам мумкин.

– Ҳамма асарларингиздан ўзингизнинг кўнглингиз тўлганми?

– Бу саволга ҳеч ким “ҳа” деб жавоб беролмаса керак. Албатта, ўзини ҳурмат қилган қаламкаш кўнгли тўлмаган асарни эълон қилишдан тийилади. Бироқ оилада ўнта фарзанд бўлса, ўнови ўн хил бўлганидек, асарлар ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Фарзандларнинг ҳаммаси ота-онага бирдек суюкли бўлгани каби асардаги камчиликлар муаллифга дарров кўрина қолмаслиги ҳам мумкин.

Қизиғи шундаки, бундай саволга беш аср аввал ҳазрат Навоий бобомиз кўп ибратли жавоб қилган эканлар.


*“Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнелига қуту бағрига пайванд,*

*Чун ўғул айбини ато кўрмас,
Кўрса ҳам қилганин хато кўрмас...”*

Навоийдек даҳо шундай деб турганларидан кейин бошқаларни кўяверинг!

– Асарларингизда ҳар хил тентак-девоналар учраб туради. “Дунёнинг ишлари”да “Шайх”, “Икки эшик ораси” романида Парча... Жиддий асарларга девоналарни киритиш шартми?

– Адабиётда бу янгилик эмас. Навоий ва Шекспирда, Пушкин ва Достоевскийда, Ғафур Ғулум ва Абдулла Қаҳҳорда, Василий Шукшин ва Нодар Думбадзеда бундай образлар бор ва улар шунчаки “эрмак” учун асарга киритилмаган. Аксинча, жиддий вазифани бажаради. Ёрқин



мисолни Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан олиш мумкин. Биласиз, романда “Қовоқ девонанинг белбоғи” деган боб бор. Атиги уч саҳифа. Қизиғи шундаки, Қовоқ девона деган телба асарда бир марта кўринади, холос. Қодирийдек атоқли адибнинг “Ўткан кунлар”дек жиддий романида девона нима қилиб юрибди? Бунинг устига фақат бир марта кўринадиган одамнинг нима кераги бор? Ҳамма гап шундаки, Қовоқ девона романда жиддий тағмаёно ташувчи вазифасини бажарган. Ёдингизда бўлса, бир нотаниш одам девонани кўчада тўхтатиб, гапга солади. Яқинда ким ўғлини уйлантирганини суриштиради. Девона билан “Қоратегиндан келган” “кўз оғриғи” орасида бўлиб ўтган телба-тескари суҳбатдан маълум бўладики, Юсуфбек ҳожи Отабекни уйлантирган. “Кўз оғриғи” – Ҳомид.

Ёзувчи унинг исмини айтмайди. Бироқ китобхон Қовоқ девонанинг “юзингга қачон чечак чикди” деган саволидан бу кимса Ҳомид эканини англайди. Ҳомиднинг нияти Отабек уйланишини аниқ билиб олгач, фитна қилиб, унинг номидан Кумушга “талоқ хати” ёзиш. Китобхон буни кейинчалик билиб олади.

Шу ўринда адиб чинакам ёзувчилик ихтироси деб аташ мумкин бўлган бошқа бир “юк”ни ҳам мана шу “шапалоқдек” бобга жойлаган. Гап шундаки, “Ўткан кунлар”да Марғилондаги тўй, “қизлар базми”, ниҳоқ ўқиш гўзал ва батафсил тасвирланган. Отабекнинг Тошкентда Зайнабга уйланиш тўйи манзараси эса умуман йўқ! Албатта, Тошкентдаги тўй Марғилондагидан фарқ қилиши аниқ ва истёждоки ўртароқ ёзувчи бу тўйни ҳам тасвирлаши мумкин эди. Қодирий ундай қилмайди. Фақат Ҳомид билан девонанинг телбаваш суҳбати поёнида битта жумла бор. Қовоқ девона Ҳомидга бундай дейди:

– “Тўй ўтганда келибсан, тентак! Менга-чи бир тоғора ош тегди!”

Мана шу жумла тагида фақат улуғ адиб айтиши мумкин бўлган теран маъно ётибди. Тошкентда бўлган тўйнинг Отабек учун қилча ҳам нурли нуқтаси йўқ. Бу тўйнинг бутун қувончи бир девонанинг бир тоғора ош ейиши билан ўлчанади! Мана, нима демоқчи адиб!

Шу тариқа жиддий асарлардаги довдир-тентаклар бошқа “эс-ҳуши жойида” одамлар кўтара олмайдиган юкни ташиши мумкин.

Сиз айтган мисолга келсак. “Дунёнинг ишлари”даги Шайх ҳам телба. Умрида бирон марта йиғламаган. Фақат кулади. Аммо Она вафот этганида кўксини ёқавайрон қилиб дод солади ва унинг фарёди ҳамманикидан табиийроқ, самимийроқ эканини ҳамма билади. Чунки каттаю кичик барча масҳара қилиб келган, ҳар томондан камситилган бу бандани фақат Она одам ҳисоблаган ва унга меҳр берган. “Икки эшик ораси”даги Парча эса ўзи билмаган ҳолда доим рост гапни айтиб кўяди. Хотинлар пиез ўтоқ қилаётганда Парча Раънога қараб туриб “Вой, анаву Раънохонни очилиб кетганини қарайла, эри уришда юрган хотингаям ўхшамайди!” деб хитоб қилади. Бир ёқда Раънохоннинг, иккинчи ёқда Умар закунчининг ичидан қиринди ўтиб кетади. Негаки, икковининг “дон олишиб юришини” Парча ўзи билмаган ҳолда фош қилиб кўяпти. Қолаверса, Умар закунчи бошқа ҳеч ким эмас, айнан шу “жинни” туфайли биринчи марта жазоланиб, “тиллахонага” кулаб кетади ва нажасга “чўмилади!” Асарда Парча адо этган тагин анча “юмушлар” ҳам бор...

Хуллас, бир қарашда “иккинчи даражали”дек кўринадиган довдир-телбалар, ўғри-кисавурлар, лўли ва тиланчилар асарга бежиз киритилмайди.

– Асарларда афсоналар, ривоят ва мифлардан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Бу ҳолат сизнинг китобхонларингизда ҳам учрайди. «Баҳор қайтмайди»да Қоқкус ҳақидаги афсона, «Дунёнинг ишлари»да Ҳаққон ва Офтоб ҳақидаги ривоятлар, «Тушда кечган умрлар»да Қурбоной холанинг эртаклари... Жиддий реалистик асарда ҳар хил афсоналарни ишлатиш шартми?

– Аввало шуни айтиш керакки, афсона ва ривоятлар, эртак ва мифлар жаҳон адабиётининг бешиги саналади. Инсон ёзувни кашф қилмасидан минг йиллар аввал пайдо бўлган эртак ва афсоналар авлоддан авлодга ўтиб келган. Арабларда “Минг бир кеча” туркуми, ҳинд эпослари, ўзбек халқ дostonлари бебаҳо хазинадир. Бундай бойлик ҳамма халқда ҳам бор. Қолаверса, ёзма адабиётнинг энг гўзал намуналари ҳам кўпинча шу жанр асосига қурилган. Шарқда Алишер Навоий, Фарбда Шекспир каби алломаларнинг асарлари...

Қадимий юнон шоири Гомерни биласиз. У эрамиздан олдинги саккизинчи асрда, яъни бундан 2800 йил аввал яшаган. Машҳур “Илиада” ва “Одиссея” дostonларига эса ўзидан тўрт аср бурун рўй берган Троя урушини асос қилиб олган. Демак, дoston тарихи бундан 3200 йил нарига бориб тақалади.

Эрамизнинг ўн тўққизинчи асрида қизиқ воқеа рўй беради.

Немис олими Генрих Шлиман Америка Аляскасида “олтин васвасаси” авжига чиққан пайтда ўша ерга бориб банк очади ва бир неча тилни билган тадбиркор одам бўлгани учун ишлари юришиб кетади. Шлиман “Илиада”да тасвирлаган Троя хазинасини топишга аҳд қилади. У Грециядаги дўстига хат ёзиб, юнон қизга уйланиш нияти борлигини баён қилади ва ўз шартларини кўяди. Бўлажак келин бир қанча тилни эгаллаган бўлиши, “Илиада” ва “Одиссея” дostonларини ёддан билиши шарт. Қизнинг қандай оиладан бўлишининг аҳмияти йўқ! Агар шу шартларга жавоб берадиган келин топилса, эр-хотинни катта бойлик ва шон-шухрат кутади...

Шлимандек тадбиркор одам кўзи ожиз Гомер неча замон аввал “тўқиган” афсонага нега ишонгани қоронғи. Бироқ унинг барча шартларига жавоб берадиган қиз топилди. Шлиман ёш хотини билан Троя уруши тасвирланган жойларни излашга тушади. Ҳайратланарлиси шуки, у 1870 йили, тўрт йил давом этган археологик қазилмалардан сўнг айнан ўша дostonда ёзилган Микена шаҳри харобаларидан Троянинг битмас-туганмас олтин-жавоҳирлар хазинасини топади. 1900 йилда эса инглиз олими Артур Эванс Крит оролидан тагин ўша дostonда тасвирланган бошқа хазинани ҳам топишга муваффақ бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳар қандай афсона тагида ҳақиқат бўлиши мумкин. Инсон тафаккурига сиғдира олган фантазия эртамикечми ҳақиқатга айланиши бор гап. Бунга қадимий мифларда тасвирланган “ойнаи жаҳон”лар, “учар гиламлар”, тилсимни айтмагунча очилмайдиган “сирли сандиқ” – компьютерлар мисол бўла олади. Қолаверса, эртак ва афсоналар, ҳикоят ва ривоятлар эзгуликка давъат этади. Шу маънода улардан фойдаланиш керак. Ҳамма гап қай даражада ўринли фойдала-

ниш ва қандай маъно юклашда. Замонавий адабиётда бунинг ёрқин мисолини Чингиз Айтматов ижодида кўриш мумкин. Манқурт ҳақидаги афсонада нақадар теран маъно бор! Ёки “Оқ кема” қиссасидаги Она буғуни олин! Она буғу шунчаки буғу эмас, бутун бир халқни, миллатни қирилиб кетиш хавфидан асраб қолган халоскор тилсоли.

Атоқли адиб бу тилсол орқали ўзини ўраган табиатга қўл кўтариш ўз онасини бўғизлашдек гуноҳ, демоқчи. Инсонга хос бўлган бешафқатлик, очкўзлик, қалби сўқирлик қандай дахшатли оқибатга олиб келиши мумкинлигини айтиб, китобхонни огоҳлантирмоқчи.

Бизнинг адабиёт вакиллари – талай шоир ва адиблар ҳам афсона ва мифлардан ўринли ва унумли фойдаланмоқдалар. Сиз айтган мисолга келсак, Қурбоной холанинг афсоналари шунчаки яхшиликка ундовчи насихат эмас. Уларда асардаги бир-бирига қарама-қарши турувчи икки кутб – Комиссар ва Қурбоной дунёсини очишга ҳаракат қилинган. Комиссар назарида Қурбонойнинг чивинчалик ҳам, чувалчангчалик ҳам қиммати йўқ. У ўзини бунақа “ярим одамлар” устидан ҳукмронлик қилувчи қудратли шахс санайди. Йиллар давомида шундай бўлган ҳам. Қурбоной бир қарашда чиндан ҳам “ҳеч ким эмас”. Чаласавод оддий фаррош. Аммо маънавий бойлиги билан, иймон-эътиқоди билан Комиссардан ўн поғона баланд туради. Комиссар ҳар кимдан иллат қидирса, Қурбоной ҳаммадан фазилат излайди. Комиссар оддий майнқурт эмас, “ақлли”, ўқимишли жоҳил. Шуниси билан анжир саатарли. Бир сафар у Қурбонойга “ҳар куни намоз устида мени қарғасанг керак?” деганида Қурбоной “сизнинг нимангизни қарғайман, Худо ҳаммасини кўриб-билиб турибди-ку” деб жавоб беради. Бир қарашда бу мутъелик бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бу ўринда бошқа маъно ҳам бор. Қурбоной Комиссарнинг Худо урган банда эканини яхши билади. Чиндан ҳам шундай. Комиссар мустабил тузумнинг фармонбардори ва айни шу тузумнинг қурбони. Фарштадек беозор хотини бир зумда вафот этади. Янги “замонавий” хотини кўз ўнгида унга хиёнат қилади, бир ўғли чет элга қочиб кетади, бир ўғли ундан юз ўгиради... Бир вақтлар ҳаммани титратган кимса энди ўзи яккамохов бўлиб қолган, кулбасида кечалари кўркувдан додлаб уйғонишга маҳкум...

Хуллас, барча тасвир воситалари қатори афсона, ривоят, эртак ва мифлар асарнинг бош мақсадига, ундаги одамлар қисматини очишга хизмат қилса, улардан фойдаланиш керак...





Нодир ЖОНУЗОҚ

Атиргул барглари

(т у р к у м)

1

Ҳаётми бу, ё сирли эртақ.
Ёки билмам, бир ширин тушидир:
Киприкларим отмоқда куртак.
Қошларимга шудринглар тушиди.

Кўзим булоқ сингари тоза.
Гулга кирди ҳар бир бармоғим.
Богда бирдан бўлди овоза –
Атиргулни йўқлаб бормоғим.

Кўй бошлади созанда булбул.
Жарчиларим – читтак ва какку:
“Тўй бошланди!
Эй, дўст, ўйнаб-кул,
Ахир, яшаб қолиш керак-ку...”

Совчи бўлди оппоқ кабутар.
Кўёвжўра – қора қалдирғоч.
Гул қизариб, безаниб кутар –
Бошида дур ялтираган тож.

Йўлимизга сочилар гулбарг,
Мусичалар қилишар дуо.
Ота уйин қилар экан тарк,
Кўзёш тўқар Атиргул... Шу он –

Дугонаси – қизгалдоқ билан.
Пичирлашар, билмайман, нени.
Ҳозирданоқ юз алдоқ билан
Ўз измига солмоқчи мени.

Майли,
Гулга бўйсинсам – айбмас,
Титраб турар нозик вужуди.
Бунча хушбўй! Сирини айтмас,
Сувмас, атир ичгандай худди...

Яшаяпман –
Минг йил, ё бир он:
Вақтнинг менга нисбати йўқдир.
Англаб етдим: севса гар инсон –
Малак!
Бошқа қисмати йўқдир...

Шу савдоки – бошимга тушиди,
Шу шарафга лойиқ кўрди Ҳақ:
Эҳтимол, бу бир ширин тушидир,
Балки, афсун ёки бир эртақ...

2

То тонггача тинмади ёмғир,
То тонггача чалиб чиқди куй.
Таронаси – тиниқ ва соҳир
Ҳасрат устунларин йиқди-ку.

Қалбим билан тингладим уни,
То тонггача... кўзимни юмиб.
Жонимдаги аччиқ қайғуни –
Кўйи билан кетди у ювиб.

Кўзим тоза... Тоза сўз билан
Салом бердим сахий саҳарга.
Жилмайди у – севинчим билар –
Кўёш ила чиққум сафарга.

Қумурсқалар қатори бўйлаб,
Одимлайман, дўстим – ниначи,
Йўл бошлайди шўх қўшиқ куйлаб,
Кўшилмасам ранжир гиначи.

Ҳаво тоза. Сувлар мусаффо,
Атиргуллар отмоқда мушак.
Япроглари – сочади сафо –
Хонқизига ёқимли тўшак.

Ҳаёт – гўзал, фусункор, сирли,
Юрагимдан тошаяпти шашт.
Эй, Севгининг маъсум асири,
Яшаиш керак, ҳа, севиб яшаиш!

Ахир, ҳаёт берилган бир бор,
Йиғласак ҳам, қулсак ҳам – кечар.
... Ухламаймиз бу тун ҳам, дилдор.
Яна ёмғир ёғар бу кеча...

3

Сув юзига тўкилди аста
Атиргулнинг синган япроги.
Эга чиқди унга бир пасда –
Тиллақўнғиз айни тонг чоғи.

Жилдирайди мусаффо ариқ,
Ўйнаб оқар саҳар қўйнида.

Гул япроги – энг нафис қайиқ
Қалқир қувноқ ел ўйинида.

Сувни ўпган гиёҳлар – кўприк,
Соҳилда қўл силқир хонқизи.
Кўзларимдан тўкилган киприк
Эшак бўлар... Хавфли оқизиб.

Айлантирар митти гирдоблар.
Тиллақўнғиз – моҳир денгизчи.
Саботини, санъатин тоблаб,
Давом этар йўлида изчил.

Писанд эмас хаслар тўсиғи.
Писанд эмас қалтис буримлар.
Елкан қилар еллар қўшиғин.
Олисларда севгиси имлар.

Уфқ қаърида – у суйган қўнғиз,
Фарқ бўлмайди қуйқа гумонга.
То ёр экан шундай гўзал ҳис.
Етишасжак бир кун уммонга...

4

Атиргулнинг танаси бўйлаб
Ўрлаб борар митти чумоли.
Жилмаяди тушини ўйлаб.
Нигоҳлари сархуши, хуморли.

Туш кўрибди қизил гунчани.
Нур таратиб ёниб турганмиши.
Очиб-ёпиб гул тугунчани,
Ўзи билан суҳбат қурганмиши...

Уйгондию дўстларин чорлаб.
Тонгда кўрган тушини айтди.
Қароғлари севинчдан порлаб.
Такрорлади қадимий байтни:

“Бу не тилсим?
Бу не сир, ҳайҳот,
Наҳот менда бор бўлса юрак?
Энди менга Усиз йўқ ҳаёт,
Энди уни кўришим керак!”

Қанча кўҳна китоб титилди.
Хариталар изланди ҳалак.
Охир гунча манзилин билди
Фаришталар дўсти – капалак.

Йўл бошлади.
Борар чумоли
Қуёш сари ўрлайди тикка –

Япроғларнинг остида қолиб.
Санчилса ҳам кўксига тикан.

Фақат мени қийнайди бир ўй.
Етармикан то қиш келгунча.
Таратарми у пайт атир, бўй.
Совуқ уриб тўзмасми гунча?

Ярим йўлда ўлар капалак,
Сафар олис – етмайди умри.
Ўйин қилар жодули фалак
Сочар экан бир шода дурни.

Раҳмим келар...
Қўлимга олиб,
Элтсам дейман манзилга осон.
Лек чумоли қовогин солиб,
Бош чайқайди: “Тегинма, Инсон,

Сенинг орзунг мендан-да майда,
Севги ахир азоб-ла хушидир.
Жон чекмасанг жонона қайда.
Машаққатсиз муҳаббат пучдир!”

5

Кўп қаватли бир уй мисоли
Атиргулнинг барглари қат-қат.
Ижарага бир гўша олиб,
Севинганлар яшайди фақат.

Ҳар баргакда – бир бахтиёр жуфт.
Ҳар япроқда бир ёруғ чироқ.
Бири шоир, бири файласуф
Оғринмасдан очади қучоқ.

Билмас сира – ҳасад не, не кин,
Бегонадир дунё зубори.
Яшайдилар далли ва эркин,
Бири – наstdа, бири – юқори.

Биттасига тегинсангиз сал,
Кўзголади бари – қўшилар.
Ҳавасимни келтирар роса –
Бундай аҳил, гўзал қўшилар.

Шабнам каби соф тушунчаси,
Ишқ ҳужмига мангу асирдай.
Атиргулнинг олов гунчаси
Барчасига нур сочар бирдай.

Асалари қуйлаб йигар бол,
Рақс тушади нафис капалак.
Хонқизига тилайди иқбол –
Ниначи ранг берган камалак.

Йўл қуради танти чумоли,
Ўримчак жим боғлайди ришта...
Хуллас, ҳаёт ҳасратдан холи.
Мушкин уй бу – тоза, саришта.

Кошки,
Мен ҳам – гуноҳкор банда
Улар билан бўлсайдим нон-туз.
Улар каби пок эмасман-да.
Ҳур эмасман улардай, афсус...

6

Богда булбул ўқиди азон.
Кейин какку туширди такбир.
Жам бўлишиди барча намозхон –
Зағча, чумчуқ... – тизилди бир-бир.

Гулзорнинг қоқ ўртаси – масжид,
Атиргулнинг барги – сажжода.
Сажда пайти маст қилгувчи ҳид
Юракларни ўртади: бода –

Узатарди бир сармаст гунча,
Билмам, нега – сезмасди ҳеч ким.
Сафдошларим ётиб тургунча.
Гулқадаҳни сипқориб ичдим.

Томиримда таралди лаззат.
Хира онгим бирдан ёришиди.
Дилга тушов барча даҳмаза
Ғойиб бўлди – ерга қоришиди...

...Ихлос қилар ҳар ким ўзича.
Йўллар экан Арига розини.
Салом берди имом мусича –
Ва тугатдик шом намозини.

Сўнг тарқалдик...
Кезиндим бесар –
Илк бор туйдим ибодат тотин.
Энди уйга қайтайин десам,
Халал берар бир жуфт қанотим...

7

Ўтар эдим гулбоғ оралаб,
Оёқ қўйиб мушкин пуштага.
Босардим гоҳ гунчаларга лаб –
Қизил, сариқ, оқ ва пуштига...

Ҳар бирида – ўзгача гулоб,
Ҳар бирида – ўзгача бир таъм.
Маст бўлардим...
Ва сирим гуллаб,
Қўшиқ айта бошлардим хуррам.

Куйламоқдан тинарди қушлар,
Чигирткалар соларди қулоқ.
Чувалчанглар дилини хушлаб –
Чиқарди ер юзига қувноқ.

Фақат бир гул мўлтирар маъюс,
Фақат бир гул – боғнинг четида.
Ўтган кеча барига, афеус,
Шу гул ёлғиз гувоҳ эди-да.

Илк бор сени қучганим ҳамда
Ўпганимни кўрди у ногоҳ,
Аразлади ва ўша дамдан
Атрини ҳам сочмай қўйди, оҳ.

Энди ўйнаб-кулсам-да қанча,
Фунчасини очмайди бу гул.
Ер искайди жим эгилганча,
Тупроққа бош ургудай буткул.

Ўтар бўлсам ёнидан, бесас
Товонимга санчар нишини.
Қайдан билай, сенга дил берсам,
Атиргулнинг рашиқ қилишини.

Кел,
Қутаман бу кеч ҳам боғда,
Гарчи йўқдир сенга ҳеч сўзим:
Ранжмасин – узатсин бода,
Атиргулга тушунтир ўзинг...

8

Атиргулнинг бандини кесдим,
Қон сачради юзимга бехос.

Сескандим-у... қисматим сездим,
Қийин бўлар энди менга, рост.

Тушларимга киради бу гул,
Хўрсинади, маъюс энтикар:
Япроғлари тўкилмиш буткул,
Кўзларимга қадайдди тикан.

Пичоқ изи – тузалмас яра,
Силқиб турар оҳи, инграри.
Мени таъқиб қилади яна,
Боши кетган шаҳид сингарии.

Гирдобларга отади ўзин,
Сув оқизган гулбаргин излаб.
Ёшига тўлар соҳилда кўзим,
Увол кетган гунчани эслаб.

Ахир, сенга қилгандим тухфа,
Тилагандим ёлғиз муҳаббат.
Орзум эди: у билан ухлаб,
Тушларингда мени кўр фақат.

Сен-чи, бағринг тош экан, дилбар,
Қандай оғир гуноҳга ботдинг –
Латиф гунча қадрини билмай,
Лойқа ариқ қаърига отдинг.

Энди мени қўймайди бу гул,
Энди менга абадий рақиб.
Тушларимни тўзгитади ул,
То ўлгунча қилади таъқиб.

Бир кун ўлсам...
Тўлғонар қабрим,
Тошиб чиқар мушкин андуҳи.
Аямасдан сочади атрин
Атиргулнинг безовта руҳи!

9

Ёнарқуртдай турибди дилда –
Теграсига таратиб зиё.
Ўрмалайди – илашса тилга,
Юлдуз каби нур сочар гўё.

Атиргулнинг лабидаги пок
Шабнам янглиғ балқиб турар у.
Тушар бўлса ёввойи нигоҳ,
Силкинади – қалқиб турар у.

Ёруғ Сўз у. Қадр кечаси –
Малакларнинг оғзидан тушган.
Шоирларнинг неча-нечаси
Уни фақат кўрмишдир тушда.

Мен ҳам ёлғиз унга ишониб
Олган эдим қўлимга қалам.
Қаро тунда – ўша нишоним,
Шуъласида ташлайман қадам.

Агар бўғса зим-зиё кеча,
Агар зулмат олайтирса кўз
Шеърим ўқинг... Лаҳзада кечар
Дилингизга ушбу ёнарсўз...





Фозил ТИЛОВАТ

ҚОРА ҚУЗҒУН

Детектив қисса*

34

Акмал Тошкентга келгунга қадар гувоҳларнинг кўрсатмалари, воқеага алоқадор бошқа ҳужжатларни обдон ўрганиб чиқди. Гулчеҳра билан Шосалимни сўроқ қилганида бир воқеанинг икки хил талқин қилиниши унинг эътиборини ўзига жалб этди.

Гулчеҳранинг айтишича, Жобирбек билан ўрталаридаги араз, эрининг жазмани кўнғироқ қилган кундан бошланган:

– Эримнинг ҳадеб Тошкентга қатнашидан жазмани бор, деб шубҳа қилардим, – деди у.

Шундан сўнг, Гулчеҳра табиатига зид равишда эрининг қадамни таъқиб этишга тушади: ўша кўнғироқ бўлган кеча эрининг қаерда тунаганини ва ким билан бўлганини билиш учун Шосалимга кўнғироқ қилади.

– «Қурувчи» меҳмонхонасига кузатиб қўйдим, – қабилида жавоб қилади Шосалим.

Ўзининг айтишича, дабдурустан берилган саволдан довдираб қолган: «Чунки Жобирбек фақат «Интурист»да жойлашарди, – деди у сўроқ пайти. – «Қурувчи»га ахён-ахён хуфёна кўнгил ёзишга бориб турарди. Аммо унинг ишрат қиладиган жононларини, рости гап, танимайман».

Акмал дастлаб «Интурист» меҳмонхонасининг мижозлар қайд қилинадиган китобини текширди. Жобирбек кўноқ бўлган саналарни ён дафтарчасига ёзиб олди. Кейин, «Қурувчи»ни излаб топди. Бундаги дафтар билан «Интурист»дан олган саналарни солиштирди. Аксари мос келди. Лекин «Қурувчи»да «Интурист»да қайд этилмаган саналар ҳам бор эди. Яна бир ҳол уни қизиқтирди. Бу – Жобирбекнинг «Қурувчи»да тўхтаган кунлари нуқул Фарангиснинг навбатчилик кунларига тўғри келгани эди.

– Хўш, Шосалим дўстининг сирини дабдуруст берилган саволдан довдираб қолиб айтиб қўйди ҳам, дейлик, – шовилмасдан мулоҳаза юритмоққа ҳаракат қиларди Акмал. – Жобирбек арзон-гаров меҳмонхонани ишрат мақсадида танлаган – хўп. Меҳмонхонанинг, тўғрироғи Фарангиснинг «халис хизмат»лари учун мўмайгина пул бериб тургани ҳолда, мижозларни қайд этиш дафтари-

га исми-шарифини аниқ-тиниқ қилиб ёздириб қўйиши-ю, меҳмонхона хизматчиси нимагадир бу «учрашув»ларни хаспўшлаш ўрнига, унинг исми-шарифи ёнига очик-ошкора «плюс бир» деган ёзувни тиркаб қўйгани мантиққа тўғри келмайди.

Акмал Жобирбекнинг «Қурувчи»да тунаган кунлари нуқул Фарангиснинг навбатчилик кунларига тўғри келганидан шубҳаланиб уни кузата бошлагани. «Калаванинг учи» шу жувонда эканини ички бир овоз тасдиқлаб турарди. Дастлаб кузатувлар унчалик натижа бермади. Фарангис ишдан чиқиб тўғри уйига чопарди. Йўл-йўлакай дўқондан ул-бул харид қиларди, холос. Қўшниларидан бири, уни муштипар бир аёл сифатида таърифлади. Яхши баҳо берди. Кейин, бир нимадан шубҳаландими, Акмалга ёвқараш қилди:

– Шошма, сен ўзи нима учун бу хонадон билан қизиқиб қолдинг? Кимсан ўзи? Ёши ўтинқираб қолган амаки жуссасига ярашмаган бир шашт билан хезланди ҳамсуҳбатига. Акмал нима дейишини билмай бир оз каловланиб қолди. Кейин таваккал: «Шу хонадон билан тақдиримни боғлаш ниятим бор», деб юборди. Амаки, тинчланди. Ҳатто аввалгисидан ҳам мулоиймлашди.

– Ҳа, боласи тушмагур, ҳойнаҳой Наргизга тўр ташлаган кўринасан?!

«Тавба, Наргиз ким бўлдийкин?» Акмал шу ўй, ясама уялиш, зўраки табассум билан амакига «ҳа» маъносида бош ирғаб қўйди. Ҳозир таваккалчиликдан бошқа чораси йўқ эди унинг.

– Наргиз, барака топгур, яхши қиз! Опасига меҳрибон!

«Ҳа, Наргиз Фарангиснинг синглиси экан-да! – Акмалнинг чеҳраси ёришиб кетди. – Ҳойнаҳой, опаси билан турса керак?».

– Сиз Наргизга кўз ташлаганимни қаёқдан билдингиз, ўта синчков экансиз, ота! – Акмал оғзининг таноби қочиб, ҳамсуҳбатини мақтаган бўлди. Мақсади маълумот олиш эди. Ота мақтовга парво ҳам қилмади.

– Шу хонадон билан тақдирингни боғламоқчи экансан, албатта Наргизни мўлжал қиласан-да. Анови тўнка эр билан умри хазон бўлган Фарангисни танламагандир-

* Охири. Боши ўтган сонда.

сан, ҳарҳолда? Ёки... – Амаки қалин ўсган қошлари орасидан унга синчиклаб қаради. – Ёки ногирон болаларига оталик қилмоқчимисан?

Акмал нима деб жавоб беришни билмай қолди. «Ҳа» демаслиги аниқ, аммо «йўқ» дейишга ҳам иккиланиб қолди: «Чоли тушмагур, меҳр-мурувватсиз одам экансан» деб дағдаға қилмасин, ишқилиб.

– Энди, яхшими-ёмонми ўз оиласи бор! – Ўйлай-ўйлай топган гапи шу бўлди Акмалнинг.

Аммо суҳбатнинг йўриғидан қониқмоқда эди у. Фарангис ҳақида анчайин маълумот олишга улгурганди. “Демак, тўнмага ўхшаган эри, қариқиз синглиси ва ногирон болалари бор экан” – хаёлан Фарангиснинг турмушини чамалади у. Кейин суҳбатдоши, кекса амаки билан хайрлашиб, ундан узоқлашаркан, хотирасига муҳрланган учта сўзни ён дафтарчасига тушириб қўйди: Тўнка эр. Қариқиз сингил. Ногирон болалар...

35

«Қурилиш-тижорат банк»ини топиш унча қийин кечмади. Наргиз ана шу банкда ишларди. Акмал атайин пайт пойлаб ишга чиқмайдиган куни уни сўраб борди.

– Сиз Наргизнинг кими бўласиз? – қатор қилиб терилган компьютерлар қаршисида ўтирган қизлардан бири қошларини маъноли учираиб сўради ундан.

Акмал атрофдаги қизлар ҳам бир-бирлари билан сирли-сирли кўз уриштирганларини, кейин қулоқлари динг бўлиб, унинг жавобига муштоқ туришганини кўриб атай овозини бир парда пастлаб гапирди:

– Мен танишиман!

– Узоқ? Яқин? – шўхлигини қўймасди қиз.

– Бунинг нима аҳамияти бор?

– Ҳа, энди сизга – бегона бир эркакка, ўн гулидан бир гули очилмаган бокира бир қиз ҳақида бирон-бир маълумот бериш учун шахсингизни билишим керакми, йўқми? – бўш келмади у.

Қизлар унинг сўзамоллигидан яйрашарди. Шу пайт биттаси луқма ташлади:

– Танишлар масаласида, жа-а-а омади чопган-да Наргизнинг!

– Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, учинчиси ажаб эмаски қовушиш бўлса-а? – гапга аралашди қизларнинг яна бири.

– Фу-у-у, – деди боя луқма ташлаган қиз, – анави завод директори сўраб келганида ҳам шундоқ фол очган эдиларинг. Қорасини ҳам кўрсатмай кетди.

– Сан қатдан биласан – балки учрашиб юргандир? – Тескари қараб ўтирган қизлардан бири ўғирилди-да, Акмалга кўзи тушиши билан, ножўя гапириб қўйдим дегандек, бошини чайқаб-чайқаб яна ишида давом этди.

– Ман сизларга айтсам, – ёши каттароқ жувон икки қўлини ёнга чўзиб керишди, – эр дегани «баръер» дегани. Кони ташвиш. Наргиз тўғри қилди.

Даврадагилар Акмални унутиб қўйишганди гўё. Ўзлари билан ўзлари баҳсга киришиб кетишди. Акмал эса бир чеккада барчани бирма-бир кузатиб, суҳбатнинг мағзини чақиб турарди. Агар Акмал бошқа бир мақсадда келганида, ўртадаги гап-сўзлардан ранжиган бўларди, эҳтимол. Ҳозир эса айна шу каби мулоҳазалар унинг мақсадига мос эди. Бу пайт, бояги керишиб гап бошлаган хотин, энди қўли ишга бормай, ёнидагиларга гап уқтириш билан машғул эди.

– Шундай жойга ишга киритиб қўйди. Ками-кўстига қарашиб турибди. Бир гал бир хотиндан юз минг сўм

юбортирган экан. Роса мақтанганди – эсларингдами? Ҳар ой юз минг, ёмон эмас-а? Яна нима қилсин бечора? Бу ношукур яна янги танишлар орттириб юрибди. Кўз дегани тўймас экан-да, тавба!

Акмал Наргизни яқиндан таниш учун айна шу аёл билан гаплашиши лозимлигини пайқади: «Кўп нарсани билладиган кўринади. Афтидан, сирдоши бўлса керак. Наргизга ҳасад қилаётгани шундоқ гап-сўзларидан билиниб турибди».

Кечки соат олтида Акмал унга ишхона остонасида пешвоз чиқди. Кичикроқ бир кафега таклиф қилди: «Самимий, дўстона ўтирамин, ножўя ҳаракат, ёмон ният йўқ,» – деди жувонни чўчитмаслик учун.

– Ундай бўлса бормайман, – ҳазил аралаш эркаланди жувон. Кейин: – Малика, – деб қўл узатди. – Сизникичи?

– Акмал.

Малика ўша ўтиришда роса очилди. Наргизнинг қошига учиб келган бахт қуши ўзининг бошига кўнмоқчи бўлиб турганидан – севинчи ичига сиғмай кетаётганини яшира олмади. У ҳали Акмалнинг ким эканини билмас, аммо турки-тароватидан катта бир корхонанинг раҳбари бўлса керак, деган гумонда эди. Акмал шу ўтиришда Наргиз ҳақида кўпдан-кўп маълумотларга эга бўлди: Жобирбек кейинроқ унга уйланмоқчи эканини, ҳозирданок пойтахтнинг энг марказ жойидан 30000 долларлик ҳовли жой сотиб олганини, уни Наргизнинг номига расмийлаштирганини – барча-барчасини гапириб берди. Анча ўтириб қолишибди, кўчага чиқишганида кеч тушиб, шаҳар сон-саноксиз чироқлар шуъласига бурканганди. Акмал Маликанинг манзилини ёзиб олди. Малика келажак ҳақидаги орзуларига шу кеч илк қадам қўйишни кўзлаб турарди. Уйга кузатса, бир амаллаб ичкарига таклиф қиларди – у ёғи минг бир кеча, деб мақсадини дилига тугиб улгурганди. Аммо Акмал у билан шу ерда хайрлашни маъқул топди. Малика буни кеч англади. Акмал такси ҳайдовчисига йўлқира бериб, «бу кишини уйларига обориб қўйинг», деганида росмана саросималаниб қолди. Кейин апил-тапил машина ойнасини туширди-да: «Яна қачон келасиз – яна учрашамизми?» – деб сўради.

– Энди келмасам керак, аммо зарур бўлиб қолсангиз, албатта чақиртираман, – деди.

Малика уни яхши англай олмади. Ҳафсаласи пир бўлиб, «ҳамма эркаклар бир гўр» деди-да, машина ўриндиғига яхшилаб ўрнашиб олди.

36

Шосалимнинг қишлоқдаги ҳовлиси шундоққина каналнинг бўйида жойлашган бўлиб, каналнинг нарёғи кенг даштлик. Паст-баланд тепаликлар оралиғидаги тўқайзорлар қишда қуён, бўрсиқ, ёзда ўрдак овланадиган овлоқ жой.

Шосалим ҳам бир кўнгил ёзмоқчи бўлди. Жобирбек билан бўлиб, кейинги икки-уч йилда бирор марта овга чиқмади. Хотинига тухум қайнатиб, термосга чой дамлаб қўйишни тайинлади-да, Ўта мерганниқига ўтиб келмоқчи бўлди.

Ўта мерган ёши саксонларни қоралаб қолган чол. Унинг асли исми Отабек, азбаройи мерганликда тенги йўқлигидан, ўта мерган деган сифат номига айланган. Ёшлигида моҳир овчи бўлган. Мўлжални аниқ олишда унга тенг келадиган одам бўлмаган бу атрофда. Шундан аҳён-аҳён қишлоқ чеккасидаги тўқайзорда ов қилиш учун туман, вилоят, баъзан марказдан келиб турадиган казо-

казолар уни ҳам бирга олиб кетишарди. Ов кўнгилдагдек ўтган пайтлари Ўта мерганни бир талай совға-саломлар билан уйга кузатиб қўйишарди. У иштирок этган овларнинг завқи бўлакча бўларди. Меҳмонлар ов қилиб бир маза қилсалар, Ўта мерганнинг ўқ отиш санъатини томоша қилиб яна бир маза қилишарди. Айниқса, гулхан атрофида, кўр тўкиб ўтиришган чоғлари мерганнинг қизиқ-қизиқ ҳикояларини тинглаш янама мароқли бўларди.

– Ўта ака, мана бу тўқайзорларнинг нарёғида «мерган дара» деган бир жой бор экан – шу жой мабодо сизнинг номингиз билан аталмаганми? – Шаҳрисабзлик маҳмон Ўта мерганни саволга тутди бир гал.

– Йўқ! Лекин бу даранинг шундай номланиши менинг бобокалонларим билан боғлиқ, – деб бир ривоятни ҳикоя қилишга тушди: – Бундан етти юз йилча бурун бобокалонларимдан бири мерганликда камолот чўққисига эришган эканлар. Соҳибқирон Темурнинг назарига тушиб унинг қўшинида энг моҳир ўқчи – мерган бўлиб хизмат қилганлар. Темурнинг бир топшириғини адо этиб, бутун дунёга машҳур бўлганлари ҳақида авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга кўчиб келаётган бир ривоят ҳам бор.

Хизматчиликда Темурнинг номини тилга олиш нари турсин, уни эшитгандаёқ шипга қадар сапчиб тушадиган бу одамлар, тўқайда ов маҳали Ўта мерганнинг ҳикояларидан ҳадиксирашмади. Қолаверса, Ўта мерган бирор сабаб билан бир муддат тўхтаса, давомини эшитиш иштиёқида бетоқатланиб қолишарди.

– Шундай қилиб Темур бобо Оврўпани ўзига бўйсундирибди! – дея ҳикоясида давом этди у. – Давлатлар Соҳибқирон ҳазинасига бож-хирож тўлаб туришаркан. Бир сафар ўлпончилар қип-қизил мотам ичида қолган бир шаҳарга дуч келишибди. Бу ҳақда жаҳонгирга хабар қилишибди.

– Биз бу шаҳарни токи мотам бошидан кўтарилмагунча солиқдан озод этурмиз! – деб амр қилибди ҳукмдор.

Лекин шаҳарнинг пешволари ўта закий чиқиб қолишибди. Энди, ҳар йили ўлпончилар келадиган маҳал, баланд минора тепасида кўнгироқ чалинар, одамлар дарҳол тўпланиб мотам маросими уюштирар экан. Шу зайл шаҳар муттасил етти йил ўлпон тўламабди. Бу ҳақда Соҳибқиронга арз қилинибди. Ҳукмдор ўша шаҳар аҳолисининг бирдамлигига қойил қолиб, мийиғида қулиб шундай дебдилар:

– Майли, тилимиз билан қилган хатони маҳоратимиз билан тўғрилаймиз!

Кейин биззи бобокалонимизни ҳузурларига чақиртириб бир топшириқ берибдилар. Кейинги сафар бобомиз ҳам ўлпончилар сафида ўша шаҳарга қараб йўлга чиқибдилар. Минора жуда баланд жойда жойлашган бўлиб, теварак-атроф узоқ-узоқ жойларгача кафтдек кўриниб тураркан. Минора тепасида пойлоқчилар доимий қоровуллик қилишар, ўлпончилар миттигина нуқта тарзида кўзга ташланиши билан бонг чалишаркан. Бобом ҳали кўз илгамас узоқликдан ўқ отиб, улкан кўнгироқнинг ипларини шарт-шарт узган эканлар. Қоровуллар одамларни огоҳлантиришга улгура олмай қолибдилар. Ҳамма мерган бобомнинг маҳоратига қойил қолган ўшанда!*

* Бу ривоят билан боғлиқ жой Польшанинг Краков шаҳри бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда ҳам краковликлар ана шу воқеани эслашади. Шаҳарнинг ўзига хос, кўнгироқ устига суворий ҳайкали тасвирланган рамзи бор. Бу ўша мерган суворий маҳоратига халқнинг улкан эътирофи.

– Мистика! Ишониш қийин!

Вилоят ҳокимияти бўлими бошлиғи Қўчқорбоев бош чайқаб қўйди. Ўта мерган аччиқланди:

– Ҳа, албатта, Темур миллионта одамнинг калласини кесган, дейишса – ишонасиз, аммо бу гапга ишонмайсиз...

– Ҳей, қўйсанглари-чи, шу сиёсатни! – шаҳрисабзлик амалдор, уларни орача қилди. – Ундан кўра ҳикоянинг давомини эшитайлик – жуда қизиқ экан!

Вилоят идеология бўлими бошлиғи Ўта мерган каби одамларни тирноғича ҳам кўрмасди. Лекин ҳозир у билан ади-бади айтишиб турмади. Чунки Ўта мерган шу тўпорилиги, шу чўрткесарлиги, мерганлик маҳорати туфайли илгари марказкўмнинг биринчи котиби билан ҳам бир даврада ўтирган одам эканини биларди. Шундан аламини ичига ютди. Фақат қайтишда ҳамроҳларига қарата: «Авваллари овга този итлар олиб чиқиларди, энди бир кўппакни судраб юриш расм бўлибди», деб киноя қилди.

Ўта мерган мафкура котибининг семизликдан киртайиб қолган кўзлари, томоғининг остида халта бўлиб осилган бағбағасига жирканиб бир қараб қўйди-да, кейин ҳикоясида давом этди:

– Хуллас, ўша мерган бобомиз, қариб-қартайиб туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келади. Кўзи ожизланиб, охир-оқибат ҳеч нимани кўрмай қолади. Лекин ов ҳавасидан воз кеча олмайди. Энди товушга қараб шарпани илғаш ва мўлжални аниқ олиш ҳадисини ўрганадилар. Бир гал ўғилларидан бири билан овга чиқадилар.

Ўта мерган ҳар гал ҳикоянинг шу нуқтасига келганида маъюсланиб қоларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кўзлари ёшланиб, томоғига бир нима тикилди. Эҳтимол шундай кезлари ўзининг кексалик чоғини кўз олдида келтириб юраги ҳаприқиб кетса керак.

– Хуллас, дарага тошдан-тошга сакраб, йўноқлаб юрган сайғоқларни ов қилишга боришибди. Мерган бобом фарзандига бир тошнинг устида қимирламай тур, деб тайинлабдилар. Ўзлари теварак-атрофни кулоқ билан кузата бошлабдилар. Шу пайт ўғил нимагадир мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушмаслик учун овоз чиқармайдиган қилиб, иккинчи тошга сакраб ўтибди. Шу пайт «виз» этиб ўқ учибди. Оғир яраланиб, жон таслим қилаётган фарзандининг «отажон» деган чинқирғи тоғ бағрида анча пайтгача акс-садо бериб турибди.

Мерган бобом ўқ-ёйини тошга уриб синдирибди, ёқасини чок қилиб йиғлабди. Кейин телбанамо бир аҳволда «болам-ов, болам» деб даранинг ичига кириб кетганича, қайтиб чиқмаган экан...

Ўта мерган мана шундай хотиралар таъсириданми ёки қушуйку пинақданми, хира торган кўзларини юмиб, ҳовлисининг кунгай томонида эски пахса деворга суянганча қимир этмай ётарди. Қадам товушларини эшитиб, бошини кўтарди:

– Ким бу?

– Мен, Шосалимман, мерган оға!

– Ҳа, сенмисан? Кел, болам! – Ўта мерган, бир оз ўнгланиб, меҳмонга қўл чўзди. – Кўпдан бери кўринмайсан? Ташвишинг кўпми?

– Иш кўпайиб кетди, ота. Ўзингиз дурустмисиз? Ҳовлида ҳеч ким йўқ, болалар қайда?..

– Бариси далада.

– Ота, милтиғингизни сўраб келгандим. Шаҳардан нозикроқ меҳмонлар келишмоқчи эди. Бир ов қилиб яйрасак, дегандик.

Ўта мерганга жон киргандек бўлди. Ишқибоз одамлар кизик-да! Бичилган қул хўжасининг тўшақдаги ишқий саргузаштларидан завқлангани каби дармонсизланиб қолган мерган ўзгаларнинг овидан баҳра оларди. Милтиғини беради. Ўзи отишга ярамаганидан кейин, бошқалар отсин-да!

– Одамга тўғирлама! – одатдагидек тайинлади мерган милтиқни Шосалимга тутқазса туриб. – Овнинг учдан бир улушини менга олиб келишни унутма, хўпми!

37

Шосалим ўша куни овда узоқ қолиб кетди. Хотини Салима юрак ҳовучлаб эрини кутиб ухлай олмади. Тун ярмидан оққанда аллақандай ғўнғир-ғўнғир товушлар қулоғига чалиниб, ташқарига чиқди. Ҳовлисининг этагидаги эски хўжранинг чироғи ёниқ. Эри эшик олдида папирос тутатиб турар, ичкаридагилар нима иш биландир мшғул эди.

“Ўлжа каттароқ бўлганга ўхшайди, – ўзича ўйлади Салима, – гўшт тақсимлашяпти”. Эркакларнинг ишига аралашгиси келмади. Қайтиб уйга кириб кетди...

Салима Шосалимларнинг хонадонига келин бўлиб тушган дамларини ўйлаб бир оз ётди. Ҳадемай эри ўртоқларини кузатиб уйга кирди. Уни кутиб тургани маъқул. Лекин Шосалимдан ҳадеганда дарак бўлавермагач туриб ташқарига мўралади. Хўжранинг чироғи ўчганди. Ҳамма ёқ жим-жит. Ҳайрон бўлди. Кейин ичкари хонанинг эшигини очиб болаларини кўздан кечирди. Кичиги жуда бесаранжом ётади. Вақти-вақти билан устини ёпиб қўймаса, кўрпасини тепиб ташлайверади. Мижози иссиқ. Жаҳли тез – отасига ўхшайди.

Салима яна ўша воқеани эслади. Янги келин бўлиб тушган даврлари эди. Шосалим далада ишларди: тонг саҳарлаб отаси деразалари остига келиб, унинг номини айтиб чақирар, ўғлини уйғотиб ишга жўнатарди. Салима аввалига ўзини мажбур қилиб, эри билан баб-баробар туриб юрди. Аммо куни бўйи уйқусираб, ҳорғин алфозда юришга узоқчидамади. Бир куни уйғонишга уйғонди-ю, аммо ўрнидан турмади. Қизик, Шосалим бунга оддий қаради. Ҳатто, уни безовта қилмаслик учун кўрпадан оҳиста сирғалиб чиқди. Салима келинларнинг тонг саҳарлаб уйғониши катталар чиқарган бир қоида – келинларни қийнаш учун қайноналар томонидан ўйлаб топилган бир баҳона экан, деб ўйлади. Биз ахир эрларимизга бўйсунамиз-ку?! Эрим гапирмадими – демак, саҳармардон туришим шарт эмас! “Сали, сенга ҳавасим келаяпти, – деганди дугоналаридан бири. – Ўзинг хон, ўзинг султон келин бўласан. Қайнананг йўқ – хоҳлаганингни қиласан”. Йўқ, адашган экансан, дугонажон. Бу чол иккита қайнонанинг ўрнини босади.

Салима шундай ўйлар ичида яна ухлаб қолибди, кимдир деразани тақиллатгандек бўлди: «Қизим, туринг, вақт алламаҳал бўлди», қайнотасининг товуши эшитилди ташқаридан.

«Ҳа, овозинг ўчсин!» – Салима хоҳлаб-хоҳламай ўрнидан турди. Уйқусираганча бир муддат ўтирди. Кейин ташқарига чиқди. Қайнотасига совуққина қилиб салом берди-да, супурги ва челаки олиб кўчага йўналди.

Бу қийноқларга қандай барҳам берсам экан – хаёли шу ўй билан банд эди унинг. Одам боласининг табиати кизик, баъзан иродасизлиги туфайли бир парча нон, бир лаҳзаллик хузур-ҳаловат учун нималардан кечвормайди, дейсиз. Салима ҳам тонгнинг ширин уйқуси деб ҳаётидаги энг катта хатога йўл қўйди.

Кечқурун, овқатдан сўнг учовлари қўлбола сўрида телевизор кўриб ўтиришганида Салима дастурхон-

ни йиғиштириб олди-да, уйга кириб кетганича қайтиб чиқмади. Шосалим Ҳайрон: ахир ҳозир кизик бир фильм бўлади. Салима кўрмоқчи эди-ку? Тинчликмикин? Шосалим шу ҳақида отасидан сўрамоқчи бўлди-ю, лекин бир нималарни ўйлаб фикрдан қайтди. Наридан-бери кино кўрган бўлди-да, отаси билан хайрлашиб уйга кирди.

– Сизга бир нима бўлдими? – тескари ўгирилиб ётиб олган хотинига тегажўқлик қилди у. – Ёки ари чақдими?

– Эй-й-й, қўйинг! – У белидан эрининг қўлини олиб ташлади. Хотинининг бу хатти-ҳаракатидан Шосалимнинг иззат-нафсига заҳм етди.

– Менга қаранг, нима бўлганини айтинг ёки йиғиштиринг бу томошани! Агар росмона жиркансангиз... – Унинг овози кескин, ҳукми қатъий эди. – Бундан кейин, ҳеч қачон мени худди жиркангандек силтаб ташламанг – уқдингизми?..

Шосалимнинг қони қайнаган, оғир-оғир нафас оларди. Салима, бир оз ошириб юборганини сезди. Ўрнидан туриб эрининг елкасига осилди:

– Мен сиздан жирканар эканманми? Ахир, бутун қишлоқ қизлари менга ҳавас қилишади-ку!

Шосалимнинг бирдан кўпчиб кетган қони тезгина совиди.

– Нима бўлганини айтарсиз энди?

Салиманинг суқут сақлаб туришидан унинг кўксига яна шубҳа-ю гумонлар ғимирлай бошлади. Шосалим қишлоқнинг олд йигитларидан бири эканини яхши биларди. Кучли, хушсурат йигит эди, биргина камчилиги қашшоқ яшашарди. Ана шу томондан ожиз эканини англади.

Ёшлигида бу нарса уни ҳеч қачон ташвишлтирмаганди. Ота-онаси камсуқумгина инсонлар – уларни шу ҳолича севар, ардоқларди. Шу пайтгача уларнинг камбағаллигини ҳеч ким унинг юзига солмаганди, ҳали устидан кулмаганди. Бу 10-синфда ўқиб юрган кезлари содир бўлди.

«Очиқ дарс»да ким бўлсам экан деган мавзуда суҳбат қуришганди. Ҳар ким ўзи танлаган касби ҳақида гапирди. Навбат Шосалимга келганида, синфдаги олифта Толиб гап қистирди.

– Шосалим, сен айтмасанг ҳам биламиз – қурувчи бўласан! – Синфхонанинг ҳар жой-ҳар жойидан «пиқ-пиқ» кулги эштилди.

– Нега энди қурувчи, мен заводда ишлайман!

– Нима, отангнинг касбини қилмоқчи эмасмисан? Отанг ахир қурувчи-ку!

Болалар яна кулишди. Шосалим эса на Толибнинг илмоқли гапларини, на болаларнинг кулгуларини тушунмай боши қотганди. Агар шу пайт танаффусга кўнғироқ чалинмаганда, баҳс нима билан тугашини ҳеч ким билмасди.

– Толиб! – сабри чидамади Шосалимнинг. – Отангнинг нима иш қилишини мен биламанми, сен? Бояги киноларингга балки изоҳ берарсан – кулиш бўлса бирга кулишайлик!

Толиб айни шундай вазиятни кутганди. Ҳамманинг нигоҳи ҳозир уларда. Синфнинг энг олди қизи Салимани ўзига оғдириб олган Шосалимни руҳан синдириш учун бундан қулайроқ вақт бўлмаса керак.

– Кулишайлик, дейсанми? – заҳарханда қилди Толиб. – Бизга қўшилишиб кулиша олармикансан? Отангни қурувчи, деганим... Отанг кечки пайтлари одамларнинг уйида ҳожатхона қазиб юришидан хабаринг бўлмаса керак!

– Ёлғон! Ёлғон айтаяпсан, – Толибнинг ёқасидан маҳкам чангаллаб силкилади у. Болалар дарҳол уларни ажратиб қўйишди.

– Ёлгон гапириб менга зарил кептими? Кеча отанг бизга чиройли бир ҳожатхона қуриб бердилар. Текинга эмас албатта.

Шосалим ортиқ бир сўз демади. Йиғламсираганча отилиб синфхонадан чиқиб кетди.

Кечки овқат маҳали ота тунд қиёфада ўтарган ўғлининг кўнглини кўтармоқчи бўлдим, энасига қараб: «Насиб этса, яқин кунларда ўғлингга битта велосапед оббераман», – деди. У ўғлининг шодлиқдан ирғишлаб кетишини кутганди. Бундай бўлмади. Аксинча, Шосалимнинг боши янаям қуйи эгилди:

– Керак эмас, – деди у эшитилар-эштилма.

– Нима? Керак эмас? – ҳайрон бўлди энаси. – Ахир шу матоҳни деб ҳоли-жонимга қўймайсан-ку, болам!

– Керак эмас, дедимми – менга ҳеч нарса керак эмас. Велосапед ҳам, кийим-бош ҳам – ҳеч нарса керак эмас!

Ота-она Шосалимнинг дабдурустдан бунчалик тутақиб кетишидан ҳангу манг бўлиб қолишди.

– Мен сизлардан ҳеч нарса сўрамайман. Менга ҳеч нарса керак эмас. Фақат дадам энди ҳеч кимниқига бориб, ҳожатхона қурмасалар бўлгани!

Шосалим шарт ўрнидан турди-да, йиғлаганча уйга кириб кетди. Шу-шу унинг юрагида колхоз буғолтирининг ўғли Толиб туфайли туғилган нафрат ўсиб-улғайиб, ўзига тўқ кишиларга нисбатан қаҳр-ғазаб, ҳасад туйғуларига айланди. Энди ҳар бир пулдор одам унинг кўзига Толиб қиёфасида намоён бўлар, Шосалим жон-жон деб бу қиёфани моматалоқ қилишга тайёр эди.

Ҳозир у шуларни ўйлади. Салима айни шу тобда, рўзғордаги етишмовчиликлардан нолийдигандек, дасти қисқалигидан зорланадигандек туюлди.

– Эрталаб дилим хуфтон бўлди, – ийманибгина сўз бошлади Салима, – отангиз мени уйғотмоқчи бўлиб уйга кирибдилар. Ич кийимда ётгандим, устим очиқ қолган экан. Бирам уялиб кетдим, отам бўлса тикили-и-и-иб турибдилар...

Шосалимнинг юраги санчгандек бўлди. Ҳозирок бориб, отаси билан орани очиқ қилишга тайёр турарди, аммо... «Наҳотки, отам ўз келинига ҳирс билан боққан бўлса? Ахир бу шармандалик-ку! Одам ҳам шунчалик паст кетиши мумкинми? Балки, Салимага шундай туюлгандир!» – Шосалимнинг кўзига уйқу келмади. Тонггача ана шундай изтироблар ичида тўлғониб чиқди. Эрталаб турдиб ташқорига чиқди. Отаси одатича ҳассасини тўқиллатиб шу томонга келмоқда экан.

– Шосалим, турдингми, болам?!

– Ҳа, хўрозга ўхшаб ликонгламасангиз ҳам бўларди.

Кутилмаган бу гапдан ота тош қотди:

– Бу нима деганинг, ўғлим?

– Хўроз, мен қичқирмасам тонг отмайди деб ўйларкан! Сиз ҳам энди бизни таъқиб қилишни бас қилсангиз бўларди. Сизсиз ҳам уйғона оламиз! – зарда қилди Шосалим

Отанинг кўнгли ранжиди. Аммо нима ҳам қила оларди. Ҳозир оиланинг боқувчиси у. Унга бўйсунуш лозим. “Балки, унга ҳалиям ёш боладек муносабат қилаётганим эриш туюлаётгандир?” – ўйлади ота. Кейин, аста бурилиб кетаркан: «Тўғри айтасан, ўғлим, энди аралашмаганим бўлсин!» деди.

– Келинингизни ҳам тинч қўйинг! – отасининг ортидан бақирди Шосалим.

Ўша куни отаси хужрасидан чиқмади. Салиманинг ҳатто тушлик олиб киришга ҳам юзи чидамади. Кечқурун эри келгач эса, уни отасидан хабар олишга ундади. Шосалим хужрадан ўқдек учиб чиқди:

– Сали! – бутун вужуди қалтирарди унинг. – Отам ўлиб қолибдилар-ку!..

Ҳақиқатдан ҳам ота ўз тўшагида бир бандча пулни маҳкам сиққанча жон таслим қилганди. Пулни болаларига бермоқчи бўлган ҳойнаҳой. Салима қилиб қўйган ишидан кейинчалик, кўп бор афсусланди, аммо энди таассуф чекмоқдан не фойда?! Отадан қолган пулларни эса олишди. Отани шу пуллар ҳисобидан кўмишди. Шу пуллар ҳисобидан шаҳарга кўчиб кетишди. Ушалмаган армонлари ушалди. Бу пуллар отанинг узоқ йиллар ҳожатхона қазिश эвазига йиққан бисоти экани Шосалимнинг хаёлига ҳам келмади.

38

Сакина эшикни очиб остонада нотаниш бир йигитни кўриб, аввалига мижозларданмикан, деб ўйлади. Чақирилмаган меҳмоннинг милициядан эканини билгач, ранги оқариб кетди. Лаблари пирпираб: «Меңда нима ишингиз бор – қонунга хилоф бир иш қилганим йўқ» деди елкалари титраб.

– Қўрқманг, қўрқманг! – тинчлантирди уни Акмал. – Мен бор-йўғи бир масалада сиз билан суҳбатлашмоқчи эдим. Уч-тўрт саволим бор, холос. Агар рухсат этсангиз...

Сакина шу пайт эс-хушини йиғиб олди. Эшик олдида гаплашиш ўзи учун ҳам фойдали эмаслигини фаҳмлади: қўшнилар ўтиб-қайтиб туришибди, ҳар нечук...

– Кириңг! – Сакина ўзини четга олиб, йўл бўшатди.

– Сиз мана бу кишини танийсизми? – Акмал унга Жобирбекнинг сувратини кўрсатди

– Йўқ!

– А, Жобирбек исмли кишини-чи?

– Танийман у лўттибозни! – Сакина юзини буриштирди.

– Мана бу мактубни сиз ёзгансиз – дасхатингизни танияпсизми?

– Ҳа. Ўша лўттибознинг бошлаб бир таъзирини бериш учун қилганман бу ишни.

– Турган гапки, сизни бу ишга кимдир ундаган. Ўша кишилар кимлар эди – танитайсизми мабодо?

– Йўқ. Кўрсам танийман. Улар икки киши эди. Ҳалол бир одамнинг вакиллари бўлиб келишган экан. – Сакина шу сўзларни айтиб, бирдан тутақа бошлади. – Шу ишнинг охири вой эканини ўша пайтдаёқ кўнглим сезганди-я. Нафсим қурсин! Қуриб кетсин ўша лўттивоз ҳам... Бир бошимга шунча ғавго керакмиди? – Сакина изтироб ичида, қалтирай бошлаган қўллари билан Акмалнинг билагидан тутди: – Ўртоқ терговчи, мени қийнаманг. Ҳамма саволларингизга жавоб бераман. Фақат, тушунтириб беринг – нима гап? Нима воқеалар содир бўлаяпти ўзи?

Акмал бир зум жим қолди. Нималарнидир мулоҳаза қилиб кўрди. Кейин қатъий бир қарорга келиб сўз бошлади:

– Майли, сизга айтсам бўлади. Сиз Жобирбек сифатида таниган одам аслида у эмас. Жобирбек мана бу одам! – Акмал бояги сувратни кўрсатди ҳайратдан оғзи очилиб қолган Сакинага. – Мана шу одам бундан тўрт ойча бурун, изсиз йўқолган. Бу жиноятга сиз билган Жобирбекнинг алоқаси бор, деган фараз бор.

Сакина бегуноҳ бир одамни шунча сўқиб, қарғаб юргани учун ўзини-ўзи айблай бошлаганди. Акмал унга юзланди:

– Энди менга анави сирли шахс билан боғлиқ барча тафсилотларингизни сўзлаб берсангиз. Кейин мен сизга ҳикоянинг давомини айтаман. Ўшанда қанчалар гўл бўлганингизни, неча бор чув тушганингизни билиб оласиз.

Сакина бўлиб ўтган воқеаларни сўзлар экан, Акмал тафсилотларнинг айрим жойларини дафтарчасига ёзиб борди. Сакина сўзини тугатгач Акмал мийиғида кулимсираб кўйди:

– Қойил! Нақ тартанак уяси. Чигал, аммо моҳирона тўқилган режа.

Шундан сўнг ҳеч нимага тушуна олмай, гарангсиб турган Сакинага бир ҳақиқатни англашиб кўйди. Шунинг ўзи унга бора ҳақиқатни англаши учун кифоя эди. Ҳақиқатдан ҳам Сакина Фарангис ва Наргизнинг опа-сингил экани-ю, Жобирбек ниқоби остида яширинган шахс Наргизнинг жазмани бўлганини билиб, эсидан оғиб қолишига оз қолди. Акмал Сакинанинг хушини йиғиб олишини кутиб турди. Кейин унга қараб кулиб кўйди.

– Телефонингиздан фойдалансам бўладими?

– Бемалол, бемалол! Сакина уни телефон турган бурчакка бошлаб борди. Йўл-йўлакай эса, “вой аблаҳ-эй, вой лўттибозлар-эй. Роса боплашибди-ку, а мени!” деб мингирлади у.

Акмал майор Нурхўжаевга телефон қилди. Иш битганини, бугуноқ учиб боришини маълум қилиб, гўшакни жойига қўйди. Кейин Сакинага юзланиб: «Кийининг, мен билан кетасиз», деди кутилмаганда. Сакина бу таклифдан довдираб қолди:

– Мен? Нега?

– Хавфсизлигингиз учун.

Иккита номаълум шахс Сакинанинг эшигини тақиллата бошлаган чоғ улар ўтирган самолёт осмонга кўтарилиб бўлганди...

39

Шосалимининг ёшлигидан юрагида чандиқ бўлиб қолган бир дарди бор эди. Ногаҳон ана шу ярага тегиб кетсанг бас, у оғриқнинг зўридан анчагача ўзига кела олмай юрарди. Унинг энг ожиз жойи, оғриқ нуқтаси ҳам шу эди. Инсон боласида азал-азалдан бир-биридан устун бўлишга, ё зўри, ё зари билан бир-бирини камситишга мойиллик қусури мавжуд. Икки курашчи қанот ёзиб майдонга тушса, турган гапки, иккаласи ҳам ўлиб-тирилиб ғолиблик учун олишади. Иккиси ҳам рақибимнинг курагини ерга боссам, дейди. Ҳатто рақибни даст кўтариб, боши узра юксалтирган полвоннинг пировард мақсади уни чирпирак қилиб ерга улоқтиришдан иборат бўлади. Атрофда қий-чув кўтариб турган оломонни айтмайсизми. Давранинг икки томонида ҳам кураш қизийди: туйғулар жанги, эҳтирослар кураши! Ҳар икки гуруҳ ўз полвонининг қўли баланд келишини истайди. Шавқу завқ борасида рақиблардан устун бўлгиси келади. Хулласки, қайси томонга қараманг, ана шу манзаранинг гувоҳи бўласиз: пули кўп, бисоти мўл одамнинг аукционда ошиғи олчи, билими зўр, идроки беназир олимнинг фанда омади чоғиб бораверади.

Шосалим ўзидан тўқроқ, ўзидан устунроқ кишиларнинг ҳаммасидан ҳам ҳамиси нафратланавермасди. Токи унинг «таги паст»лигини юзига солишмаса, ўша оғриқ нуқтасига тегишмаса – бировга зарари тегмасди ҳисоб. Кези келганда ташаббусини, бирда кучи, бирда билимини ишга солиб, шунинг эвазига оладиган насибаси билан кифояланиб юраверарди. Жобирбек билан муносабатлари ҳам ана шу асосга қурилганди. У Жобирбек танг аҳволда қолганида ёрдамини аямади, Жобирбек ўз навбатида уни яхшигина сийлади, ўзига яқин олди, у муносиб тиргак бўлишга тиришди, садоқат билан хизмат қилди.

Дўстидек азиз, укасидек яқин бўлиб қолган Шосалимининг хизматларини бирда кифтига қоқиб, бирда бошини

силаб, яна бирда қўлини сиқиб келаётган Жобирбек, бир гал билиб-билмай унинг оғриқ нуқтасига тегиб кетди.

Ўшанда Жобирбек хонасида иккита нотаниш, аммо кўринишидан бадавлат, басавлат нусха билан нима ҳақдадир қизишиб, бахслашиб турарди. Мавзу жиддий, ҳар икки томон бир тўхтамага кела олмагани асабларнинг таранг тортилганию юзларининг бўғриқиб кетганлигидан кўриниб турарди.

– Жобирбек, ҳалиям кеч эмас – шартимизга кўнинг, – узун бўйли, кампирдаҳан меҳмон, ҳамсуҳбатини сўнгги бор кўндиришга ҳаракат қилди. У гарчи оҳиста сўзласада, гапларида таҳдид оҳанги сезилиб турарди. – Ихтироингизни ўзимизда қўллаб нима топасиз? Шон-шуҳратми? Молу давлатми? Иккиси ҳам сиз учун сароб бўлиб чиқади – мени айтди дерсиз. Қолаверса, шуҳратни шундоқ қўлингизга тутқазиб қўядиган валломат йўқ бизнинг жамиятда. Ёки Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сига ўхшаб бир ҳовуч сариқ чақага баҳоланади ишларингиз...

– Шунинг учун Рафиқ акамнинг айтганларига кўнинг, – насиҳатга тушди ҳўкиздеқ бақувват, сочини тап-тақир қилиб қирдирган Шотир исмли шериги. – Ихтироингизни хорижга сотсак, – у нотўғри гапирмадимми, дегандай Фақирбекка кўз қирини ташлади, хўжайиннинг юзида бирон-бир ўзгариш аломати сезилмагач, гапида давом этди, – биласизми, хорижликлар бу ихтиро учун қанча тўлашади? Давлатдан оладиганингиздан минг маротаба кўп ҳақ оласиз.

Жобирбек пулни муқаддас билувчи, Худоси ҳам, каъбаси ҳам пул бўлган бу кишиларга оддий бир ҳақиқатни – Ватан, эл-юрт олдидаги бурч каби тушунчаларни англа-та олмаслигига кўзи етганди. Шундан суҳбатга батамом нуқта кўйишга қарор қилди.

– Жаноблар, узр! Бу давлат идораси. Бунда қонун-қоида, бўйсунуш лозим бўлган интизом мавжуд. Мавзуга бошқа қайтмаганимиз маъқул. Чунки менинг бу борадаги қарорим қатъий. Уни ҳеч ким ва ҳеч нима ўзгартира олмайди...

Шу пайт эшик зарб билан очилиб Шосалим отилиб кирди. Унинг бемаврид ташрифи, устига-устак директорнинг кабинетига ётоқхонасига киргандек эшикни тақиллатмай, рухсат сўрамай кириши Жобирбекка сал оғир ботди. Мана бу одамларнинг олдида изза бўлгандек сезди ўзини: «Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор», дилдан ўй кечди унинг. “Тавба! Одам боласи нега бунақа экан-а? Бир оз пули кўпайиб ёки обрўйи ошса – ҳар қандай чегарани босиб ўтиш мукин, деб ўйлайди”.

– Жобирбек, сизда ишим бор!.. Кечиктириб бўлмайдиган иш... – Унинг қизарган-бўзарган афти-ангори, гарчи масала жиддий эканидан дарак берса ҳам, Жобирбек Шосалимининг шошалоқлигидан росмана ранжиди. Меҳмонлари туришга тараддудланиб қолишганди, Жобирбек, ҳозир деди-да, Шосалимга юзланди:

– Дунёда битмайдиган иш йўқ. Фақат, ҳамма ишнинг ўз мавриди бор. Наполеон бир найнов генералига, сиз мендан баланд эмассиз, узунсиз холос, дегани каби, келинг, ҳар бир нарсани мавридида қилайлик. Мен ҳозир меҳмонларни кузатиб олай. Сиз билан кейин гаплашамиз, майлими?

Бу Шосалимга очикдан-очик, чиқиб туринг, дегани эди. Боя тақсимот бўлими бошлигидан енгилгина зарба еб бир оз гандираклаб қолган Шосалим, ҳозирги зарбадан батамом ўзини йўқотиб қўйди...

Меҳмонлар Жобирбекнинг ташқаригача кузатиб чиқишига унашмади. “Бир ҳисобдан шуниси ҳам маъқулдир”, ўйлади Жобирбек. Ортиқча тақаллуфга арзиғулик муносабат йўқ эди ўртада. Шунинг учун қабулхонадаёқ хайр-хўшлашди. Кейин котибасидан сўради:

– Шосалим нега қизишиб юрибди? Нима масалада келган экан – билмадингизми?

Котиба ҳар икки саволга ҳам елка қисиб «билмадим» деган маънода жавоб қилгач, Жобирбек :

– Топинг, ҳузуримга кирсин! – деди-да, хонасига кириб кетди.

Агар шу фурсатда Шосалим топила қолганида эди, Жобирбек вазиятдан келиб чиқиб оғирроқ гапириб юборгани учун ундан узр сўраган бўларди эҳтимол. Аммо излаганлар уни топа омадилар.

Шосалим нима қилишини билмай машинасининг ёнида тош қотиб турарди. Хаёлларга шу қадар ғарқ бўлгандики, бояги меҳмонлар унга яқин келганлирини ҳам сезмай қолди.

– Ҳа, иним?

Шосалим чўчиб улар томонга ўгирилди. Шу дамда ҳеч кимни кўришга тоқати йўқ эди. Кўзи қонга тўлиб бу вазиятдан чиқишнинг йўлини изларди.

– Авзоингиз чатоқ-ку! – Рафиқбек уни яна гапга солмоқчи бўлди. Кейин шотирга қараб, маъноли қилиб кўз қисиб кўйди: – Дўстингдан топ, деганлари шу бўлади!

Шосалим ноилоҳ қолганди. Тўлиб кетган юрагини ёришдан бошқа чораси йўқлигини пайқади: «Ҳарҳолда, бегона кишига ўхшамайди, акс ҳолда Жобирбек билан дўстлигини қайдан билади?» – ўйлади Шосалим.

– Қишлоқдан келишган экан. Икки кундан бери навбат кутиб туришибди. Мендан илтимос кундишувди. Шу заводда ишласаму, директорнинг энг яқин дўсти бўлиб, бир машинани навбатсиз ўтказиб юбора олмасам – алам қиларкан одамга!

– Шуми муаммо? – Рафиқбек Шотирга «бор бажар» деган маънода ишора қилди..

– Машинанинг номери қанақа? – Сўради Шотир. Шосалим муаммосини бу йўл билан ечишни истамасада, бошқа иложи йўқлигидан истар-истамай вазиятга бўйсунди.

– 19–65 КФА...

Шотир катта дарвоза томонга кетгач, Рафиқбек Шосалимни йўл бўйидаги қуюқ дарахтлар билан қопланган боғнинг ичкари томонига етаклади. Атрофдаги ғала-ғовур, машиналарнинг шовқин-сурони бемалол гаплашишга ҳалақит берарди.

– Камина бир нарсага сираям тушуна олмай тааж-жубдаман, – узоқдан гап бошлади Рафиқбек. – Сиз салкам директор даражасидаги одамсиз. Бинобарин заводда ўз таъсирингиз бўлиши керак. Нега энди оддийгина бир тақсимот бўлимининг бошлиғи оддийгина бир илтимосингизни бажармайди? Сизни тан олмаслик директорни тан олмаслик билан тенг-ку! Шундай эмасми?

Рафиқбекнинг мулоҳазалари ўринли эди. Шосалим унинг фикр юритишига мафтун бўлиб қолганди. Рафиқбек туфайли ўзи ҳеч қачон ўйламаган бир ҳақиқатни англагандек бўлди.

– Кўзингизни каттароқ очиб, ҳушёр бўлмасангиз мана шундай итнинг орқа оёғи бўлиб қолаверасиз. Агар қўпол ўхшатиш қилган бўлсам, узр!

– Ҳечқиси йўқ. Сиз айна ҳақиқатни сўзлаяпсиз! – Сухбатдошининг узрини қабул қилди Шосалим. – Демак,

менга ортиқча ҳуқуқ бермаслик ташаббуси Жобирбекдан чиққан. Шунинг учун ҳам менга ҳамма унинг дўсти деб эмас, оддий бир шўпири деб муомала қилар экан- да! Кетаман, мана машинаси ҳам бошидан қолсин!

– Қизишманг, иним! – тинчлантирди уни Рафиқбек. – Боя Наполеоннинг воқеасини ҳам бежиз мисол қилмади бу, мен сени ўзимга яқин олганим билан, сен мендан пастан – ҳаддингни бил, дегани эди. Шуни фаҳмладингизми?

Шосалим бунга эътибор қилмаганди. Ўша ранжа, ўзини тингламагани, эшиқдан қувиб солгани учун тинчлангани. Энди ўйлаб қараса дўст дегани роса ҳақорат ҳам қилган экан-ку! Хафачилиги икки ҳисса ошди унинг. Икки ўртада дўстлик ришталари узилгани аниқ эди. Шосалим бундан буён нима қилишини, қандай йўл тутишни билмасди. Шундан, жон куйдириб, унинг ташвишини қилаётган Рафиқбекдан нажот истади.

– Энди нима қилсам?.. Нима маслаҳат берасиз?

– Аввал менинг бир саволимга жавоб беринг, – деди Рафиқбек унинг саволини ҳозирча жавобсиз қолдириб. – Айтинг-чи, Жобирбекнинг сизни ўзига яқин олиши нимадан – қариндошингизми у?

– Йўқ!

Шосалим бундан бир неча йил муқаддам, цехда ёнғин содир бўлганидаги воқеани сўзлаб берди.

– Ана кўрдингизми? Монстрни ахир ўзингиз – мана шу қўлларингиз билан яратиб қўйган экансиз-ку! У бўлса сизнинг дастингизни қисқа қилиб қўйибди. – Рафиқбек унинг аҳволига ачингандай бўлиб, бош чайқади-да: – Роса гўл экансиз, биродар, – деди, – ахир у сиз каби ташаббускор одамни, қайсики шу ташаббускорлиги орқасидан амал пиллапояларидан юксалиши мумкин бўлган одамни ўз йўлидан олиб ташлабди. Устомонлигини кўринг – ўзига шўпир қилиб жиловда сақлаб юрибди. Қойил, сиз ташлаган пойдевор устига ўзига мустаҳкам кўрғон қуриб олибди, валломат!

Шосалимнинг кўзи мошдек очилди. Аммо энди кеч. Энди бундан буён нима қилишини – қандай йўл тутиши лоимлигини ўйлаши керак.

– Энди аввал қандай муносабатда бўлсангиз – ўшандай давом этираверасиз алоқаларни. Аммо каллани ишлатсангиз, ўз ҳақингизни ажратиб олмасиз. Дўстингиз сиздан қандай фойдаланган бўлса, сиз ҳам шундай йўл тутинг. Бу «ўз қалпоғини ўзига кийдириш, ўз қўли билан ўзини бўғиш», дейилади.

Шу пайт дарахтлар орасидан Шотирнинг қораси кўринди. Ёнида қишлоқдошлари ҳам келишмоқда эди. Рафиқбек қишлоқинамо бу одамлар Шосалимга келатганини билиб чеккалади. Улар билан саломлашишни ҳам ўзига эп кўрмади. Бу ҳам бир ҳисобдан яхши бўлди: «кўриб қўйишсин, Шосалим қандай одамлар билан ҳамсуҳбат эканини!». Ёшлиқдаги синфдоши ва рақиби, ҳозирда тумандаги қурилиш ташкилотида таъминотчи бўлиб ишлаётган Толиб кела солиб, унинг қўлини маҳкам сиқди:

– Раҳмат, жўра. Мушкуллимизни осон қилдинг. Борганинда кир, қуюқ зиёфат биздан. Сен билан фахрланамиз...

Боядан бери дили хуфтон бўлиб турган Шосалимнинг чеҳраси бир оз ёришди. Бу Толибнинг устидан қозонган ғалабаси эди. Ана шу ғалаба учун у Рафиқбекка қўллуқ қилишга-да тайёр эди шу дамда. Шундай бўлди ҳам: у Рафиқбек ғояларининг қулига айланди.

Салима эрталаб эрини ишга жўнатиб, рўзғор юмушларига шўнғиб кетди. Аввал шаҳарда яшаган кезлари, ўзини жуда носоғлом сезарди. Чордеворнинг ичида роса сиқиларди. Қишлоқ – қишлоқ-да барибир. Рўзғор – ғор. Иш дегани бошидан ошиб ётибди. Аммо чарчашга қўл тегмайдди. Ҳаммасини ўзи бажариши керак. Эри кўчадан ортмайди. Энди заводга директор бўлганидан бери-ку, рўзғордаги эркакбоп ишлар ҳам унинг зиммасида. Салима ҳовли бурчагидаги хувиллаб қолган катак олдида бир пас тўхтади: “Шу катакни кенгайтириб беринг, деб бир ҳафтадан бери жаврайман – фойдаси йўқ, ўзим энг шимармасам бўлмайди”.

Салима шуларни ўйлаб турганди, дарвоза олдида машина келиб тўхтади: «Волга». «Эримнинг бундай эртачи қайтадиган одатлари йўқ эди-ку?» Салима бир оз безовталаниб дарвозага томон юра бошланганди, у ёқдан иккита нотаниш йигит остона ҳатлаб ичкарига киришди.

– Ассалом алайкум, янга! Мен Илҳомжон – Шосалим аканинг шофёриман. Мана мардикор ёллаб келдим, уйда озгина юмуш бор дегандилар.

– Ҳа, келинлар, келинлар. Ҳозир чой дамлайман!

– Ташвиш қилманг, янга. Мен боришим керак. Сиз мана бу кишига ишни кўрсатсангиз бас...

– Исмингиз нима ука?

– Шокир! – Илҳомжонни жўнатиб ичкарига кирган Салима мардикор йигитни катак томон бошларкан, уни гапга тутди. – Акангиз, ҳе йўқ, бе йўқ қуёнларимни Ўта мерганга обориб берибдилар. Тавба, нега деб сўрасам гапирмайдилар. Ўта мерганни танийсизми?

– Йўқ. Мен бу ерлик эмасман.

– Ҳа, бир чол-да! Ёшлигида мерган ўтган. Овчи. Ҳозир қариб-қартайиб қолган. Милтиғини ижарага бериб туради. Акангиз яхши ов қиладилар. Ўша куни нима жин урди-ю, эрталабгача ҳеч нима овлай олмабдилар шекилли, қуёнларимизни милтиқ эвазига бериб юборибдилар. Қуёнлар болаларнинг эрмаги эди. Қуён обберасиз, деб бошимни қотиришяпти. Мана шу катакни кенгайтириб, қуён боқишга мослаб берсангиз.

Салиманинг табиатидаги қусурлардан бири – бировга бир нима демоқчи бўлса гапни бир қир наридан айлантариб келарди. Мана ҳозир ҳам бир оғиз топшириққа шунча изоҳ. «Қуёнхона қуриб беринг», деса бўлади-ку оддийгина қилиб, мардикорга тафсилотларнинг нима қизиғи бор?

– Майли. Сиз ишингизни қилаверинг, янга! – Шокир энг шимариб ишга киришди.

– Нима керак бўлса мана бу жойдан олаверасиз, – Салима омборхонага ишора қилди. – Тахта дейсизми, мих, цемент – ҳаммаси бор.

Шокир ишга тушаркан, вақт топиб Ўта мерганни кига ўтиб келишни дилига тугиб қўйди...

Шосалим эрталабга мажлис чақириб қўйганди. Цехларнинг бошлиқлари, лаборатория, автобаза ва бошқа тизим раҳбарлари унинг кабинетига тўпланишган, аммо белгиланган муддатдан ярим соат ўтса ҳамки, ундан дарак йўқ эди. Одамлар бетоқат бўла бошладилар. Ҳамманинг иши бор ахир. Фавқулодда иши чиқиб қолган бўлса, қўнғироқ қилиб айтиб қўймайдими? Ёки тоби қочиб қолдимикан? У ҳолда ҳам огоҳлантириши лозим...

Директорнинг кечикишига бошқа сабаб бор эди. У туни бўйи мижжа қоқмай тўлғониб чиққанидан, тонга яқин ухлаб қолганди. Уйқудан бир оз тиниқиб турди. Турди-ю, эрталаб мажлис чақириб қўйгани ёдига тушди.

Апил-тапил кийиб кўчага отилди. Машнаси ҳадеганда ўт олмай, бир оз хуноб бўлди.

– Ҳа, палакат! – Рулни асабий силтади у. – Омадсизлик бир келса, қўшалок бўлиб келавераркан! Шошилганда «лаббай» топилмайди, деб шуни айтадилар. – Кейин, машинасини қулфлаб катта йўлга чиқди – такси ушлаб, заводга ҳайдашни буюрди.

Йўлда кечаги дахшатли воқеа яна хотирасида жонлана бошлади. Ўша бир жуфт қонталаш кўзлар уни тушида ҳам, ҳушида ҳам таъқиб этишдан тўхтамасди. Кеча ҳам шу ҳол юз берди...

Шосалим режа бўйича Қилич билан Шунқорни Тошкентга жўнатди. Уларнинг вазифаси Сакинани кўздан йўқотиш эди.

– Пулни аяманглар: Москвагами, Грознийгами кетсин, ғойиб бўлса бас, – таъкидлади Шосалим шотирларига

– Унамаса-чи?

– Унамаса? – Шосалим Шунқорга қаттиқ тикилди. Бу нигоҳда «Ўзинг билмайсанми?» деган писанда бор эди.

Қилич босс нима демоқчи эканини фаҳмлаб:

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, хўжайин! – деди бир оз ялтоқланиб. – Фақат пичоқни тозалаш учун «қоғоз»ни мўлроқ берсангиз бўлгани.

– Бу ёғидан хотирингиз жам бўлсин! Анави жувон гапга кирмаса, унга аталган пуллар ҳам ўзингизга қолади.

– У энди ҳеч қачон гапга кирмайди! – иршайди Шунқор.

Бир йўла ҳам элчи, ҳам қотил сифатида танланган бу икки шахс эрталабки рейс билан Тошкентга қараб учди. Кечга бориб Шосалим режанинг иккинчи қисмини бажаришга киришди. Отанинг чоғроқчина ҳовлисини кириш унча қийин кечмади. Э-ҳе, неча йиллик умри ана шу ҳовли билан боғлиқ-ку! Ҳовли бурчагидаги ҳужрадеккина хона ҳам унга таниш. Фақат голланд печнинг сирини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан.

Шосалим эҳтиёткорлик юзасидан хона эшигини юқорига кўтариб очди. Шундай қилса, ғийқилламайди. Кейин, ўзини ичкарига олди-да, эшикни яна ўша йўл билан ёпди. Қўл фонарини ёқиб печни обдон пайпаслаб чиқди. Эгилиб ўтхонасига мўралади. Шунда тилсимга ечим топганини фаҳмлади:

– Пишиқлигини қара! Буни ҳеч ким сейф деб ўйламайди, – хаёлидан ўтказди у. – Мен ҳам шунга ўхшаган... йўқ, йўқ, – фикридан қайтди у, – умуман ўхшаши йўқ бир сейф ясаттиришим керак.

Шосалим ўтхонадан калитнинг тешигини бармоқлари билан пайпаслаб топди-да, унга калитни ўрнатди. Ўннга икки марта бураганди, печнинг ўрта қисмидан «тирс» этган товуш эшитилди. «Бўлди! Ҳаммаси тугади. Жобирбек салтанати қулади!». Шосалим бундан бир йилча муқаддам бошлаган азоб билан кечган курашга бугун сўнгги нуқта қўйиши лозим. Ҳозир мана сейфни очадиди-да, керакли ҳужжатларни қўлга киритади. Уни буюритмачиларга топшира, шотирлари Сакинани гумдон қилса – ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолади. Шундан кейин унинг мушугини «пишт» дейдиган одам бўлмайди бу дунёда...

Шосалим печкада пайдо бўлган тирқишга бармоғини тиқиб, ўзига қараб тортганди сейфнинг эшиги очилди. Музлатгичга ўхшатиб ясалган экан: эшик очилиши билан ичкарида «чирт» этиб чироқ ёнди. Шосалим чўчиб тушди. У сейф тўридаги кўзгуда ўзининг аксини кўрганди. Кейин апил-тапил сейфдаги барча қоғозларни, папкаларни ўзи билан олиб келган сумкага жойлади-да, сейфни қулфлаб, ташқарига йўналди.

Ҳаммаси силлиқ кетаётганди. Ойнавандли айвон ёнидан ўтаётиб, беихтиёр деразага қаради. Ойнадан ўзи томон тикилган бир жуфт кўзни кўрди. Даҳшатдан бақриб юборишига оз қолди. Шундан сўнг ховлидан қандай чиққанини ҳам, микрорайондаги уйга қай тахлит етиб келганини ҳам эслай олмади. Тонгача яна тунги лампанинг хира ёғдусида, деворда катта кўланка ясаб, кетма-кет сигарета тутатиб чиқди. Унга алам қиладигани, тирик одамки бор, йўлига ғов бўлса бартараф этишга қодир эди. Аммо арвоҳнинг бир жуфт қонталаш кўзлари таъқибидан қочишга жой топа олмай қийналарди. Илло, бу қийноқлар дўзах азоби билан тенг эди.

43

Шокир тушгача қуёнхона учун жой тайёрлади. Аввалги катакни бузиб, темирини-темирга, чўпини-чўпга ажратди. Кейин қуёнхонанинг остки тупроқ ишлари билан машғул бўлди. Белигача чуқурликда ҳовузга ўхшатиб ўра қазиди. Ости ва ён атрофларини яхшилаб мустаҳкам қилмаса – қуёнлар ёмон, илма-тешик қилиб юборади азаматлар. Иш билан бўлиб, кун тепасига келиб қолганини ҳам сезмай қопти. Тепадан шивалаб тупроқ тўкилгандек бўлди. бошини кўтарганди, қазиб чиқарилган тупроқ уюми устида бири етти, бири тўққиз ёшлар атрофидаги икки болакайни кўрди.

– Салом, азаматлар, ёрдамга келдингларми?

– Йў-ўқ! Биз ёрдамга келмадик, – болаларнинг каттароғи Шокирнинг саволини жиддий қабул қилган шекилли, ташрифи ҳақида батафсил маълумот беришга киришди: – Аям айтдила, овқат тайёр бўпти... Тушлик қилиб оларкансиз.

Бола шу гапни айтиб кетишга чоғланди: “Юр, Асқар!”. Укасининг эса кетгиси йўқ эди. Каттаси укасини қўярдикўймай кетишга ундади. Ахийри, кўндира олмагач, юзига бир тарсаки туширди. Асқар қўлидаги бир парча нонни ерга отиб юборди-да, ўтириб олиб чинқириб йиғлашга тушди. Ховли томондан Салиманинг овози эштилди:

– Баҳодир, ҳой яшшамагур! Яна укангни чирқиратяпсанми?

Шокир хандақдан чиқиб, кичкина Асқарни овутишга тушди. Агар йиғламаса қизиқ-қизиқ ҳикоялар, эртақлар айтиб беришга ваъда берди. Асқар йиғидан тўхтади.

– Қачон айтиб беаясиз? – сўради у. – Аай айдасангиз яна йиғайман!

Шокир унинг болаларча содда сўзларидан кулди.

– Мана ҳозир айтиб бераман. Ҳобил билан Қобил қиссаси: қадим-қадимда ер юзида биттагина одам бўлган экан. Бутун ер юзида биргина хотини билан яшар экан...

– Хотини одаммасканми? – уларга яқин келиб эртакка қулоқ тутиб турган Баҳодир луқма ташлади. Шокир боланинг дабдуруст берган саволидан доводи раб қолди. Кейин, бошидаги хатосини тузатишга ҳаракат қилди:

– Ўша танҳо одам хотин олибди ва ер юзида одам сони иккита бўлибди. Кетма-кет иккита ўғил туғилибди.

– Одам сони тўртта бўлибди, – яна гап қистирди Баҳодир.

– Баракалла, – Шокир Баҳодирнинг математик қобилиятини алқаб қўйди. Кейин ҳикоясида давом этди: – Болаларининг бирига Ҳобил деб, иккинчисига Қобил деб исм қўйибдилар. Улар улғайиб вояга етибдилар. Ҳобил ақлли, меҳнаткаш экан-у, Қобил танбал, ишқўс бўлиб улғайибди. Бутун борлиқ, дарахтлар, гуллар, қушлар, осмон, юлдузлар – бари-бари Ҳобилни мақтаб, унга тасаннолар айтишаркан. Қобилни эса тилга ҳам олишмас

экан: чунки у гулларни пайхон қилиб, дарахтларни синдириб, қушларга тош отиб юраркан-да!

Баҳодир бўйнига тақиб олган «рогатка»сига бир қараб олди-да, кейин кўринмасин учун айлантриб ортига ўтқазиб қўйди.

– Қобил ҳаммаша Ҳобилнинг шуҳратига ҳасад қиларкан. Бир кун у Ҳобилни жарга итариб юборибди. Энди Ҳобил йўқ, ҳамма мени мақтайди, деб ўйлабди у. Аксинча бўлибди. Қаерга бормасин ҳамма ундан жирканар, қотил деб маломат тошини отаркан. Қобил қилган ишидан пушаймон бўлибди. Афсус-надомат чекибди, аммо кеч бўлган экан.

Мана, сизлар ҳам ака-ука, иноқ бўлингизлар!

Шокир Асқар улоқтирган нонни ердан олиб, пуфлаб тупроққа беланган жойларини тозалади. Кейин Асқарни кўтариб олди:

– Қани кетдик, азаматлар, энди биргаликда тушлик қиламиз...

44

Шосалим «тунги ов»дан қайтгач анчайин ҳаяжонини боса олмади. Аъзои бадани қалтирарди. Унинг ана шу дир-дир титраётган танаси бугун ҳавас қилса арзуғулик ҳаётга эришган: қўлини қайга узатса етарди. Пойқадамга барча эшиклар очиқ, қомати энг қимматбаҳо либослар билан безалган, юмшоққия кети фақат юмшоқ жойларни тусаб қолганди. Сиртдан қараганда – бир танга зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё эди. Фақат юраги безовта – ҳаловат йўқ эди дилида.

Шосалимнинг ўша қотиллик юз берган тундан бери уйқуси беҳузур. Овқатнинг таъмини йўқотганди. Юсак мартаба, жарақ-жарақ пул, обру-этибор илинжида Жобирбекка зимдан чоҳ қазиб юрган чоғлари ҳозиргидан кўра бахтиёрроқ эди. Ундан ҳам аввалроқ дўстига беғараз хизмат қилиб юрган кезлари турмуши аъло эди. Аввалига, «ҳамма ишлар битиб, қарзлар узилгач – юрак ором топади», деб ўзини алдаб юрди. Мана бугун ана шу қийноқларга батамом нуқта қўяман, деб ўйлаганди. Аммо Жобирбекнинг беозор кўзлари уни таъқиб этишдан тўхтайдиган эмас. У юксалдим деб роса тубанлашганини – сирли бир ўпқонга кулаб бораётганини фаҳмлай бошлаганди. У воқелиқдан кўз юмиб, тақдирига қасдма-қасд бардош билан яшашга қанчалар чиранмасин, кун сайин кучи тугаб, куввати сўниб бораётганини ҳис қилмоқда эди.

Қизиқ! Ёвуз ният билан гугурт чақсанг бас, уни алангалатмоқ учун ўтинчилар кўпайишиб қоларкан. «Кўр кўрни қоронғуда топади», деганлари шумикин?! Шу боисдан ҳам ёмонлик кетидан ёмонлик туғилиб келавераркан-да! Ахир... Эҳтимол, Жобирбекка нисбатан кўнглимда ғараз ғимирлаган ўша дамларда Рафиқбек учраб қолмаганида воқеалар бу тарзда ривожланмаган бўлармиди?... Мана бу гўрсўхталар-чи? Қаёқдан ҳам топила қолди? Шосалим Қилич билан Шунқорни эслади. Пул деганда ҳар қандай қабилқидан қайтмайдиган нусхалар. Бириси ана шу иллоти учун милициядан қувилган, бириси биб-бинойи дўхтирлик касбини қилмай, ялоқўрлик йўлини тутганди. Уларни ёвузлик бирлаштирди. Мўмай даромад топиш йўлидаги мақсад уюштирди. Айниқса, Қилич бу йўлда ҳеч нимадан тап тортмасди.

Шосалим Қилич билан танишган илк кезларини хотирлади. Нимадир юмуш билан Тошкентга учганди ўшанда. Аэропортдан такси кира қилди. Таксичи йигит анчайин одамохун чиқиб қолди. Қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлади.

То юмушларини битиргунча, бирга юриши мумкинлигини айтиб, ана унақа «халис» хизматларни ҳам таклиф этди.

Кечгача бирга бўлишди. Ишлар тугагач Қилич Шосалимни уйига бошлаб борди. Кўпқаватли уйда тураркан. Хотини Фарангис кўхликкина жувон экан. Очиқ юз билан қаршилади меҳмонни. Янги, оҳори тўкилмаган сочиқ тутди. Кейин бир пасда дастурхон тузади. Шосалим қуруқ бўлмасин деб йўл-йўлакай бозорга тушиб чиққанди. Фарангис ана шу маҳсулотлардан шунақанги таомлар тайёрладики, мазаси Шосалимнинг оғзида қолди.

Қилич барваста, полвонкелбат йигит эди. Милиция формасида тушган расмларида шунақанги салобатли кўринардик, мана бу ширикайф бўлиб алжираб қолган кишига ўхшамасди сира.

– Милициядан нега кетдингиз? Одамлар бу соҳага ишга ўта олмай хуноб бўлиб юришади-ку! – Шосалим овқат чайнаб туриб Қилични гапга тутди.

У саволга тўғридан-тўғри жавоб бермади. Қўлидаги қадахни бўшатди-да, ароқнинг аччиқлигиданми ёки саволнинг тахирлигидан – юзи буришиб кетди.

– Во, орқам, деган экан бир киши. – Қилич, газакка қўл узатаркан, ҳам ароқнинг аччиғини, ҳам саволнинг тахирини бир йўла босишга тутинди. – Орқамиз бўлганида, ока, ҳозир ишлаб юрган бўлардик. Бирор-бир район милиясининг началниги бўлган бўлардим эҳтимол...

Агар Қиличнинг милициядан кетиши ҳақиқатдан ҳам шу важдан бўлса, саволга қониқарли жавоб бўлди. Аммо у асл сабабини яширди. Қинғирлиги туфайли мундирдан мосуво бўлганини сўзламади. У сайлгоҳларда, сўлим масканларда севишган йигит-қизларни уят ишлар устида қўлга тушириб, «бизнес» қилганини айтмади. Жамоат тартибини бузганликда айбланган йигит-қизлар бургутнинг чангалига тушган мусичадеккина бўлиб қолишар, кейин қўрқув ва саросима ичра бундай шармандали вазиятлардан чиқиш чорасини ахтаришарди. Эҳ-ҳе, бир кунда неча бир шунақа жуфтлик унинг тўрига илинмасди...

Фарангис қўлида бўш тарелка билан кириб келди-да, эрининг олдида тўпланиб қолган пўчоқларни тозаллади. Кейин Шосалим томонга ўтди. Эгилиб, пўчоқларни оларкан, яна бўлиқ кўкракларини худди атайин қилгандек унинг елкаларига суйкади. Тасодифга ўхшамасди бу. Чунки бирмас, икки-уч марта такрорланди бу ҳол. Шосалимнинг суяклари юмшаб кетди. Эри кўрмаяптимикин, деган ўй билан Қиличга кўз қирини ташлади. Унинг парвойи палак эди.

– Фарангис, кел, сен ҳам ўтир, – деди Қилич, хотинининг мавжудлигини худди энди пайқаб қолгандек.

Фарангис эрини юқориқоқ чиқарди-да, ўзи Шосалимнинг рўпарасига ўтирди. Кейин меҳмонга мулозамат юзасиданми унга чиройли бир табассум ҳада этди.

– Олиб туринг! – қип-қизил қилиб қовурилган товукни унга томон сурди Фарангис.

Шосалим гўштни олишга олди-ю, уни оғзига сола олмади. Қўли ҳавода муаллақ қолди. Эти ширин жунжикди. Кейин яна аста Қилич томонга кўз ташлади: «Пайқаб қолса-я!» Фарангис эса даврада эри ўтирганини хаёлига ҳам келтирмасди. Стол остидан чиройли, бежирим оёқларини узатиб, меҳмоннинг тиззасини, кейин чотларни орасини сийпалади. Шосалимнинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Юраги нотекис ура бошлади. Нафаси тикилди. Эркаклиги жунбушга кела бошлаган эди ҳамки, жувон оёқларини йиғиштириб олди.

– Қандай, маза қилдингизми?

Шосалим нима дейишини билмай дудуқланиб қолди.

– Ман мазза қилдим локин! – ўзини стул суйанчигига ташлаб кекириб қўйди Қилич. – Товукнинг оёғини бошлабсан!

– Сизга-чи? Сизга ҳам оёқ ёқдимми?

– Қайси оёқ?..

Фарангис «қўлингиздаги» дегандек имо қилди-да, кейин муғомбирона кулиб қўйди. Шосалим Фарангиснинг ўйноқи кўзларига дош бера олмай, нигоҳини олиб қочди. Аммо муғомбирона саволига ҳам жавоб бериши қийин кечди. Шундан билинар, билинмас қилиб:

– Оёққа... Оёғингизга гап йўқ! – деди оҳистагина.

45

Шунқорнинг бу жиноий тўдага қўшилиб қолиши ҳам тасодифий эмасди. Табиатидаги танбаллик унга фақатгина мана шундай гуруҳларда бўлишини тақозо этарди. У жарроҳ эди. Аммо билими, тажрибасини бемор манфаатига ишлатмай қўйганига анча бўлган. У ўзининг таъбири билан айтганда, ўта камёб операцияларда иштирок этар, бу операциялар баъзан йиллар давом этиб, ўлим билан тугарди. Фарқи шунда эдики, унинг тигига рўбарў қилинган «беморлар» учун буюртмачилар каттагина пул тўлашарди.

Шунқорнинг дарагини Шосалимга кейинчалик Фарангис берганди. У синглиси Наргизнинг маълум вақт жазмани бўлган экан. Иккисининг чекида ёлғиз иккисигина биладиган бир сир – мудҳиш бир жиноят бор эдиким, бунга Фарангис билмасди..

Сотимбой қадим-қадимдан дўқондорлик қилиб келган оила фарзанди эди. Танतिकроқ улғайганди. Уйдагиларга айтганини қилдирадиган хилидан. Шунинг учун ҳам онаси уни уйлаш тараддудига тушиб қолган пайт, «ўламан саттор, олсам шу қизни оламан», деб туриб олди.

Ота-она қизнинг маҳалласидан суриштиришди. Ўртамиёна бир оиладан экан. Катта қизларини бир милиционерга узатишган экан узоқ йили. Ҳозир тинч, яхши яшаётганмиш.

– Начора, – деди ўшанда Сотимбойнинг отаси, – ўғлингни ёшлиқдан кўнглига қараб келдик, бу ёғига ҳам айтганини қиласан энди! Бир кун келиб афсусланади-ку, лекин жойига тушмайди.

Она ҳам тақдирга тан берди:

– Майли, омон бўлса, қўша қариса бўлгани.

Ноилжликдан ўғилларининг хоҳиш-иродасига бўйсунган ота-онанинги кўксига ўзларининг орзу-ҳаваслари армон бўлиб қолди. Улар эски танишлари – универмаг хўжайини Қулаҳмадбекнинг қизини кўз остиларига олиб қўйишганди. Агар икки хонадон ўртасидаги муносабатлар қариндошлик ришталари билан боғланганида эди, эҳ-ҳе, шаҳарда улардан ўтадиган одам бўлмасди. Энг ёмони Сотимбойнинг уйдагилари «тўйдан олдин роса ноғора қоқишган» – давра қолмай ниятларни дастурхон қилиб ёйишганди.

Қулаҳмадбек шунча гап сўздан кейин Сотимбойни ўз қизи қолиб бошқа қизга уйлаништиришганидан ранжиди. Муносабатларига совуқчилик тушди, борди-келди барҳам топди. Сотимбойнинг отаси билан Қулаҳмадбек давра ва йиғинларда учрашиб қолгудек бўлсалар мободо, узоқдан бош ирғаб саломлашган бўлишарди-ю, аввалги илиқликдан асар ҳам қолмаганди. Бир гал мана шундай гап-гаштакларнинг бирида ёнма-ён ўтириб қолишди.

Болалиқдан бир майизни бўлишиб еб келган икки дўст учун орадаги танаффус жудаям оғир кечмоқда эди. Орадан анча йиллар кечди, қанча сувлар оқиб ўтди. Фар-

зандлар билан боғлиқ воқеалар салкам унутилди. Аммо ҳар иккиси биринчи бўлиб сўз очишга ор қилиб, яна қанча вақт шу алфозда юришди. Фарзандлар мавзуси уларни яна бирлаштирди.

– Дўстим, – дея гап бошлади Сотимбойнинг отаси, Қулаҳмадбекнинг ҳам гаплашишга мойиллиги борлигини сезиб, – эски гиналарни унутиш вақти келмадимикин?

– У сиз учун эски гина бўлиши мумкин, – бир оз хафагезак қиёфада ҳамсухбатига ўғирилди Қулаҳмадбек, – аммо менинг ярам янгиланди.

– Нечук?

– Қизимизнинг турмуши бўлмади. Куёвдан ёлчи-мадик. Ҳозир ёшгина қизчаси билан уйда ўтирибди! – Қулаҳмадбек дардини ёриб бир оз енгиллашди чоғи, тунд чехраси ёришди.

– Менинг бундан хабарим йўқ эди!

Росмана таассуф билдирди Сотимбойнинг отаси. Кейин чуқур «ух» тортди-да, у ҳам бир оз ёзғирди:

– Ҳа, Сотимбойни эркалатиб ўстирдик. Юзимизга оёқ кўйди. На ўзи бахтли бўлди, на ўзгани бахтли қилди.

Бу иккала оила борди-келдини йиғиштирганидан бери бир-бирининг дарду ташвишларидан беҳабар эди. Ҳошимбойнинг оғир «ух» тортишларию кейинги гаплари Қулаҳмадбекни хушёр торттирди.

– Нега ундай дейсиз, Ҳошимбой? Сотимбойнинг ишлари яхши, турмуши тинч бўлса ёки бирон муаммо борми?

– Бор-да, – зорланди Ҳошимбой. Кейин бир пас жим қолди. Сўнг кўнглида чўкиб ётган дарду аламларини тўкиб солди: – Элдан ош еганмиз. Яхши-ёмон кунларига аралашиб юрибмиз, Худога шукур! Ҳозир биров тўйга айтиб эшикдан келадиган бўлса, юрагим зирқирайдиган бўлган. Келинимиз бепушт чиқиб қолди чамамда. Сотимбойни фарзанддан қисган!..

Қулаҳмадбек Ҳошимбойнинг елкасига қўлини қўйди.

– Хафа бўлманг, дўстим. Бермаган бўлса энди берар. Жа-а, бўлмаса Сотимбой ҳали ёш, навқирон! Яна бир уйланар...

Ҳошимбой «ялт» этиб дўстига қаради. Қулаҳмадбек унинг кўнглидан кечган фикрларни ўқигандек бўлиб туюлди унга. Боягина унинг хаёлидан Сотимбойни бепушт хотиндан ажратиб, Қулаҳмадбекнинг тул қизига қовуштириш фикри «лип» этиб ўтганди.

Шу суҳбат баҳона Ҳошимбой уйга келиб хотинини ҳузурига чақирди. Келинлари Наргиз эшитмайдиган қилиб, эшикни маҳкам беркитиб узоқ шивирлашишди. Фикри хотинига маъқул келди: «Фақат, – деди у бир оз иккиланиб, – Қулаҳмадбек бунга кўнармикин?».

– Очик гапирмади-ю, лекин ўзи шунга ишора қилгандай бўлди, – деди Ҳошимбой, дўсти билан бўлган суҳбатни яна бир қарра ёдга оларкан. Сўнг хотинига яқинроқ сурилди: – Бу масалада бошқа бир муаммо бор – ўғлинг!

– Агар Сотимбой ҳали ҳам шу хотиннинг этагини тутса, эси йўқ экан унинг, ахир бир неча бор айтдим, қўй шу хотинни, деб. Опаси ҳам, узоқ йиллар фарзанд кўрмай-кўрмай, кейин кетма-кет иккита ногирон болани туққан экан. Зотида бор экан-да! – Она «бетини тескари қилсин» деган маънода ёқасига «туп-туп»лади. Кейин отасига масалани кескин қилиб қўйди: – Шу бугуноқ, ўша галварс билан узил-кесил гаплашинг!..

Сотимбой отасининг сўзларини жим ўтириб эшитди. Эътироз билдирмади. Нима ҳам десин ахир, Наргиздан кўнгли совуганига анча вақт бўлган бўлса. Отасига бир

нима дейиши лозим эди. Ҳозир ота-она муштоқ бўлиб унинг жавобини кутишарди. Шунинг учун, ўртада чўккан сукут узоқ давом этмади.

– Мен розиман, – деди у.

Ота-она қулоқларига ишонмай беҳад қувониб кетишди.

– Фақат бир оз вақт керак. Келинингиз бундай шарт-шароит, молу давлатни осонликча ташлаб чиқмаса керак!

– Майли, бу томонидан ташвиш чекма! – таскин берди унга она. – Олганини олиб, органини ортмоқлаб кета қолсин, садқаи сар – жавобини берсанг бас!

Сотимбой дилидагини тилига чиқармади. Унинг Наргизга ҳеч нима бергиси йўқ эди. Чунки кейинги пайтларда хотинининг оёқ олиши унда шубҳа туғдирган, ким биландир дон олиб юришини биларди. Ўша одам билан бир неча бор учрашди ҳам. Бу ҳақда бир марта сўраганди, Наргиз: «Бирга ишлаймиз, касалхона иши билан шаҳарга чиққандик», деб сувдан қуруқ чиқиб кетди. Сотимбой ҳам ишонган бўлиб, сирни дўмбира қилмади. Аммо Наргизни хиёнат устида қўлга тушириш режасини дилига тугиб қўйди. Шунинг учун у отасининг сўзларига жавобан: «Майли, лекин барибир озгина вақт керак» деди. Кейин уларнинг даврасини тарк этди.

46

Наргиз бой-бадавлат хонадонга келин бўлиб тушди. Дугоналари унга ҳавас билан қарашарди. У чимилдиққа кирган куни бу хонадонга муносиб келин бўлишга, айниқса ота-онасининг раъйига қарши бориб, ўз танлаганига уйланган мард йигит Сотимбойга вафоли ёр бўлишга онт ичди.

Қайнона аввалига келинига унчалик рўйхушлик билдирмади. Кейинроқ Наргизнинг хусни жамолини кўриб, муносабати илиқлаша бошлади: «Ҳай, жувонмарг Сотимбойни телба бўлганича бор экан», деганди уни эркалаб. Кейин, «Илоё кўз тегмасин!», деб бошидан исириқ тутатиб айлантирганди.

Наргиз ҳақиқатдан ҳам гўзал бир маҳлиқо эди. Юзлари силлиқ ёноқларидаги табиий қизғиш ранг хуснига янада хусн бахш этиб турар, қалин лаблари олуча каби, доимо худди бўялгандек қип-қизил. Юқори лабининг усти майингина тук билан қопланганди.

Сорадан етти йил ўтди. Яхши-ёмон сўзлар, қувонч ва ташвишли кунлар ортда қолди. Ўртада фарзанднинг йўқлиги оиланинг ягона кемтиги эди. Худди ана шу нарса қайнонанинг қалбида кўпдан унутилган дарду аламларини кўзгаб турарди. Авваллари келинининг бўйида бўлмаётганидан роса хуноби ошган бўлса, энди унинг ҳомиладор бўлишидан чўчирди. Тақдири опасининг қисматиға ўхшаб кетаётганидан дилгир эди у. Шундан келин билан қайнона ўртасидан яна қорамушук ўтадиган бўлиб қолди.

Наргиз ишхонада бир оз таскин топарди. Шундан бир оз овунарди. Иш билан бўлиб турмуш ташвишларидан чалғир, хаёлини қуртдек кемираётган кечинмалардан бир муддат халос бўларди.

Нима қилсин бечора? Эри тунов куни яна хафагезак алфозда келди: «Дўстларимнинг олдида бош кўтара олмай қолдим», дейди. Унга осонми? Ўзи тенги, ўзидан ҳам ёш жувонлар мурғаккина гўдақларини бағрига босиб, уларни эркалаб турганларини кўрганда юраги ҳаммиша зил кетади. Қаратмаган жойлари қолмади. Фарзанд бўлмапти – начора!

Наргизни бир зум хаёл элитган экан. Эшиги очик турган хонадан кимдир унга қаттиқ тикилиб тургандек бўлиб туюлди. Қараса, яқинда ишга келган врач йигит еб кўйгудек суқ билан боқиб турибди.

– Нима бало – одам кўрмаганми? – Наргиз шахд билан юзини бурди. Кўзгудаги аксига кўзи тушиб, фикрини ўзгартирди: «Қараса нима кипти? бировни айблаш осон! Қараса қарагудекман-да!».

Бу Наргизнинг ўзини таъқиб этаётган кўзларга илк бор ён бериши бўлди. Кейин янаям яқиндан танишишди. Шунқор эди у. Исми жисмига монанд эканига Шунқорнинг бир хонали квартирасида ишонч хосил қилди. Ўшанда Шунқор ҳийла ишлатганди. Кўчага чиқиб шаҳар телефонидан «03» га ёлгон чақириқ берди. Кейин ўзи бош бўлиб, Наргизни ҳамроҳ қилиб ўша манзилга жўнади. Машина пастда кутиб турди. У эса Наргизни кимсасиз квартирага бошлади. Наргиз ҳам ўзини алданганидан ранжимади. Чунки ўзи ҳам шуни кўпдан хоҳлаб юрганди. Машшоқлар қай чалишдан олдин ознинг симларини тортиб тайёрлагани каби, Шунқор ҳам Наргизни кўпдан ана шу ишга ҳозирлаб келарди. У турли баҳоналар билан бирда билиб, бирда билмай Наргизнинг таранг танасига тегиб қўяр, чирманда оловда тоблангандек, унинг танаси ҳам қизиб – чалишга тайёр бўлиб бормоқда эди. Чирманда тобига келгач эса бир ҳийла билан Шунқор муродини ҳосил қилди...

Наргиз Сотимбойга хиёнат қилишни авваллари хаёлига келтира олмасди. Ҳозир бу ишни амалга ошириб, сира афсусланмади. Ўйламади ҳам. Чунки аҳвол шу зайдла давом этаверса, эрта-индин ҳаёти барбод бўлишини фаҳмлай бошлаганди. Шундоқ ҳам эри билан камданкам қовушишарди. Хазон бўлиб бораётган гул ёшлигига ачиниш кўярди. Айниқса опаси Фарангис билан қилган суҳбатларидан кейин шундай фикр юрита бошлаганди.

– Менга қара, кўзингни оч! – деди Фарангис бир гал синглисининг навбатдаги дийдиёларини тинглаб бўлгач, тоқати тоқ бўлиб. – Қачонгача дўзах азобиди яшайсан?

– Бу нима деганингиз? – кўзларини ката-катта очиб опасига жовдираб тикилди у. – Ажраш демоқчимисиз?

– Йўқ, сингилжоним! У хонадондан кетиб нима наф топасан? Эринг қарамай қўйдими, ну чорт с ним! Сен ҳам биттасини топ!

– Опа!

– Нима, опа?! Ҳозир ўйнаб қолсанг- қолдинг. Эртаиндин, мендан хафа бўлмагин-у, ит ҳам қарамай қўяди!.. Эринг ҳам ж-а-а-а фаришта бўлиб юрмагандир. Тем более, чўнтаги тўла пул бўлса...

Сувсизликдан бир оз сўлий бошлаган гулнинг пойига нам теккач унда жонланиш пайдо бўлганини сезиш қийин бўлмагани каби, Сотимбойга ҳам Наргиздаги ўзгаришни пайқаш қийин кечмади. Авваллари ғамгин, тушкун эди. Қайғули юзлари силқиган, бир оз шалвираб қолганди. Энди эса тамоман бошқа аёлга айланди. Сотимбойга ҳам меҳрибон бўлиб қолди. Қайнонаси билан ҳам айтишмас, аччиқ-тизиқ гапларига унча парво қилмасди. Туриб-туриб куйлаблар қоладими-ей.

Бир куни кечаси эрини маҳкам кучоқлаб, «шунқорим» деди уйқусираб. Сотимбойнинг уйқуси қочиб кетди. Хотинининг бу қадар меҳри тобланиб кетганига ҳайрон бўлди: «Шунқорим!» дедими? Бу бировнинг исми микан ёки эр-калаш маъносидаги сўзми?» – у анча пайтгача ухлай олмади. Тўра деган дўсти айтиб берган бир ҳангома ёдига тушди:

Тўра соддадилроқ бир ошнаси билан баҳслашиб қолибди.

– Агар сен ўлсанг, хотининг менинг номимни айтиб йиғлайди, – деб унинг ғашига тегибди у.

– Нега сенинг номингни айтиб йиғлайди? Оғзинга қараб гапир! Сен ким деб ўйлапсан менинг хотинимни? – аччиқланибди жўраси.

– Ишонмасанг ана, хотинингдан сўра! Аввало билчи, йиғлармикин ўзи? Агар йиғласа, – соддадил жўрасини мазах қилишда давом этибди у, – шартлашаман, менинг номимни айтиб йиғлайди.

Йигит ўчоқ бошида куймаланиб юрган хотинини чақирибди: «Потий! Потий деяпман!».

– Ҳа, нима дейсиз! – жўралар ўтирган чорпоя ёнида пайдо бўлибди хотини.

– Мен ўлсам йиғлайсанми?

Хотини ҳайрон бўлибди. Нима деб жавоб беришини билмаскан. Шундан: «Вой, нега ўласиз? Сиз ўлсангиз мен нима қиламан?» дебди

– Мен ҳам шуни билмоқчиман, мен ўлсам нима қиласан, йиғлайсанми, йўқми – шуни айт?

– Вой, шу ароғам ўлсин, туппа-тузук одамни жинни қилади қўяди...

– Вей, менга қара! Гапни айлантормасдан айт, йиғлайсанми-йўқми? – масалани кескин қилиб қўйибди эри.

– Йиғлайман, албатта йиғлайман, – деб жавоб қилибди хотини, шу гапни айтиб қутиламандеган илинжда.

– Нима деб йиғлайсан? – Хотини бир хаёл жавоб бермай кетиб қолмоқчи ҳам бўлибди-ю, аммо жўраларининг олдиди эрини музтар қилиб қўйишдан чўчибди. Қолаверса, ҳозир ичиб олган – роса жанжал кўтариши мумкин.

– Нима деб йиғлайман? – елкасини қисибди у, – масалан «тўрам» деб йиғлайман...

– Тўрам?

Тутақиб кетибди бояги соддадил йигит, бўшаб қолган ароқ шишасини чангаллаб. Кейин хотинини ҳовли айлан-тириб қувлай кетибди...

Сотимбой шу воқеани эслади-ю, хотинининг қўлини аста олиб пастга қўйди. Кейин ундан нари сурилди. Кейинроқ Наргизнинг ишхонасида Шунқор исми врач борлигини, хотини билан апоқ-чапоқ эканини суриштириб билди. Таниш-билишлари орқали иш излаб юрган тиббиёт ҳамшираларидан бирини топиб, тез ёрдам марказига жойлаштириб қўйди...

Бир оз вақт ўтиб Сотимбойнинг ўзи изсиз йўқолди. Ота-онаси, ёру биродарлари изламаган жойлари қолмади. Ҳеч қаердан дарагини топишмади. На ўлиги маълум эди унинг, на тириги. Наргиз бир муддат эрининг уйида сир бой бермай яшаб юрди. Кейин, бундай юриш унга оғирлик қилди. Барча мол-мулк қайнотасининг номида бўлгани, эрининг ўлими расман тасдиқланмагани учун меросдан мосуво бўлиб, чапак чалиб қолди. Шосалим билан танишгач эса, унинг Тошкентдан сотиб олган янги ҳовлисига кўчиб ўтди...

47

Шосалим ўзининг яширин режаларини амалга оширмоқ учун ана шу гуруҳни ўзига шерикликка танламоқчи бўлди. Ўша – Қилич билан танишиб, унинг уйида меҳмон бўлган куни, мезбоннинг кайфи ошиб, думалаб қолди. Фарангис эрини бир амаллаб ичкари хонага киритиб жойига ётқизиб чиқди. Чиқди-ю, хомуш тортиб қолди. Шосалимнинг рўпарасига ўтирди-да, қўлини иягига тираб, кўзларини бир нуқтага тикканча ўйга толиб қолди.

Кизиқ! Шосалим нима қиларини билмасди, бир нима дейишга сўз топа олмасди. Ҳозир у томоман бошқа нарсани кутганди. Фарангис эрини тинчитиб чиққач, бояги сирли сийпалашлар-у, ширин энтикишлар давом этади деб ўйлаганди. Ўзини шунга ҳозирлаб турганди. Фарангиснинг ўт-оташ бўлиб алангаланаётган тафти ҳалитдан уни қиздира бошлаганди. Аммо воқеалар ривожига тамоман бошқача тус олди. Шосалим кимдир устидан бир челак совуқ сув қуйгандек, жиққа терга ботиб шалаббо бўлганча, совий бошлади: “Бояги шўх, қақилдоқ хотин шуми? Нима жин урди уни? Ёки эри бир нима дедимикан? Шундай бўлса керак: биламан, кўзимни шамғалат қилиб, кўз уруштириб, стол остидан сийпалашиб турганларингни сезиб турибман. Кайфим тарқасин, кейин гаплашамиз, деган чиқар. Обрунинг борида этакни ёпиш керак!”. Шосалим ўйлай-ўйлай шу тўхтама келгач, кетишга тараддудланди. Аслида кетгиси йўқ эди бундан.

– Энди мен бора қолай!

Фарангис «ялт» этиб унга қаради. Кўзларида айёрон табассум пайдо бўлди. Ҳийласи иш берди. Агар, шундай тутмаганида ташаббус ҳам, ҳаракат ҳам ўзидан бўлиб, Шосалимнинг олдида қадри пасаярди. Мана энди ҳаммасини янгидан бошлаш мумкин.

– Кеч бўлди, юрасизми? Қола-қолинг, жой етарли! – истар-истамай мулозамат кўрсатган бўлди Фарангис.

– Борай энди, қолиш ноқулай-да!

– Йигит кетаман деб қўрқитаяпти, – ич-ичидан кулди жувон. Кейин ўйинни шу маромда давом эттирди. – Майли, – ўрнидан туришга чоғланди у, – начора! Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Жа-а-а, кетгингиз келиб турган бўлса – нима ҳам дердим!

Шосалим хотиннинг бўйнига осилиб, “кетманг ака!” – деб зорланишини ич-ичидан истаганди. Бу хаёли хом бўлиб чиқди. Ўзини бир поғона паст олишга мажбур бўлди.

– Менга қолса-ку, ёнингиздан жилгим йўқ... Аммо, сизни ранжитиб қўйишдан қўрқаман!.. Биласизми, сизни кўрдим-у.

Шосалим бошлаган гапини охирига етказа олмади. Уни Фарангис ҳазилга йўйди.

– Ажинани кўргандек бўлдингизми? – қийқириб юборди жувон. Шу асно оёғи Шосалимнинг оёғига тегиб кетди. Бу тасодифмикин?

Йўқ! Бу дадилроқ бўлишим учун ишора, деган маъно ўқди Шосалим жувоннинг оёқ ҳаракатларидан. Кейин аста ўрнидан турди. Столни айланиб ўтиб Фарангиснинг ёнидаги курсига ўтирди. Қалтирай бошлаган кўллари билан унинг чаккасига ёйилган сочларини суриб юзини очди. Фарангис унинг кафтига ёноқларини босди. Бу давом эт дегани эди.

Икки жинснинг бир-бирини яқинроқ билиши учун тонггача тўшақда давом этган курашлар ўртасида кечган қисқа-қисқа танаффуслар етарли бўлди. Шу кеч Шосалим Фарангиснинг ҳозир ишсиз юрганини, иккита ногирон боласи борлигини, милициядан ишдан кетган аламзада эри ижарага қиракашлик қилиб юрганини, турмушлари ҳаминқадар эканини – барча-барчасини билиб олди. Шу кунларда пулга зориқиб қолгани боис болаларини бориб кўра олмаётганини айтиб кўзига ёш олди жувон. Шосалим ўзининг «босс»лик фаолиятини ана шу нуқтадан бошлашга қарор қилди.

– Фарангис, оилангдаги муаммоларни ҳал этиш учун, ҳозир, айна дамда қанча пул керак, деб ўйлайсан? – Шо-

салим изн сўрамай уни сенсирашга ўтганди. Сўраб нима қилади: берадиганини бериб бўлди-ку?

Фарангис ўйланиб қолди. Кейин, нималарнидир чамалаган бўлиб:

– Саксон мингча бўлса... – деди оғзининг таноби қочиб.

– Саксон минг? – Шосалим бошини ёстиқдан кўтариб, жувонга қаради. Фарангис жазманини чўчитмаслик учун, фикрини ўзгартирди: “Олтмишталар ҳам етиб қолар!”.

– Демак, саксон минг сўм! – Шосалим Фарангиснинг устига эгилди, кўзига-кўзини қадади: “Саккиз юз минг сўм хоҳламайсанми?” Фарангис уни тушуна олмай гаранг эди. – Саккиз миллион-чи? Балки 80 миллион ҳам кам-кўстингни битқазिशга етмас?!.

– Эсидан оғиб қолди шекилли! – ўйлади Фарангис.

– Йўқ, менга бундай қарама! Ҳушим жойида! – тинчлантирди уни Шосалим. – Шундай одамлар борки, сен айтаётган саксон минг сўм уларнинг нонуштасига етмайди. Биргина костюм-шимининг ўзи саккиз юз минг туради. Минадиган машиналари саксон миллион...

– Уларга тенглашишга бизга йўл бўлсин? – гап нимада эканини фаҳмлаб, сал ўзига келган жувон, совуққина қилиб шу сўзни айтди.

– Уларга тенглашиб бўлмайди, аксинча улардан тортиб олиш мумкин!

Шосалимнинг ана шу сўнги жумлалари ҳозиргина барпо бўлган жинойи гуруҳнинг икки аъзоси ўртасида тузилган ҳаракат дастурининг бош мақсади этиб белгиланганди.

Шосалим эртаси куни кечга яқин Қаршига учди. Шу оралиқда битқазиси лозим бўлган бир қатор ишларни охирига етказди.

Эрталаб Фарангиснинг қўлига саксон минг сўм тутқазганди, у эрининг ювиниш хонасида эканини ҳам унутиб, Шосалимни маҳкам қучоқлаб ўтлиғ-ўтлиғ ўпичлари билан миннатдорчилик изҳор қилди.

– «Қурувчи» меҳмонхонасига бориб учрашгин, – таъинлади унга Шосалим кетар олдидан. – Айтиб қўяман, ишга олишади

Кун бўйи Қиличнинг машинасида юрди. Кеча ҳўкиздек ичган бўлса ҳам, эрталаб анча тетик эди у. Кечаги кайфнинг таъсирими, кўзларини ости бир оз салқиган, боядан бери негадир бир оз хомуш тортиб қолганди. Сабабини бир оз ўтиб билди. Қиличнинг ўзи ёрилди:

– Пулни Фарангисга бериб чакки қилибсиз!

Шосалим ҳайратдан донг қотди: “Пул ҳақида эрига айтибди-да! Нима деб айтдийкин?” ўйлади у. Кейин истар-истамай, нега, деб савол берди.

– Ҳа, энди аёл-да! Ўйламай ишлатворади! – Қилич светофорнинг қизил чироғи ёнгани боис машинани тўхтатди-да, Шосалимга юзланди: – Дарвоқе, агар бу кечага қолсангиз, битта зўри бор – таништираман. Хотинимнинг синглиси – Наргиз! Наргизмисан – Наргизда ўзиям, Фарангисдан ҳам зўр!

– Қайнисинглингизми?

– Ҳа! Аммо-лекин кетворган нарса!..

Шосалим бу тоифа одамларни биринчи бор кўриши эди. Ўз жуфтани қизганмайдиган, манфаат учун аҳли аёлини бегона эркакнинг қучоғига тикадиган одамлар ҳақида аввал эшитганди. Рост экан. Мана ўша нусха. Кимдир айтганди, чўчка гўштини кўп истеъмол қиладиган одамларда рашк ҳисси ўлиб бораркан. Кеча бу ҳам музлатгичда сақланган чўчка ёғини ароққа газак қилиб роса туширди. Шундан бўлса керак. Менга барибир эмасми, деган хуло-

сага келди у кейин. Шундан энди чўчимай, ҳадиксирамай гапиришга тушди:

– Фарангисдан зўри бўлмаса керак?!

– Бор, бор, ишонаверинг! Наргиз қайинсинглим ундан зўр! – Қилич машинага газ берди. Кейин маъноли жимлмайиб: – Бизда «балдизники бол» деган гап бор, – деди.

Шосалим Наргиз билан танишувни кейинги сафарга қолдирди. Ишлар битгач, Қилич уни аэропортга етказди. Шунда хайрлашишди. Шосалим мана бу хизматингиз учун деб, унинг қўлига икки даста 500 сўмлик тутқазганди, Қилич эсидан оғаёзди. Кейин уни шунақаям кучоқлаб ўпдики, ўнта Фарангис ҳам бунчалик қаттиқ кучоқлай олмаган бўларди.

Орадан ўн кунча ўтиб Шосалим яна Тошкентга келди. Аммо бу галги сафари хуфёна – Жобирбекнинг бундан хабари йўқ эди. Хўжайин хизмат машинасида Навоий–Мискин–Нукус йўналишида қурилган янги темир йўлнинг очилиш маросимида иштирок этиш учун Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Шосалим эса пайтдан фойдаланиб – Тошкентга.

Шосалимнинг Наргиз билан танишуви Келес томондаги мўъжазгина ҳовлида бўлиб ўтди. У бир йўла қўл-оёғи чаққон Шунқор билан ҳам танишди. Танишув шарафига Шосалим бозордан бир кўй харид қилиб тушди. Шунқор енг шимариб унинг терисини шилди. Қилич қўрага олов ёқиш тараддудида, хотинлар ошхонада салат тайёрлаш, дастурхон тузаш билан машғул эдилар. Фақатгина Шосалим дарахтлар соясидаги йиғма курсида ўтирганча, бу жараённи бевосита бошқариб, бевосита кузатиб турарди.

“Ҳали бу бошланиш!” хаёлидан ўтказди у. Ҳали бутун бир шаҳар, қолаверса, бутун бир вилоят оёғим остида ана шу тахлит зир титраб туради! Республикани кейинроқ ўйлаб кўрамиз...

Унга шимининг пойчасида нимадир ғимирлаётгандек бўлиб туюлди – эгилиб пастга қаради. Тирикчилик ғамида пилдираб юрган митти-митти чумолиларга кўзи тушди. Мана бу одамларнинг ҳам сен жониворлардан фарқи йўқ, деб у атрофида пойи-патак бўлиб куймаланаётган шерикларига бир қараб қўйди. Кейин, стол устидаги салатлардан бир бўлак пишлоқ узиб олди-да, чумолиларнинг олдига ташлади. Лукманинг ҳидини сезиб бир нечаси ўзини таомга урди. Митти жонзотлар ўлжанинг устида талашиб кетишди. Ожизлар қуруқ қолиб, пишлоқ парчасини биттаси судраб кетди.

Уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, Шосалим ҳаётий бир ҳақиқатни англади: «Худди шундай бўлади», деди у ўзига ўзи. Бизни манфаат бирлаштирди. Ўлжа эса зўрники бўлади...

Шосалим ўрнидан туриб қўйни нимта-нимта қила бошлаган Шунқорга яқин борди:

– Ҳа, ока! Зерикдингизми? – Шунқор қўйни жуда эпчиллик билан бўлақларга ажратмоқда эди. Шосалим унинг санъатига қойил қолди.

– Офарин, маҳоратингизга қойилман! – ҳайратини яшира олмади у. – Биргина пичоқ билан, чопқи ишлатмай бутун бошли қўйни шунча майда бўлақларга бўлиб ташлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаса керак?!

– Бу-ку, қўй экан, ока! Одамни ҳам ана шундай бўлақларга бўлса бўлади!

Шосалим Шунқорнинг гапидан сесканиб кетди. Аммо сир бой бермади. Гапни бошқа ёққа бурди:

– Қассобмисиз?

– Йўқ, жарроҳман, ока!

«Ҳа, гап бу ёқда экан-да!». – Шосалим Шунқор ўтирган каровотнинг бир чеккасига омонатгина ўтирди. Энди чўчимасдан бояги гапга қайтди:

– Мурдани нимталашга нима ҳожат бор?

– Гумдон қилиш осон кечади. Яна бир гап бор. Унинг қанчалик тўғри эканини билмадим-у, аммо жарроҳлик йўли билан бўлақланган жасадни излаб топиш қийин кечар эмиш.

– Қизиқ факт!

Шунқор уни ҳайратлантира олганидан қувонди. Шу пайт Фарангис қўлида катта товоқ билан уларга яқинлашди.

– Шунқор ака, жигар, ўпка, юрак ва бир оз гўшт берсангиз, қовуриб олардик. Шашлик тайёр бўлгунча гап-газ бўлиб туради.

– Маъқул! – Шунқор Фарангиснинг буюртмасини бажаришга киришаркан, узилиб қолган суҳбатни давом эттирди: – Одамлар ислом дини туфайлигина мурдаларни кўмишни бошлашган. Авваллари, биласизми, нима қилишган? – У саволига жавоб кутмай сўзида давом этди: – Авваллари мурдалар итларга ташланган.

– Йўғ-э! – ишонқирамади Шосалим. – Буниси энди лоф бўлди!

– Бўлиши мумкин, ока, – эшитганимни айтаяпман-да!

– Хўш-хўш, кейин нима қилишган?

– Одамлар итлар ғажиб тозалаган суякларни олиб кетишган. Энг бой-бадавлат одамлар эса мурдани қайнатиб этдан суягини ажратиб олиб кетишган. Шунинг учун уларни «оқсуяк» дейишар экан. Мана ўзимизнинг Соғбон – катта итхона бўлган экан шу жойда.

– Менга қаранг, алломда! Ислолда ҳужжат билан гапир, дейишади. Ҳужжатингиз борми?.. – Фарангис ислоний илмдан бир мунча хабардор эканини намойиш этиш учун эмас, кўнгилни хира қилувчи бу мавзуга барҳам бериш мақсадида гапга аралашди.

– Ҳужжат бор-у, кўмилиб кетган-да!

– Ий-э, жойини билсангиз қовлаб олинг!

Шунқор Шосалимга қараб маъноли кулиб қўйди:

– Бу воқеани оппоқ додам айтиб бергандилар. У кишини тупроққа кўмганимизга анча бўлди. Суяклари ҳам кукунга айланиб кетган бўлса керак. Қовлаб олганим билан асос бўлмайди энди.

Шунқорнинг ҳазили шерикларига енгилгина кулгу улашди. Фарангис эса товоқни олиб, «шутник» деди-да, ошхонага томон йўналди.

48

Шосалим воқеалар тизгинини қўлга олиб, уни бир йўлга солмоқ бўлиб қанчалар ҳаракат қилмасин, уддасидан чиқа олмасди. Хаёллар уни гоҳ у томонга-гоҳ бу томонга олиб қочар, у шу аҳволида тартанак тўрига тушиб қолган пашшага ўхшарди: оёғини халос қилса – қаноти, қанотини ажратса оёғи тўрға чувалашарди...

Эрталабки нонушта чоғи ўғиллари бир-бири билан «Сен Қобил, сен Ҳобил» деб тортишиб қолишди. Шосалим ҳайрон.

Болаларнинг ўртасига тушди.

– Менга қараларинг, ҳеч ким Қобил эмас! Сизларга ўзимиз исм берганмиз: биринг Баҳодир, биринг Асқар – уқдингми? Қобил деганларинг ким?

Болалар бири қўйиб бири «Қобил ва Ҳобил» қиссасина айта кетишди. Боланинг зеҳни яхши-да, ҳикоялари жуда таъсирли чиқди. Гап орасида бу ҳикояни мардикор йигит сўзлаб берганини ҳам қистириб ўтишди.

Шосалимининг томоғидан лукма ўтмай қолди. Мардикор йигитдан шубҳаланди: «Нима демоқчи? Ишни қилса бўлмайдимми? Болаларга ўралашиб нима қилади?». У ана шундай ўйлар оғушида, машинани кўчага олиб чиқди-ю, дарвоза олдида тўхтатди. Машинадан тушиб, ичкарига кирди. Ҳовли тўрида куёнхона қурилишини давом эттираётган мардикор йигитни имлаб чақирди. Йигит ишни қўйиб, хўжайиннинг ҳузурига чопқиллаб келди.

– Ассалому алайкум! – итоаткорона бош эгиб, унинг амрига мунтазир турди у.

Шосалим ундан нималарнидир сўрамоқчи эди – фикридан қайтди. Шундан: “машинани артиб қўй”, деди-да ичкарига – хотинининг ҳузурига кириб кетди.

Шокир машинани чиннидай қилиб артди. Салони, ғилдиракларни ҳам ялтиратиб қўйди. Кейин, калит жойида турганини кўриб, орқадаги юкxonани ҳам очиб чангини артиб тозалади. Юкxона остига ёзилган тўшамани тозаламоқчи бўлганди, бурчақда қўл етмайди-да, жойдан қотиб қолган қон доғларини кўрди. Тўшаманинг остини артмай қўя қолди. Шосалим қайтиб чиқанида машина қўғирчоқдеккина бўлиб турарди. Машинага ўтираркан қўл қовуштириб турган мардикорга беш юз сўм узатди:

– Ма, сигарета оласан!

– Раҳмат, раҳмат! – эгилиб-букилиб миннатдорчилигини билдирди Шокир.

Машина жўнаб кетгач ҳовли тўрига ўтди-да, холироқ бир жой топиб шимининг човидан кичиккина қўл телефонини олди. Рақамни териб, кимгадир қандайдир маълумотларни етказди.

Шосалим боя ичкарига кириб хотинидан Шокир ҳақида у бу нарсаларни сўраб-суриштиради. Унинг юриш-туриши билан қизикди. Болаларга кўп ўралашмасин, деб тайинлади.

– Тинчликми ўзи? – сўради хотини хавотирланиб.

– Ваҳима қиладиган ҳеч нарса йўқ! – тинчлантирди уни Шосалим. – Ўзингдан эҳтиёт бўл деган гап бор-ку! Болаларга бир эртас айтиб берибди. Ёшига номуносиб нарсаларни эшитмаганлари маъқул. Тарбиясига таъсир қилади. Ишни бугун тугатса керак. Дарҳол жўнатиб юбор. Ўралашиб юрмасин бу ҳовлида...

Салима эрининг ҳамма топшириқларини бош силкиб маъқуллаб турди. Кейин, бу мавзуга қайтиб тўхталишнинг ҳожати қолмагач, андишасини айтди:

– Дўстингиздан ҳалиям хабар йўқми?

– Йўқ!

Шосалимининг бу борада гапиргиси йўқ эди. Шундан қисқагина жавоб билан чекланиб қўя қолди. Салима эса эрининг бу ҳолатини, дўсти учун ич-ичидан қайғуради бечора, юзига чиқармайди, ножоиз бир гап айтиб қўйишдан чўчийди, деб баҳолади.

– Гулчехраҳондан хабар олганимга ҳам икки ҳафтача бўлибди. Яна бир ўтиб қўйсаммикин? Бечора қайғуга ботиб, ич-этини еб қўйгандир.

– Қайда? – деди Шосалим юзини жийриб. – Эрининг бошини еган шу-ку! Кунда жанжал, аччиқ-тизиқ гаплар; Жобирбек ўлган бўлса – ўшандан қутулган бўлади. Анави мумсик отасидан ҳам!..

Шосалим бу гапларни алам ва изтироб ичида айтди. Ҳозир Гулчехрага бўлган ғарази юзига қалқиб чиққанди: Гулчехранинг ҳеч қачон уни Шосалим, деб чақирмагани асабини кўзитарди. Ҳатто бир гал: «Ҳа, энди Жобирбекнинг олдида сиз Шо-о-ҳ Салим эмас оддийгина Салимиз-да», деганди ҳазиллашиб: «Кўрамыз, — киши

билмас ижирғанганди Шосалим тишларини ғижирлатиб, – кимнинг ким эканини! Мана бугун кўриниб қолди. Яна бир неча кун керак. Шундан кейин унинг остонасига ит ҳам йўламайди. Ҳозирча эса, хотинининг хабарлашиб тургани яхши. Шубҳа, гумон бўлмайди!»

– Машина юбораман, майли, ўтиб кела қол! – Шосалим, кўчага чиқаркан, хотинининг фикрини маъқуллади.

49

Жобирбек атрофида кечаётган воқеаларни чуқур ўйлаб мушоҳада қилишни истарди. У табиатан босиқ, етти ўлчаб бир кесадиған – шошма-шошарлик билан хулоса чиқармайдиган кишилар хилидан эди. Муҳтарам Калоновичнинг гапи қанчалик тўғри экани, муҳбир қиз масаласининг ечимига боғлиқлигини биларди. У Шосалимга қаратилган айбноманинг холисона бўлишини хоҳлаганди. Шу боис Тошкентга кела солиб, ишни телевидениедан бошлади. Ногиронлар уйдан берилган лавҳанинг муаллифини топди. Сўраб-суриштириб ахийри, ўзини марказий нашрлардан бирининг муҳбири сифатида танитган аёлниинг манзилини аниқлади.

Фарангис унга эшикни очмади. Туйнуқдан Жобирбекни кўрибоқ юраги орқасига тортиб кетди. Шосалим билан маслаҳатлашмай унга рўбарў бўлишни хоҳламади. Умуман у билан юзма-юз келишни хаёлига ҳам сиғдира олмасди у.

Жобирбек ичкарида кимдир юрганини пайқайди. Эшик ҳадеганда очилмаганидан “бу ўша”, деди ичида. Кейин кичкина бир қоғозга: “Ўтинаман, биргина саволим бор. Мендан чўчиманг – ёмон наиятим йўқ. Телефон қилинг!” деб ёзди-да, телефон рақамини қолдириб, хатни эшикнинг тиркишига тикди.

Фарангис Жобирбекнинг кетганига тўла ишонч хосил қилгач, эшикни қия очиб, хатни олди. Ўқиди. Аввалига бир муддат нима қиларини билмай, каловланиб турди. Кейин «телефон қилиш керак», деган фикрга келди-ю, гўшакни олиб шоша-пиша керакли рақамларни теришга тушди.

– Сен уйингдан жилмай тур. Эшикни ҳеч кимга очма! Бир оз туриб ўзим чиқаман! – деди Шосалим ҳаяжонини яшира олмай – Фарангисдаги қалтироқ унга ҳам кўчганди...

Шосалим Фарангисдан бу хабарни эшитиб, кўз ўнги қоронғулашиб кетди. Жобирбек калаванинг учини топганди. Агар иш зайлда кетса, эртами-индин шарманда-ю шармисор бўлиши турган гап: у ҳам ўз навбатида кимгадир телефон қилди, вазиятни тушунтирди. У ёқдан эса:

– Бу сизнинг муаммоингиз! Мени охирги натижа қизиқтиради! – деган совуқ жавоб олди.

Нима қилиш керак? Шосалимининг боши қотганди. Аммо у узоқ ўйлай олмаслигини ҳам, тезроқ бирор-бир хулосага келиши лозимлигини ҳам биларди: «Жобирбекни йўлдан олиб ташлаш керакмикин? Ҳужжатларни қўлга киритмай туриб бу ишни қилиш ўзинг ўтирган шохни кесиб билан баробар-ку! Лекин буни шундай қолдириб ҳам бўлмайди. Қизиқ, Фарангисга қандай чиқди экан? Демак, у мен ҳақимда ҳам билади. Тошкентга менсиз кетиб қолгани ҳам шундан!» Шосалимни боши ёрилгудек эди. Барибир бир хулосага кела олмади. Аввал, Фарангиснинг рақамини терди. Кейин фикридан қайтди. Бир оз туриб яна телефон қилди...

– Гапларимга яхшилаб қулоқ сол, – дона-дона қилиб таъкидлади у Фарангисни хушёрликка ундаб, – биринчидан уйингдан чиқиб кет ва ҳозирча кўринмай тур. Телефон автоматидан Жобирбекка кўнғироқ қилиб эртага

кечкурунга учрашув белгила. Учрашув жойи отчопар! Шундай қилгинки, ўзи танҳо келсин!

– Буни қандай қиламан? – ҳайрон бўлди Фарангис

– Истаганидан ҳам кўпроқ маълумот олишини билса, айтганини қилади: «бу ишларнинг бошида хотинингиз турибди» десанг, бас! Ҳозирча сирларимизни дўмбира қилмай туради. Ориятли йигит у. Ва охиргиси, ҳозироқ отчопарга бор. Қилич билан Шунқорни мен кечкурун шаҳардаги уйимда кутаман!

Шосалим бошқа сўз демади. Гўшақдан қисқа-қисқа гудок эштилгач, Фарангис уни жойига қўйди-да, апил-тапил кийиниб уйни тарк этди.

Қилич билан Шунқор отчопар ва Қарши оралиғида йўловчи ташишарди. Шосалим уларнинг ҳар бирига биттадан “Нексия” олиб қўйганди. Бу бир томондан ҳам мунтазам даромад, ҳам тез-тез учрашиб туриш имконини берарди. Шосалим чақиртирганини эшитиб, машинанинг бирини пуллик тўхташ жойида қолдириб, иккинчисидан Қаршига қараб йўл олишди.

Жобирбек кеч бўлишига қарамай, Фарангисни узоқдан таниди.

– Хўш, менга нималарни айтмоқчи эдингиз? – саломалиқдан кейин дарҳол индаллога кўчди Жобирбек. – Ясама мухбир сифатида ташрифингиз орқасида қандай сир яширинган эди? Мени алдашдан мақсадингиз фақат пул ундиришмиди ёки... Қолаверса, бу ишларга хотинингиз қандай алоқаси бор? — деди у бир оз тутақиб.

– Майли, ундай бўлса кетдик. Бу кўчанинг гапи эмас. Йўлда ҳаммасини айтиб бераман.

– Шу жумбоққа ечим топиш учун ҳозир дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам тайёрман, фақат қаёққа кетаётганимизни билсам ёмон бўлмасди, — деб Фарангисга юзланди у.

– Борадиган жойимиз шунақа жойки, — деди Фарангис Жобирбекни янада қизиқтириш учун, — унда ҳамма саволларингизга жавоб оласиз!

– Унда кимлар бўлади?

– У ерда хотинингиз ва унинг жазманини кўрасиз холос.

– Нима? Гулчеҳра? — Жобирбек бўғилиб кетди. Бу гапни тасаввурига сиғдира олмасди. Шундан бошини чангаллаб қолди: «Ишонмайман! Ишонмайман! Ҳозир, ҳозир, — деди у ва атрофга аланглай бошлади. — Қаерда телефон бор? Уйга кўнғироқ қилишим керак?..»

– Хотинингиз уйда йўқ ҳозир. Ишонмасангиз ихтиёрингиз? — бепарво қилиб кўрсатди ўзини жувон. — Қолаверса, мана менинг қўл телефонимдан кўнғироқ қила қолинг!

У сумкачасидан телефон олиб узатди. Жобирбек тилла топган одамдек севиниб кетди: “Ҳозир телефон қилади. Гўшакни Гулчеҳра кўтаради. Кечадан бери миясини қуртдек кемираётган гумонлар барҳам топади. Мана ҳозир саккиз, уч, етти, беш...”

Телефон узоқ жиринглади. Гулчеҳра гўшакни олмади. Олиб ҳам нима қилди? Кун бўйи уч марта шу рақамдан кўнғироқ қилишди. Аёл кишининг товуши. Эрининг яна бир жазмани. Айтишича ундан боласи ҳам бор эмиш. Ишни бости-бости қилиш учун Шосалим деган дўсти орқали пул ҳам бериб юборган эмиш. Ҳозир яна пулга зориққан-у, Жобирбек ёрдам қилмаётганмиш. Гулчеҳранинг бу гапларни эшитишга ортиқ тоқати қолмаганди. Йиғламади ҳам. Биринчи марта эмас-ку! Эрига нима керак ўзи? Шунчалик моҳир улоқчи экан, майли ёт тўшақларда кўпқари чопиб, тулпорини совутиб юраверсин. Лекин мени нега бадном

қилади? Оила шаънини ерга урмаса бўлмайдими? Ахир, барисига чидаб келаяпман-ку?..

Гулчеҳранинг юраги санчгандек бўлди. Беихтиёр гўшакни олди-да, Шосалимнинг рақамини терди. У Гулчеҳранинг саволига дастлаб жавоб беришдан қочиб тайсалланди. Гулчеҳра ғазаб қилгач, худди ноилоҳ қолгандек: «Фақат ҳеч кимга айтманг. Жобирбек бошимни олади-я — билиб қолса», дея ёлворганча тўғриси айтди:

– Ҳа, эллик минг долллар обориб берганман!

50

Жобирбек кўнғироғига жавоб бўлмагач, тамоман эсидан ажради. Кўз ўнгида Гулчеҳранинг иккита қиёфаси намоён бўлди. Биринчиси хотинининг аввалги мунис, меҳрибон чеҳраси. Иккинчиси эса бир йилдан бери ўзгариб қолган, тажанг башараси. Унинг мияси пуфақдек бўм-бўш бўлиб қолди. Ҳозир унинг бўйнидан ип боғлаб хоҳлаган томонга етаклашинг мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Худди маст одамдек чайқала-чайқала Фарангисга эргашди. Қандайдир машинага ўтиришди. Кейин узун йўл бўйлаб катта тезликда елиб кетишди.

Гулчеҳрани нима жин урдийкин? Нима етишмайди унга? Тўқликка шўхликмикин ё... Мени, болаларимизнинг шаънини ўйламайдими? Ҳеч бўлмаганда тақводор отонасининг ҳурматини қилса бўларди? Ахир, эл олдида қандай бош кўтариб юришади улар?..

Жобирбек йўл бўйи ана шундай кечинмалар оғушига кўмилиб ўтирди. Миқ этмади. Энди уни ҳеч нима қизиқтирмай қўйганди Яшашнинг маънисини қолмаганди. Қани ҳозир автоҳалокат рўй берса-ю, Қодирбек акасининг ортидан нариги дунёга равона бўлса...

Машина қандайдир тўқайорга кириб тўхтагандан кейингина Жобирбек бир оз хушёр тортиди. Теварак-атроф зим-зиё. Тўқайзор ойнинг ғира-шира ёғдусида кўрқинчли бир манзара касб этиб туради.

– Нега тўхтадик? Бу қанақа жой? — саросималанди Жобирбек

– Саволларингизни жавоби хув ана у жойда, — қуюқ қоронғулик ичида милтиллаб турган шуълага ишора қилди у. — Тушинг, мана бу киши сизни кузатиб қўяди.

Милтиллаб турган шуъла гулхан экан. Олов ёнида ёмғирпўштни елкасига ташлаб бир киши ўтирибди. Қўлида ов милтиғи. Шосалим машина келиб тўқай бошида тўхтаганини, ҳадемай Жобирбек билан юзма-юз бўлишини билар, аммо ўрндан туришга шошилмасди. Қадам товушлари жуда яқин келгач турди. Келгувчиларга юзланди.

– Шосалим?!

– Йўқ, янглишдинг, мен — Шосалим эмасман! Сенга итдек эргашиб юрган, бир пайтлари обрўйингни сақлаб қолиш учун туни билан мижжа қоқмаган, садоқат билан хизматингни қилиб, охир-оқибат қадри-қиймати топталган сояман.

– Шунча гина-кудратингиз бор экан — аввалроқ айтсангиз ҳам бўларди-ку?! Кўнғилингни ранжитган бўлсам узр сўрашга ҳеч қачон ор қилмасдим. Сиз ахир, дўстим эдингиз, ундан аввалроқ — укам деганман!

– Қўйсанг-чи! Менга бўлган муносабатингни қандай эканини ўзингни пакана Наполеон-у, мени найнов генаралга ўхшатиб айтиб бўлгансан. Мен сен учун соя бўлганимни ўшандаёқ англаганман. Энди асл нусха бўлмоқчиман. Сендан эса нусха ҳам қолмайди!

– Шосалим! — зорланди Жобирбек. — Сизни хафа қилганим рост! Иш устида нималар бўлмади дейсиз.

Аммо сиз дастак қилаётган сабабларнинг бирортаси ҳам дўстлигимизга раҳна солишга арзимади! Арзимади, ахир! Ўша мусаффо туйғуларимизни сақлаб қолиш учун мен ҳамма нарсадан воз кечган бўлардим, айтсангиз бас – имконимдаги ҳамма нарсага тайёрман!

– Наҳотки! Шунчалар жўмард бўлсанг амалда исбот-ла! Менга сўнгги кашфиётларинг сақланаётган жойни айт!

Жобирбек Шосалимнинг номаъқулчиликлари обрў, мартаба, пул учун деб ўйлаганди. Агар шундай бўлса – унинг ҳисобига ҳамма нарсасини, бисотида борини беришга тайёр эди. Аммо, энди билдики, уни дўст сифатида йўқотиб бўлибди. Шундан Шосалимнинг совуқ йилтираган кўзларига нафрат билан боқди:

– Шайтонга ёлланибсан-да?!

– Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Хужжатларни бера-санми, йўқми – шундан гапир?!

Жобирбек бошини куйи эгди:

«Қанийди ҳозир ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам. Бу каби разиллик, шармандалиқ юкидан халос бўлсам», деган ўй кечди хаёлидан. Кейин бошини кўтарди-да, Шосалимга ачиниб қаради.

– Ўйласам, ўзимга тегишли бўлган ҳамма нарсамни бой бериб бўлибман. Меҳримни, муҳаббатимни... Аммо кашфиётларимни халқимга, Ватанимга атаганман – уни бера олмайман, узр! Сенга эса ачинаман, Шосалим! Сен ҳақиқатдан ҳам соя бўлган экансан, ҳозир тирик мурдага айланибсан холос.

– Бас! – чинқириб юборди Шосалим. Кейин, аччиқланиб милтиқни унга ўқталди.

– Сен тамом бўлган одамсан! Сенга ачина...

– Бас деяпман, бас!

Шосалим аламдан бўкириб тепкини босди. Ўқ Жобирбекнинг қорнини тешиб ўтди. Юзлари оғриқдан бужмайди. Аммо йиқилмади: қорнини ушлаганча Шосалимга томон юрди. Оёғини судраб-судраб босарди. Ўқ тешиб ўтган жойидан қон сизиб оқмоқда эди. У яқин келиб милтиқни учидан тутди; уни юрагига қадади. Шосалим эса дир-дир титраб турар, иккинчи марта тепкини босишга кучи етадими-йўқми – номаълум эди.

– Шосалим! – гапирганида оғриқ кучайди чамаси, Жобирбекнинг юзи буришиб кетди. – Гулчехранинг хи-ёна-ти-и ростми?..

Шосалим нима дейишини билмай қолди. Дам сайин ҳушини йўқотиб бораётган Жобирбек эса кўзи тиниб, Шосалимнинг қиёфаси унга иккита бўлиб кўринди. Бири ўша ўзи билган камтарин, камсуқум чехра; иккинчиси эса ёвуз ва разил башара. Бириси «йўқ» деди, бириси тепкини босди. Шосалимнинг оғзидан «йўқ» деган жавоб билан, милтиқнинг оғзидан ўқ деган жаллод бир вақтда отилиб чиқди. Бириси қулоққа, бириси юракка бориб теғди. Ҳаёт билан ўлим орасидаги фурсат жуда қисқа бўлди. Аммо ҳақиқатни билиш – бу дунёдан армонсиз кетиш учун Жобирбекка ана шу қисқа фурсат кифоя бўлди. Шу қисқагина лаҳзада унинг ғамбода чехрасида, оғриқдан бужмайган юзида табассум балқиди. У ана шу қисқагина сонияда ўзининг мағрур қиёфасини, бахтиёр чехрасини, ўткир нигоҳларини Шосалимнинг ҳиссиз кўзларига муҳрлашга улгурди.

Шосалим энди ўла-ўлгунча ана шу нигоҳлар таъқибига маҳкум бўлганди.

51

– Минг марта узр! Сизларни куттириб қўйдим!

Шосалим фаоллар залига ҳовлиқиб кирди-да, тўрдаги жойига ўтираркан, йўл-йўлакай барчадан кечи-

рим сўради. Аҳволи ҳаминқадар бўлишига қарамай ўзини бардам, тетик тутишга уринди. Курсисига ўтириб жойлашиб олгач эса, йиғилганларни бир-бир кўздан кечи-ра бошлади.

– Бугун сизларни бу ерга тўплаганимдан мақсад...

У фикрини давом эттира олмай тақа-тақ тўхтади. Кўзлари ҳам бир нуқтага тикилганча қотиб қолди. Узунчоқ стол атрофида ўтирганлар сафида умуман қутилмаган бир чехрага тўқнаш келди: «жудаям ўхшаркан», деган ўй кечди дилидан. Аммо янглишганини англаш учун кўп вақт керак бўлмади. Бу ҳақиқатдан ҳам Сакина эди. Залда Сакинадан ташқари яна бир неча нотаниш одамлар борлигини пайқаганида эса Шосалим ғишт қолипдан кўчганини фаҳмлади. Йигитлардан иккитаси туриб унга яқин келишди.

– Шосалим Давронович! Сиз қасддан одам ўлдиришда айбланиб, қамоққа олиндингиз!..

Фуқаро кийимидаги қидирув бўлими ходимлари унга прокурор санкциясини кўрсатиб, қўлига занжир сола бошлаганида, Шосалим бу икки йигитнинг ўзига таниш эканини кўриб, бадтар тош бўлиб қотди: уларнинг бири ҳайдовчиси Илҳомжон, шериги – уйида мардикор бўлиб ишлаган Шокир эди.

Бир кун олдин Тошкентда жиноий гуруҳнинг яна икки аъзоси қўлга олинди. Улар фуқаро Сакина Хаджиеванинг уйига ноқонуний йўл билан бостириб киришликда айбланиб хибс қилиндилар. Воқеанинг асл тафсилоти эса мана бундай эди.

Шосалимнинг уйида бўлиб ўтган йиғинда Сакинадан қутулиш кераклиги тўғрисида кўрсатма олган Қилич билан Шунқор Тошкентга келибоқ операцияни бажаришга киришдилар. Улар Сакинанинг эшигини тақиллата бошлаганларида Сакина Акмал билан Тошкент – Қарши йўналишидаги самолётда парвоз этмоқда эди.

Акмални ҳамроҳи билан Қаршига кузатгач, жиноят ишини очишга ҳамкорлик қилаётган тошкентлик милиция ходимлари зудлик билан «Сароб» операциясини амалга оширишга киришдилар. Биринчи галда Сакинанинг уйида узокдан бошқариладиган радиокарнай ўрнатилди. Бу уни излаб келгувчиларда Сакина уйда, деган тасаввур уйғотиш учун қилинди. Эшикнинг бир бурчагига билинар-билинимас микрофон кўндирилди.

Уй атрофида уч жойда писта, қурт ва бошқа майда-чуйдалар билан савдо қиладиган атторлар пайдо бўлди. Бу кичкина «дўконча»лар вақтинча ижарага олиниб, бу ёққа кўчирилди. Сотувчилар алмаштирилди. Уларнинг ўрнини фуқароча кийимдаги милиция ходимлари эгаллади. Тўғри, кейинчалик дўконча эгаларига маълум миқдорда компенсация беришга тўғри келди. Савдода уқуви бўлмаган милиция ходимлари ёш болакайларга қурт, сақич, хўрозқанд ва бошқа ширинликларни текинга тарқатворишган экан.

Хуллас, қутилган меҳмонлар узоқ маҳтал қилмади. Кўчанинг бошида иккита эркак пайдо бўлди. Улар тўғри Сакинанинг подъездига қараб йўл олишди.

– Жа-а-а, гавжум бўп кетибдими бу жойлар? – Шунқор атторлик дўконлари атрофида тўпланиб турган одамларга норози қиёфада аланглади.

– Ҳаммада ҳам тирикчилик! – бепарво жавоб қилди Қилич, уни «чалғима» деган маънода огоҳлантириб. Кейин бирга-бирга бурилиб подъездга кириб кетишди.

Сакинанинг эшиги олдида бир пас тўхташди. Ичкаридан музика садолари эшитилиб турарди: «Уйида экан», деди сўзлари микрофон орқали магнит тасма-

га тушаётганидан беҳабар Шунқор. Қиличга юзланди: “Таққиллатайми?”. Қилич тасдиқ маъносида бош ирғади.

Пастдаги дўкончалардан бирининг сотувчиси, қулоғига эшитиш мосламаси кўндириб олган, олифтанома йигит, таққиллаш товусини эшитиши билан столи остидаги магнитофоннинг мурватини буради. Орадан беш-олти дақиқача вақт ўтди.

– Муסיқани ўчирди – уйда экани аниқ! Нега эшикни очмаяпти? – Деярли шивирлаб, Қиличга савол тариқасидами ёки ўзига-ўзи гапирган бўлибми, ғудраниб кўйди Шунқор.

– Балки... – Қилич бир пас ўйланиб турди-да, кейин фикрини давом эттирди. – Балки у ёлғиз эмасдир? Демокчиманки, меҳмони бордир? – у чап кўлини мушт қилиб тугди-да, ўнг қўлининг кафтини унга уриб кўрсатди: – «Пақ-пуқ» – маишат!

– Ўлган экан, куппа-кундуз куни!

– Қизикмисан, – Қилич кетамиз деган маънода пастга ишора қилиб, – кечроқ келамиз энди, – деди-да, ўзи йўл бошлади. Зинадан туша туриб, боя бошлаб кўйган гапини охирига етказди: — Маишат бу бизнес! Бизнес эса вақт танламайди.

Ташқарига чиқишгач, икки шерик атторлардан бирига яқинлашишди.

– Сан шу дўмда турасанми? – Сотувчини саволга тутди Қилич.

– Ҳа!

– Сакина опангни танийсанми?

– Ҳа-а-а, Сакина сатангними, танийман!

– Мабодо уни бугун кўрмадингми? – ўсмоқчиланди Шунқор.

– Кўрдим. Боя бир эркак билан уйига кириб кетганди.

– Қанақа эркак, кимлигини билмайсанми мабодо?

Сотувчи йигит кетма-кет берилаётган саволлардан ҳафсаласи пир бўлган қилиб кўрсатди ўзини.

– Ока, ман гап сотмийман – бирон нима оласизми ўзи? Нима, ман мелисамидим, домга келадиган ҳар бир нотаниш одамнинг шахсини аниқлайдиган. Оддий эркак – кўлида пакети ҳам бор эди...

Шериклар бир қути сигарета харид қилган бўлиб, аттордан узоқлашишди.

– Ҳаммаси равшан. Хоним лаззатланвоттилар! – Оғзининг танооби қочиб, маъноли кўз қисиб кўйди Шунқор. Қиличнинг нигоҳида эса совуқ бир ифода пайдо бўлганди бу пайт.

– Майли, ўлими олдидан ўйнаб қолсин! – деди у нигоҳларидагидан ҳам совуқ бир оҳангда...

Тунда икки шерик, бири милиционер формасида, бири асбоблар солинган сумка кўтарган ЖЭК ходими алфозида яна Сакинанинг эшиги остида пайдо бўлишди. Қўшнилари бевовта қилмаслик учун, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишарди улар. Мабодо, кутилмаганда бирон кор-ҳол рўй бериб қолса, милиционер формаси ва сантехник асбоб-ускуналари вазиятни юмшатовчи воситалар бўлиб хизмат қилиши керак эди. Ҳайтовур, эшикни бузиб, ичкарига кириш мойдан қил суғургандек амалга ошди. Аммо қўл фонарини ёқиб, аста ётоқхонага бош суққан эдилар ҳамки, унинг чироқлари «лоп» этиб ўзидан-ўзи ёнди. Қўрқувдан тош бўлиб қолган қотилларни катта хонада боя пастда атторлик қилиб турган йигитлар қаршилади. Шунқор аста ортига тисарилмоқчи бўлганди, ошхона ва болалар хонасидан чиқиб келган милиция ходимлари қуршовида қимир этолмай қолди...

Фарангис ит феълли жувон эди: ғизиллаб ўтиб кетган машинанинг ортидан вовуллаб қувлайдиган, кейин «қочиб қолди, кўрқоқ», дегандек мағрур қиёфада ортига қайтадиган кўппакни кўрганмисиз? Ёки кўринган кишининг аккиллаб асабини бузадиган, озгина қаршилиқ кўрсатиб, ҳавонча дўқ қилсангиз думини қисиб қочадиган лайчани-чи?

Фарангис ана шунақа хилидан эди. Аввалига Акмалга чап бермоқчи бўлиб, гапни роса айлантирди. Акмал ҳам унинг сафсаталарига ишонгандек кўрсатди ўзини. Охир-оқибат, факт ва далиллар билан Фарангисни боши берк кўчага киритиб кўйдик, унинг лайчага ўхшаб пишидан бошқа чораси қолмади: билганларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Бу тафсилотларни биз юқорида кўриб ўтдик, фақат бир нуқта – телеэкранда пайдо бўлиб қолиши тушунарсиз эди. Ахир бу ўз-ўзини фош этишдан бошқа нарса эмас-ку!

– Аёллик қилдим! – деди у йиғламсираб, Акмалнинг шу борада берган саволига жавобан. – Менинг ҳам дўст-душманларим бор. Омадсизлигим, қашшоқлигим билан кимнидир кўйдириб, кимнидир кулдириб келардим. Болаларимни даволатишга дастим қисқа эди. Шундан меҳрибонлик уйига топширгандим. Шунинг ўзи учун, бошимга қанчалар маломат ёғилганини билмайсиз-да! Ҳаётим яхшиланганини, турмушим ўзгарганини ҳамма кўриб қўйсин дебман. Жобирбек кўриб қолади, деган ўй хаёлимга ҳам келмабди.

– Мўмайгина даромад топа бошлаганингизга анча бўлди-ку, нега болаларингизни даволатишни пайсалга солиб келаяпсиз? – гап қистирди Акмал.

– Шосалим ҳамма ишларни битказиб Москвага ёки Германияга юборишга ваъда қилган.

– Нега ўзимизда эмас?

«Дарвоқе, нега?». Фарангис биринчи марта бу саволни ўзига-ўзи берди. Кейин Шосалимнинг «ўзимизники» деган тушунчага бепарво, аҳамиятсиз қарашини эслади. У сигарета четники бўлса чекарди, хорижнинг ёрлиғи ёпиштирилган ароқнигина ичарди. Гап телевидение ҳақида кетса: «Ўзимизникими? Бир пулга қиммат!» дерди у. «Пахтакор»нинг футболчиларини-ку, ерга уриб ташларди. «Макаронлар» деб масхараларди уларни: «Чет элнинг футбол клубларига сотиб юбориш керак буларни. Мардонанинг оёғини уқалаб, Пелега кофе қайнатиб юришин. Шундан бошқага ярамайди булар!» дерди. Шу асно Фарангиснинг ёдига бир воқеа тушди. Куладиган аҳволда бўлмаса ҳам юзига табассум ёйилди.

Бир куни кечки пайт уйда Наргиз билан ўтиришганди. «Борматуха» қонни кўпайтирармиш, деган гапни эшитгандан бери опа-сингил аҳён-аҳён вино билан ўзларини муолажа қилиб туришарди. Шосалим кўнгироқ қилиб қолди. Ҳозир келармиш! Апил-тапил дастурхонни қайта тузашди.

– Вино ичиб турганимизни кўрса, роса изза қилади, – деди Фарангис шишаларни яширишга жой изларкан, – тем более, борматуха.

– Бунинг йўли бор! – деди Наргиз, опасидан шишаларни олиб, ошхонага йўналар экан. Кейин қайсидир бир ўтиришда бўшатилган «Виски» шишасига винони солди-да, дастурхонга келтириб кўйди.

– Бу қанақа ичимлик? – Шосалим чиройли «виски» шишасини кўлига олиб, айлантириб қаради. – Бунақасини кўрмагандим.

– Вино! Техасники, – деди Наргиз қуруққина қилиб. Кейин Шосалимнинг рюмқасига тўлғазиб хорижнинг шишасидан «бармотуха» кўйди.

– Мана буни вино деса бўлади! – бир кўтаришда рюмкани бўшатган Шосалим тамшаниб қўйди. – Чет элга гап йўқ, ўзимизниқиларникини ичсанг кузинг келади!

Опа-сингил «думбул бойвачча»ни кузатиб роса кулишганди.

Ҳа, Шосалимнинг ўзимизнинг тиббиётга ҳам, ўзимизнинг милицияга ҳам муносабати бундан ортиқ эмас. Шундан «ёпиқли қозон ёпиқлигича» қолишга жуда ишонарди. “Лекин, ҳадемай қаттиқ янглишганини фаҳмлайди!” фикридан ўтказди Акмал.

– Энди мен нима қилай? – Фарангис шу чоққача қилган ишини қилиб қўйган, айтадиган гапани айтиб бўлганди. Бу ёғига нима қилишни ростдан ҳам билмас эди.

– Сизми? – Акмал унга синчков назар ташлади. — Болаларингизни «Ортопедия» институтига оборинг! Қандай яшаган бўлсангиз – шундай яшайверинг! Керак бўлганингизда – ўзимиз сизни чақиртирамиз. Битта хавф-хатар бор – шундан сақланинг!

Фарангис хуррак нигоҳларини унга қадади.

– Мен билан учрашганингиз-у, ўртамиздаги гапларни ҳеч ким – ҳаттоки эрингиз ёки Наргиз ҳам билмаслиги керак. Акс ҳолда...

– Менга енгиллик бўлармикин? – Аёлнинг жовдираб турган кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Буни суд ҳал қилади. Аммо маълумот берганингиз, айбингизга иқдор эканингиз, ногирон болаларингиз – буларнинг барчасини суд инобатсиз қолдирмайди.

Фарангис ана шу чўлтоқ умид билан ногирон болаларининг ҳузурига йўл олди...

53

Фарангиснинг терговчига охир-оқибат таслим бўлиши бежиз эмасди. Аввалига, қизиқарли бир ўйин тарзида бошланган бу иш бу қадар фожеа билан якун топади, деб ўйламаганди у. Жобирбек отилган тунда эса нечоғли қалтис ишга аралашиб қолганини ҳис қилди. Ўшандан бери егани татимай юрганди. Қачондир бу ишларнинг ишкали чиқишидан чўчиб яшаб келарди. Мана, бугун сир ошкор бўлди...

Фарангис ўша кеча машинада ёлғиз қолди. Атроф зимзиё. Аввалига билинмади; эркаклар кетгач, аллақандай ваҳимали ўйлар кўнглига ғулғула сола бошлади. Худди, даҳшатли фильмлардагидек, ҳозир машина ойнасида қўрқинчли бир башара пайдо бўладигандек туюлаверди. Шоша-пиша эшикнинг босқичларини пастга босиб қўйди. Рул томондаги ойнанинг юқорисида бармоқ сиғадиган тирқиш қолган экан, апил-тапил уни ҳам кўтариб зичлади. Кўнгли бир оз таскин топди. «Тезроқ қайтишсайди эркаклар!» кўнглидан ўтказди у.

Фарангис эркаклар ҳозир эркакчасига гаплашиб олишади-ю, муаммо ҳал бўлгач яна Тошкентга қайтиб кетамиз, деган ўйда эди. Ногаҳон янграган ўқ овози унинг ўйларини чилпарчин қилди. Саросималаниб қолди. Биргина фикр уни қамраб олганди: «Жобирбек яширинча тўппонча олиб келган экан-у, рақибларини отишга тушди». Дир-дир титраб рул томондаги ўриндиққа ўтди. Қалтироқ қўллари билан пайпаслаб калитни топди. Машинани ўт олдириди: «Улгуриш керак!» таъкидлади ўзига-ўзи у. Ҳозир Жобирбек учинчи рақибини ҳам тинчлантиради-да...

Машина ҳайдаш ҳадисини олганлиги шу жойда қўл келди: Шосалимнинг ҳомийлигида шофёрлик курсида ўқиб гувоҳнома олганди. Аҳён-аҳён эрининг «Нексия»сини ҳайдаб юрарди. Шундан ҳозирги вазиятдан қутулишнинг ягона йўли – бу жойдан қочиб қолиш, деган қарорга кел-

ди у. Йўлнинг ташвишини қилмаса ҳам бўлади. Мана шу илон изи каби узалган эгри-бугри йўл тўғри катта трассага олиб чиқади. Катта йўлга чиққач, унга бурилиб, тўғри кетаверади. Аммо...

Катта трассага чиқиш осон кечмади. Йўл эгри-бугри бўлгани сабабли тезликни ошириб бўлмас, шундан Фарангиснинг хаёлида Жобирбек уни қувлаб етадигандек эди. Дамо-дам орқасига ўгирилиб қарайверганидан, машина бир-икки марта йўлдан чиқиб кетди ҳам. Катта йўлга чиқиб олгач эса, енгил тин олди. Хавф бартараф бўлгандек эди гўё. «Аммо... Жобирбек бугун бўлмас эртага уни излаб топади-ку! Бу қонхўр мени ҳам энди омон қўймайди!». Уни ҳозиргина бир муддатга тарк этган ваҳимали ўйлар яна қайта безовта қила бошлади. Узоқдан икки вилоят чегарасида жойлашган милиция пости кўзга ташланди.

– Айтаман! Ҳозироқ постда тўхтаيمانу, Жобирбекнинг қотиллиги ҳақида маълумот бераман! Майли, уни бир оз чув туширганим учун жазо беришса ҳам розиман. Ҳарқалай, ном-нишонсиз ўлиб кетгандан кўра – шуниси дуруст!

Фарангиснинг қарори қатъий эди. Агар айни шу дамда сумкачасидаги қўл телефони жиринглаб қолганида ёки телефонга жавоб бермаслик ҳақидаги дастлабки фикрда қолганида эди, у бир неча дақидадан сўнг ўзи мансуб бўлган жинойи гуруҳни ўзи билмаган ҳолда фош қилиб қўйиши турган гап эди.

– Алло, Фарангис! Нима жин урди сени? Нега машинани обкетиб қолдинг?

Фарангис қулоқларига ишонмади. Эрининг овози. Демак, тирик қопти-да!

– Сиз тирикмисиз? Яраланмадингизми? Ана у қонхўр қани?

– Қайси қонхўр? Шосалимми?

Қиличнинг хотини билан кечаётган беъмани мулоқоти шу жойда Шосалимнинг тоқатини тоқ қилди. У шеригининг қўлидан телефонни юлқиб олди-да, унга еб қўйгудек бўлиб тикилганча, қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

– Фарангис, қаердасан?.. Майли, нега кетиб қолдинг?.. Йўқ, қайтишинга ҳожат йўқ. Тошкентга кетавер! Йўлдан эҳтиёт бўлсанг – бас!

Шосалим гапни тугатгач Жобирбекнинг юзтубан ётган жасадига қараб бир пас тек қотди.

– Машинангизда белкурак борми? – Қилич Шосалимни хушига келтирди. – Тезроқ кўмиб кутулайлик!

Шосалим юзини Шунқорга ўгирди. Унинг қарашидаги маънони Шунқор дарҳол ўқди. Шундан:

– Ёруғроқ жой керак! Бор-йўғи ярим соатда нимталаб ташлайман! – деди.

Шундан сўнг учовлон ўликни Шосалимнинг машинасига кўтариб боришди. Уни юкхонага жойлаштириб, машинани қишлоққа қараб ҳайдашди. Тўғри Шосалимнинг уйига боришди. Ҳовли бурчагидаги кичкина хужрада Шунқор маҳорат билан жасадни бўлак-бўлак қилиб майдалади. Қилич нимта-нимта қилинган Жобирбекнинг танасини клёнкага ўраб маҳкам боғлаб турди. Жараённи ташқарида кузатиб турган Шосалим, хотинининг айвонга чиққанини кўриб, ҳамроҳларига нимадир деди. Кейин, агар Салима хужра томонга қараб юргудек бўлса, унинг йўлини кесиб чиқишга шайланиб турди. Аммо хотини айвонда бир пас турди-да, қайтиб уйга кириб кетди.

– Хайрият!

Шосалим жойидан жилмади. Шериклари нимталанган жасадни машинага жойлаштириб қайтгач, хужрани кўздан кечирди. Қон изларини йўқотишди. Энди кетса

хам бўларди-ю, Шосалимнинг ёдига яна нимадир тушди. Шунқорга апплақандай юмуш буюрди. У нарироқдаги каттака томон кетди. Бир оздан сўнг, қоронғулик кўйнидан кўлида иккита бўғизланган кўён билан чиқиб келди у...

Шу кеч тонгга қадар қотиллар роса тер тўкишди. Жасадни тўқайзорнинг турли жойларига кўмиб чиқишди. Тонг энди-энди оқара бошлаган маҳал Ўта мерганнинг эшиги олдида машина келиб тўхтади. Уйқусизликдан кўзлари шишинқираган Шосалим гандираклаганча машинадан тушди. Милтиқ ва ўлжадан улуш сифатида олиб келган иккита кўённи мерганга бериб, хайр-хўшлашиб чиққач, машинанинг орқа ўриндиғига оғир чўқаркан, Қиличга буюрди:

– Шаҳардаги уйга ҳайда!..

54

Наргиз тонг чоғи кўча эшик кўнғироғининг ваҳимали жиринглашидан уйғониб кетди: «Ким бўлди бу? Шосалимми? Ахир келишидан олдин кўнғироқ қилиб оголлантирдирди-ку?» У ана шундай кечинларок оғушида туриб кийинди. Икки тавақали катта дарвозанинг туйнугидан қараб машина поччасиники эканини кўриб яна ҳайрон бўлди. Эшикни очиб ташқарига мўралади. Рулда опаси ўтирганидан таажжубланди. Кейин машинани ичкарига киритсин учун дарвозани ланг очди.

– Тинчликми, опа! Ранг-рўйингиз бир ҳолда? Нима бўлди сизга?

Фарангис жавоб бериш ўрнига йиғлаб юборди. Наргиз елкалари титраб, ўқсиб-ўқсиб йиғлаётган опасини бир зум ўз ҳолига қўйиб берди. Етаклаб уйига окирди. Мехмонхонадаги узунчоқ столда ҳар хил шиша идишлар гулдаста тарзида терилиб турар, фужерлар қантарилиб қўйилганди. Наргиз шишалардан бирининг оғзини бураб очди. Гази кўп экан, вишиллаган товуш чиқди. Шу дам газ сувнинг пуфакчалари юзларига сачради. Сувнинг муздеккина эканиданми ёки бу ҳолат бошқа бир шунга ўхшаш воқеани ёдига солдими, тўйқус сесканиб кетди у...

Ўшанда ҳам шундай бўлганди. Шунқор билан унинг бир хонали квартирасида хуфёна учрашиб, айшу ишрат қилиб юришарди. Иккаласининг ҳам бир-бирига нисбатан ҳеч қандай мажбурияти йўқ эди. Наргиз бой-бадавлат хонадоннинг келини: егани олдида, емагани ортида. Истаган нарсаси муҳайё. Фақат ҳавас қилса арзигулик ҳаётининг биргина кемтиги бор эди. Бу кемтикни ҳам мана шу Шунқор беркитиб келмоқда эди.

Наргиз Шунқордан кўра ақллироқ, тадбирли ва ишратга ўч. У ўйнаши кўйнига кирган кезлари унинг жонини суғуриб оларди. Эри билан кечган совуқ тунларнинг ҳиссасини чиқармоқчи бўларди чамаси. Қизиғи шунда эдики, Шунқор бу каби пойгадан шалвираб қолмасди. Маррага етиб келгач, бир оз тин олган бўларди-ю, яна тулпорини майдонга соларди. Наргизнинг серқичиқ қилиқлари, балиқники сингари чиройли танасининг тўлғонишлари – айниқса қўшилишнинг энг авж нуқталарида чинқириб юборишлари жазманга наинки ҳузур, балки яна ҳам куч бағишларди. У ўзини эркаларнинг эркаги деб ҳисоблар, чунки кундузги ишқий саргузаштлари кечаси хотинининг тўшагидан узоқлаштиради. Эрлик бурчини ҳам ортиғи билан адо этиб келмоқда эди.

Бир гал иккиси гап талашиб қолишди. Келишмовчиликка Шунқорнинг концертга иккита билет сотиб олгани-ю, Наргизнинг йўқ, дейишига қарамай, бирга тушмоқчи эканини айтиб оёқ тираб олгани сабаб бўлди.

– Биламан, сен учун мен оддий бир эркаман, – азбаройи аччиқланиб ёзғирди Шунқор. Кейин фикрини янаям

ойдинроқ ифодаламоқчи бўлдими, у ёқ бу ёққа аланглай бошлади. – Мана бу телевизор ёки мана бу дазмолга ўхшаш буюмман. Кўнғилнинг тусаган пайти фойдаланасан... бирга тушлик қилишдан ҳадиксирайсан. Жамоат ичида ёнма-ён юришдан чўчийсан. Энди билдим, сен мандан ор қиласан!..

Наргиз Шунқорнинг шубҳаси асоссиз эканидан кулди – бошини унинг елкасига қўйди:

– Ундай эмас, Шунқорим! Бошимда эрим бор эканини унутманг.

– Ажраш бўлмаса!

– Жазманлик эвазигами? Асло!

– Керак бўлса уйланарман ҳам...

– Йўқ! Унда учрашувларимиз бу қадар мароқли бўлмай қолади.

– Нега?

– Негами? Ўртага манфаат аралашади. Зиммага мажбурият тушади. Гап-сўз кўпаяди. Менга қолса муносабатларимиз шу тахлит давом этгани маъқул.

– Шундай: ҳиссиз... севгисиз!..

Наргиз аввал бошда эркаклик ғурури жунбушга келиб, роса сапчиган жазмани аста-аста ҳовуридан тушиб бораётганини пайқади. Шунинг учун мавзуга шу ўринда биратўла нуқта қўйди.

– Жоним! Бировга кўз-кўз қилиш учун севилмайди. Агар сизни ёқтирмасам... – Наргиз тилига қалқиб чиққан оҳангдош – бир уят сўзни зўрға тишлаб қолди. Ўртада бегона киши бўлмаса ҳам бу сўзни овоз чиқариб айта олмади. Шундан, ўйнашининг қулоғига эгилиб аста шивирлади, – боқтирмасдим ҳам!

Шунқор дўппини олиб қўйиб, яхшилаб ўйлаб кўрса бир жиҳати шуниси дуруст бўлиб чиқди. Топиш-тутиши ҳаминқадар. Ҳарқалай, Наргизнинг эридаги имконият унда йўқ. Шундай бўлгач, кўрпасига қараб оёқ узатгани маъқул. Бошқа одам бўлганида Наргизга ўхшаган жувонни ўйнатиш учун қанчадан-қанча пул сарфларди. Шукр қилиш керак!

55

Хуфия учрашув жойида уларни Сотимбой кутиб турганидан беҳабар икки зинокор, ҳар галгидек белгиланган вақтда висолга ошиқшарди. Наргиз бир муддат илгарироқ келди. Калити билан эшикни очаркан, ортидан бир жуфт кўз уни кузатиб тургандек бўлиб туюлди. Ўғирилиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошапиша ўзини ичкарига урди.

Орадан ўн дақиқалар ўтиб эшик олдида Шунқор пайдо бўлди. Эшик ичкаридан илдирилгани боис, калитни қайтиб чўнтагига солди-да, кўнғироқ тугмачасини босди. Сотимбой ҳам шу лаҳза қўлидаги митти видеокамерани ишга қўшди. Бир ойлик танафусдан сўнг висолга ошиқиб турган айғирнинг сабрсизлик билан ер тепиниб туриши-ю, ҳар қандай эҳтиёткорликни унутиб остонадаёқ айғирга суйқалана бошлаган ёлдор биянинг ҳолати қалтиб лентасига муҳрланди. Сотимбойга орани очиб мағлиши учун шунинг ўзи кифоя эди. Аммо зинадан туша туриб, эшик очиб қолганини кўриб тўхтади. Ичкарида ўзи учун нохуш бир вазиятга дуч келишини билса ҳам, ўтиб кета олмади. Хотинини яна ҳам шармандали бир ҳолатда қўлга тушириш истаги туғилди унда. Ичкарига кириб, эшик занжирини илдирди. Ётоқхонадан эркак билан аёлнинг баббаробар ҳарсиллаши эшитилиб турарди. У қия очилиб қолган эшикни оҳиста суриб каттароқ очди-да, камера-ни ичкарига тўғрилади. Сотимбой шу пайтгача хотинига

хиёнат қилган одам эмасди. Савдогарлар оиласида ўсиб улғайган бу йигит пул топишни ҳам, уни нималарга сарфлашни ҳам яхши биларди. Зинодан, майхўрликдан йироқ эди у. Ҳозир, шайтоннинг ундови билан ичкарига киргани учун ўзидан-ўзи хафа бўлиб кетди. Хотинини бу алфозда учратаман деб ўйламаганди. Икки зинокорнинг қилиб турган иши одам боласининг ишига сира ўхшамасди. Фақат хайвонларгина шундай қўшилишади.

Шунқор туфлисини ечишга ҳам ҳафсала қилмаган, шими ҳам думбасининг устида, Наргизни кийим-кечаклар дазмолланадиган тахтага чўнқайтириб қўйиб, худди масиққан туядек муродини ҳосил қилмоқда эди. Севги ўйини авж нуқтасига чиққанди. Наргиз нимадир демоқчи бўлибми, хирсдан ола-кула бўлиб кетган кўзини орқага ўгирди. Ўгирди-ю, даҳшатдан бақириб юборди. Унинг чинқириқларига ўрганиб қолган Шунқор эса, бепарво ишида давом этарди. Наргиз уни кети билан итариб юборганидагина, гап нимада эканини пайқади. Саросималаниб қолганидан нима қиларини билмай турган жойида қотиб қолди. Нимадир демоқчи эди, тили калимага келмади.

– Сен... Сизлар жирканчсизлар! – Алам ва нафратини шу биргина сўзда ифода этди Сотимбой. Кейин, ҳали шимини кўтаришга улгурмаган, дағ-дағ титраб турган хотинининг жазманига юзланди: – Дўнқай!

– Нима? – ҳайрат ва ҳадик билан сўрашга журъат этди Шунқор.

– Дўнқай! Сен билан ҳозирнинг ўзида ҳисоб-китоб қиламан! – Сотимбой чап қўли билан шимининг тугмаларини еча бошлади.

“Бир ҳисобдан шуниси маъқул!” – Шунқор, сармоядор одамлар билан ўчакишиб бўлмаслигини яхши биларди. Айниқса ҳозирги рақибининг «кўча»нинг шунқорлари билан алоқаси борлигини, аҳён-аҳён чойхонада ўтадиган маҳфилларда иштирок этишини эшитганди. Сотимбой куч жиҳатдан рақибидан ожиз бўлса ҳам, пули билан Шунқорга ўхшаганларнинг юзтасига бас кела олади. Шунқор айна шу лаҳзада йигитлик ғурурини пеш қилиб, Сотимбойнинг ҳақоратомуз ишорасига боглаб жавоб қайтариши мумкин эди-ю, аммо эртасини ўйлади. Оиласи, болалари кўз олдига келди. Зинокор отанинг касрига уларнинг жабр кўришларини хоҳламади. У икки ўт орасида қолганди: ҳозир Наргизнинг олдида ўз шаънини ҳимоя қилиб, оиласини хатарга солади ёки Сотимбойнинг тақлидига бўйсуниб, эркак сифатида жазманининг назаридан қолади. Шунқор хатарли йўлдан кечиб, шармандалисини танлади.

Сотимбой сўқимдек йигитнинг мулоим ипақдек эшилиб, чўнқайиб кетини тутиб турганини кўриб ундан баттар жирканиб кетди. Туфлисининг ости билан унинг оппоқ думбасига туртди:

– Тур-э, эркак бўлмай ўл!

Шунқорнинг иззат-нафси лат еди. Бундан кўра ўша шармандали ишнинг рўй бергани маъқул эди: ҳам шарманда бўлди, ҳам хатарда қолди. У бир зум гарангсиб турди, сўнг сапчиб ўрнидан қўлди. Кўзига оиласи ҳам, Наргиз ҳам кўринмади. Видеокамерани юлқиб олмоқ бўлиб Сотимбойга ташланди.

– Бер бу ёққа камерани!..

Шохлашаётган иккита ҳўкизнинг жангини бир чеккада онадан ҳозир туғилган кўзичоқдеккина бўлиб кузатиб турган Наргиз эс-ҳушини батамом йўқотган – шундан нима воқеа содир бўлаяпти-ю, кимнинг ким эканини ҳам фарқламай қолганди. Тимдалашиб-юмдалашаётган эркаклардан тисарилиб орти билан дазмол столига урил-

ди. Хушёр тортди. Кейин қўлига оғир чўян дазмолни олди. Ҳозирча нима қилмоқчи эканини билмаса ҳам аста-аста олдга қараб силжий бошлади. У орада кечган шу фурсат ичида жуда кўп нарсадан мосуво бўлганини фаҳмлади. Уятдан яширинадиган жой, аламдан қутуладиган бир имкон ахтарди. Ўзини шундай шармандали аҳволга тушишга сабабчи бўлган – мана бу икки ҳўкиз кўзига ёмон кўриниб кетди. Иккаласини ҳам мажақлаб, боши оққан томонга кетишни хаёл қилди. Оғир чўян дазмолнинг зарбидан юзига сачраган қон уни ҳушига келтирди. бошидан тизиллаб қон отилаётган Сотимбойнинг қўллари остидаги рақибининг бўғзидан бўшалди. Бир пас тек қотиб турди-да, сўнг шилқ этиб ёнига ағдарилди. Наргиз охишта чинқириб юборди...

Фарангис Наргиз пиёлага қуйиб берган муздеккина минерал сувдан ичиб бир оз ўзини босиб олди.

– Биласанми, Наргиз, назаримда уни ўлдиришди!..

– Кимни? – Шосалимни ўйлаб саросималанди Наргиз.

– Жобирбекни!

– Ҳа-а-а, шунга шунчами?! Эрингизга қайғуряпсизми дебман.

– Намунча, дийданг тош бўлмаса? Ахир, энди ҳаммамиз хавф остидамиз. Энди...

– Қўйсангиз-чи, опа! Роса ваҳима қиласиз-да. Хавф бартараф бўлди, десангиз – мана бу бошқа гап!

– Қандай қилиб?

– Ҳозир биз учун Жобирбекнинг сирларимиздан воқиф бўлиб қолгани энг катта хавф эди. Мана энди ундан қутулибмиз. Энди... – Наргиз тилига қалқиб чиққан кейинги жумлаларни айтмади. Фарангис оқаси бўлса ҳам Шосалимни ундан олиб қўйгани учун, опанинг сингилда озгина адовати бор эди. Шунинг учун гапни бошқа ёққа бурди: – Энди сиз ҳам тинч яшайсиз! Мухбир қиз ниқобидаги кирдикорларингиз фош бўлишидан чўчимасангиз ҳам бўлади.

Наргиз ҳам Шосалим билан танишгунгача опасининг у билан кечирган саргузаштларини оғринибгина ҳазм қилиб келарди. Гарчи рашки мантиқсиз бўлса ҳам Фарангисни ундан қизғанар эди. Шунинг учун ҳам опасининг муҳаббатини қозонган Жобирбекнинг ўлиmidан заррача ҳам қайғурмади. Аксинча, энди мана бу кошонани ўз номига ўтказиши, Сотимбойнинг ўлими туфайли узилиб қолган кайфу сафо турмушини давом эттириши мумкин...

Наргиз бу каби ҳолатни бошидан кечирган: қўли қонга бўялган жувон эканини опаси қаёқдан билсин! Сотимбойнинг жонсиз танасидан қутулиш учун кечирган дамларини-чи? Эрининг танасини қисм-қисмларга бўлақлаётган жазманининг ёнида туриб қарашиб турган чоғдаги изтироблари, қийма-қийма бўлган одам вужудидан кўзи тиниб йиқилганини опаси билмайди. Ўшандан бери гўштни кўрса кўнгли айнийди. Кўнглига яқин одами Шунқор билан ҳам ортиқ шакарғуфторлик қила олмади: бир-икки уннаб кўришди, аммо аввалгиларга ўхшамасди. Тўшақка киришди дегунча, ўша воқеалар даҳшатидан Наргизнинг устидан кимдир совуқ сув қуйгандек бўлар – туйғулари ўчарди қоларди.

Шунқор ҳам шу воқеадан кейин анчагина ўзига кела олмай юрди. Ҳаловати йўқолди унинг ҳам. Айтишича, кетида Сотимбойнинг туфлисидан қолган из муҳрланиб қолганек туюлар эмиш. Кўринмайдиган жойда бўлса ҳам, ўтириб-турганида, одамлар ичида юрганида худдики ҳамма унинг орқасига қараётгандек, ноқулай сезар экан ўзини. Иккиси ҳам муносабатлари ортиқ бундай давом

этиши мумкин эмаслигини фаҳмлашди. Уруш-жанжалсиз, гина-кудратсиз бир-бирларидан узоқлаша бошлашди. Айниқса, Наргиз учун бу айрилиқ оғир кечди. Эрининг хайхотдек кошонасидаги фаровон ҳаётидан ажрагани етмагандек, жазманининг кулбасидаги миттигина шодлик ҳам унга насиб қилмади.

«Кимнингдир ўлими деб, ўз хузур-ҳаловатидан кечадиган аҳмоқ йўқ!» Тош санамга айланган Наргизнинг кўнглидан шу ўй кечди. Ёмон гап, ножўя фикр илонни инидан, мусулмонни динидан чиқаради, деганлари бор гап экан. Фарангис шу топда ҳиссиз бут-санамга сиғиниб, нажот истаб ўтирган маъжусийга, Наргиз эса, улкан бир тош танага ўхшарди. У опасининг ёзғиришларига батамом нуқта қўймоқчи бўлдимми ёки ўзининг мудҳиш қотиллигини оқламоқчимми, ҳарқалай кескин бир ҳаракат билан ўрнидан турди:

– Бас! Одам ўлиш учун туғилади!..

56

Жиноятчи гуруҳ устидан олиб борилган тергов ишлари узоққа чўзилмади. Факт ва далиллар яна бир карра ўз тасдиғини топди. Иш судга оширилди. Фақат Шунқор масаласида тергов ишларининг кўлами бир оз кенгайди. У аввал ҳам тошкентлик бир савдогар йигитнинг ис-сиз йўқолиши муносабати билан сўроқ берганди. Ана шу ечимсиз қолиб келаётган жиноят бўйича унинг устидан яна бир иш кўзгалди.

Шосалим ҳибсга олинган куни бу воқеа бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди. Барчанинг оғзида бир гап: «Ёпирай, Жобирбекни дўсти ўлдирган экан. Ким ўйлабди дейсиз?!»

Биргина шу маълумот бекорчиликда сафсата сотиш учун озлик қилар эди. Шундан сафсатагўйлар қўшиб-чатиб ўзлари тўқиган тахминларни сўзлаб юришди. Эмиш-ки, «Шосалим билан Жобирбекнинг хотини дон олишиб юрган эмишлар. Иккиси бир бўлиб Жобирбекни ўртадан олиб ташлаш режасини тузган эмишлар. Шосалим бор-йўғи ижрочи, аслида бу ишларнинг бошида хотини...».

Гулчеҳра «миш-миш»лар дастидан кўчага ҳам чиқа олмай қолди. Терговга чақиришган чоғлари ғизиллаб прокуратурага ўтиб келар, бошқа пайтлари уйига қамалиб олиб, хонасидан ташқарига чиқмасди. Бир гал отаси билан эрининг жасадини кўриб, тасдиқлаш учун «морг»га бориб келди. бир уюм суякни кўрсатишди – Жобирбек, деб. Ҳушидан кетиб, йиқилиб тушишига оз қолди. Атрофдагилар суяб қолишди. Ўшандан бери уни ҳеч ким кўрмади. Сўзини эшитишмади. Болаларини ҳам ҳеч қаёққа чиқармади. Фақат Асқар ака аҳён-аҳён ул-бул бозор-ўчар ташлаб кетар эди. Бир куни кечки пайт қайнотасининг хузурига ўтди:

– Дада, бунчалар тошбағир бўлмасангиз! Бирор нима денг ахир! Одамлар мен ҳақимда ёлғон сўзлайдилар. Мен ўғлингизга қарши фитна қилмаганман – ишонинг! Аммо... у кишининг ўлимига мен ҳам айбдорман! Калтабин келин-нингизни сўкинг, уринг – кечиринг мени отажон!

Йиғлаб-ёлвораётган Гулчеҳра бошида қайнотасининг қалтироқ кўллларини сезд:

– Мени-чи? Мени ким сўкиб, ким уришади?! Ўғилларимнинг заволига аслида энг катта айбдор – мен-ку! Қодирбекнинг онасига ортиқча меҳр берган эканман. Шу меҳрнинг қурбони бўлдим. Болаларимга бало-қазо яқинлаштираман деб, ўзимга ортиқча бино қўйган эканман. Мана, жабрини тортаяпман! Ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғини солмасин, тур, болам, боламнинг болаларини ўқситма – Худо сени ёрлақасин.

Отанинг кўзларидан дув-дув ёш оқди. Гулчеҳра учун бу кутилмаган ҳол эди.

– Сиз ўғлингизни кечирдингизми? Ахир ўликхонада...

Ота бир нима демади. Бир нуқтага тикилганча туриб қолди. Кейин яна ўша сўзни такрорлади: «У менинг ўғлим эмас! Ўликхонадаги жасад Жобирбек эмас!».

Гулчеҳра бир зум каловланиб қолди. Тагдор қилиб айтилган сўзнинг мағзини чаққач, «ялт» этиб отасига ўғирланди.

– Ота... Ўғлим тирик демоқчимисиз? Бунга асос қани?

«Танаси чириб кетган экан. Балки, вужуд униқидир, аммо бош чаноғи... Унинг жағида ясама темир тиш йўқ эди...» – ўйлади ота. Аммо дилидагини тилига чиқармади

– Ота, сизга шундай туюлгандир? Балки шундоқ бўлишини хоҳлаганингиз учун ҳам...

– Билмадим! Билмадим! Ҳарқалай энди мен ўлгунимча шу умидга таяниб яшайман. Сен эса... – сўзини давом эттира олмади. Кўзлари яна жиққа ёш билан тўлди. – Сен аза очиб, эрингдан ажраганингни элга маълум қил.

Гулчеҳра шу бир ҳимога маҳтал турганди. Отаси айтган аччиқ ҳақиқат бўғзида тикилиб ётган йиғини етаклаб чиқди. У хўнграб йиғлаб юборди:

– Во-о-о-о тўрам, во жўрам! Ҳай шоҳ Ҳусан, ай ал-видо!...

57

Акмал яқин орада бу қадар мириқиб ухламаган эди. Эрталаб тиниқиб уйғонди. Хотини, нонушта тайёрлап тишекилли, ошхона томондан унинг енгилгина оёқ товушлари эшитилиб турарди. У туриб кийинди. Ваннада юз-қўлини ювиб артинаркан, кўзгудаги аксига боқиб бир фурсат туриб қолди: «Ойнага қарамаганимга ҳам анча бўлибди. Қанчадан-қанча одамлар билан юзма-юз бўлдим. Қувонч ва қайғуларини тинглаб ҳамсуҳбат бўлибман-у, ўзимга ўзим қарамай қўйган эканман. Аҳён-аҳён кўзгу олдида туриб, ўз-ўзинг билан суҳбатлашсанг ёмон бўлмайди». Жобирбекни эслади. У ҳам кейинги пайтлари иш деб, хизматчилик деб оиласидан узоқлашиб борган. Корхона атрофида кечаётган қингир ишларни сезмаган. Айниқса Шосалимнинг кирдикорларини пайқаманган. Эр-хотин юзма-юз ўтириб дардлашмаган. Оқибати эса...

Акмал шу лаҳза хотини ҳақида ўйлади. Муносабатлари аввалгидек илиқ эмасга ўхшаб туюлди. Бир пайтлари хотинини уйқудан уйғота олмай хуноб бўларди. Ўрнидан туриб, уйқудан кўзларини оча олмай, тўшақда мудраб ўтиришларидан завқланарди. Ёшгина қизалоққа ўхшаб, «яна о-о-озгина ухлаб олай», деб ёлворишларини хуш кўрар, «шундай қилаверсангиз сиз билан гаплашмай қўяман», деб нозланишларини ёқтирар эди. Энди ахвол тамоман бошқача. Эрталаб қачон уйғониб, тўшақдан қандай сирғалиб чиқиб кетишини ҳам сезмай қоляпти. «Ё мендан кўнгли совудимикин?» Хаёлида кечган бу ўйдан сесканиб кетди.

Нонушта учун тузалган стол устига оқ доқа ёпиб қўйилган. Хотини балконда, дераза олдида кўчага қараб турарди. Аразлагандек орқасини ўгириб олган. Бу ҳолат Акмалнинг кўнглида ғимирлай бошлаган миттигина шубҳани тасдиқлагандек бўлди.

Эрининг оёқ товушини эшитиб хотини унга томон ўғирилди.

– Нонушта тайёр! Сизни кутаётгандим.

– Нонуштани қўя тур. Бир пас мана шу жойда, сен билан ёнма-ён турсам дегандим. Буни қара, кечагина қиш эди. Энди мана, ҳамма ёқ яшилликка бурканибди.

– Ҳа, бу йил киш чўзилиб кетди.

Акмалга хотинининг гапи гинага ўхшаб туюлди. Қулоғига у: «бу сафар ишингиз чўзилиб кетди» қабилида эшитилди.

– Ҳа, киш ҳам, иш ҳам бир оз чўзилди. – Акмал хотинининг елкасидан кучиб, бағрига тортди. – Энди ҳар қандай шароитда ҳам сени ёлғизлатиб кўймайман!

Хотини унинг пинжиги яна яқинроқ сурилди. Бу ҳол Акмалга, боя кўзга олдида кўнглидан кечган андишаларини айтиш имконини берди: «назаримда, мендан қаттиқ ранжиган кўринасан» деб якунлади у гапини. Эрининг сўзларига жилмайибгина қулоқ тутган Нилуфар ёқимтой чеҳрасини унга томон ўгирди.

– Муносабатларимиздан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Акмал нонушта чоғи ўғлининг ўқиши, рўзгорнинг камқўсти билан қизиқди. Дам олиш куни оилавий тоғ сайрига чиқамиз деб ваъда берди.

– Унгача иш якунига етади. Бугун Худо хоҳласа, суд ҳукми ўқилади.

Кийиниб ишга отланаркан, Акмал йўлакдаги ойна олдида яна бир зум тўхтади. Аксига термулиб қолди. Сочининг икки толасига оқ тушибди – энди пайқайди.

58

Судга келган одамлар залга сиғмай кетди. Жараён узоқ давом этди. Орқада тик туриб қолганлар ҳам ҳукм ўқилмаганга қадар тарқалишмади. Жиноят иши бўйича прокурор айблов хулосасини ўқиб эшиттирди. Оқловчи эса ўз ҳимоясидаги кишиларнинг жиноятларини юмшатиш учун турли важа ва сабабларни рўқач қилди. Гувоҳлар бир-бир қақририлиб, кўрсатмалари тингланди. Шу иш юзасидан судга гувоҳ сифатида тақлиф этилган Наргиз Сотимбойга суиқасд қилганликда айбланиб, суд залида ҳибсга олинди. Жиноятчиларни назорат қилиб турган милиционерлар уни темир панжара билан ўралган айбдорларнинг қора курсисига ўтказиб кўйишди. У Шосалим, Шунқор ва Қиличнинг ортида бошини қуйи эгиб, мунғайиб ўтирган опаси Фарангис ва собиқ дугонаси Сакинанинг сафидан жой олди.

Шу пайт биринчи қаторда ўтирган кекса аёл чинқириб юборди. У ёлғизгина фарзандининг ҳажрида мункайиб қолган, эрини тупроққа топшириб бу ҳаётда на қувонч ва на орзу-умиди қолмаган муштипар она – Сотимбойнинг волидаси эди. Собиқ келини бўлмиш Наргиз ўғлининг қотили бўлганини ҳозир билди. Буни юраги кўтара олмади. Уни суд залидан олиб чиқиб кетишди.

Нихоят суд ҳукм олдидан маслаҳат учун зални тарк этди. Одамлар орасида шовур-шувур кучайди. Барча жиноятга берилажак жазо ҳақида гапирарди. Қулоққа тез-тез бир жумла: «Отиш керак бу маразларни» деган гап чалинарди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шундан ҳеч ким Асқар ака кичкина қизчани кўтариб кириб келганини ҳам, уни ғамдан адо бўлиб, дунёга бефарқ бўлиб қолган

Гулчеҳранинг қўлига топшириб чиқиб кетганини ҳам пайқамасди.

Суд залига ёш болалар киритилмагани учун Гулчеҳра уни машинада ҳайдовчининг ёнида қолдирганди. «Ойимга бораман», деб хархаша қилаверганидан, Асқар ака қизчани танаффус пайти ойисига келтириб беришга мажбур бўлган эди.

– Ойи! Ойи-ж-он бу йейда нима бўлаяпти, консейтми?– қизчасининг силкилашларидан Гулчеҳра хушёр тортди. – Ойи, нимага дадам кеймадийа? У киши кансейт кўймайдийайми?

Гулчеҳра қизи ташқарида Асқар акани роса қийнаганини фаҳмлади. Қўлида шоколад пайдо бўлибди. Ҳойнаҳой, овунсин деб Асқар ака олиб берган.

– Даданг келмайдилар, қизим! – Уни ё ўзини юпатмоқчи бўлиб сўзлади Гулчеҳра, – Дадангни ана у одам яшириб кўйган. Бизга қайтариб бермаяпти!

Қизалоқ ойиси кўрсатган томонга ўгирилиб қаради. «Ийэ, Шосалим амакиси-ку?!» Бир зум ўша томонга тикилиб қолди. Эҳтимол мурғаккина тасаввурида ўтган айрим воқеалар жонлангандир?

Ўшанда, Шосалим ҳар гал дадаси билан кетаркан: «Энди мен дадангни олиб кетаман, майлими», деб сўрарди. Қизалоқ йўқ деб дадасининг оёқларини кучиб олар, Шосалим амакиси эвазига шоколад бергач эса унга рухсат этган бўларди. Шунданми, Гулҳаё ойисининг қўлида типирчилаб, кутилмаганда баланд овозда: «Шосам амаки, Шосам амаки» деб унга томон талпинди. Зал бирдан тинчиб ҳамманинг нигоҳи Жобирбекнинг беваси ўтирган курсига қадалди.

– Уни амаким, дема, қизалоғим. Ҳатто аллаким ҳам дема, у алланима, алламбало!..

Гулҳаё ойисининг гапларига тушунмади. Типирчилаб унинг кучоғидан сирғалиб тушди-да, айбдорлар ўтирган томонга чопқиллади. Яқин боргач, конвойлардан чўчидими ёки темир тўсиқдан ўта олмаслигини пайқадими, сал берида тақа-тақ тўхтади:

– Шосам амаки, – деди у ялинчоқ бир оҳангда, – сиз дадамни яшийиб кўйдийизми? Дадамни топиб бейинг – мана шижга шакаяд бейайми?

Қизалоқнинг кутилмаган бу чиқиши юракларни ўртагудек эди. Одамлар ичида ўтирган тошкентлик амаки – санатория боғбони ўзини тутта олмади. Унинг сўзлари Шосалимга тикилган барча кўзларнинг, юраклардаги барча сўзларнинг ҳукми бўлиб янгради:

– Ҳе ойингни сен палидни! – алам ва изтиробдан андишани унутиб бўкириб юборди у. – Уйинг куйсин, қизталоқ, уйинг куйсин! Энди ҳамма боласининг дўстидан шубҳаланади-ку, мараз! Сенинг болаларинг билан энди ким ошначилик қилади?! Энди қандай бош кўтариб юрасан-а?! – Амаки тутатқаниданми ёки нафаси етмадими, бир зум жим қолди-да, сўнг Акмал дафтарида кўчириб ёзган «Ром»нинг чатилгани боис тикланмаган ҳарфини ифода эгувчи сўзни айтди: – Қора қузгун!..





Қозоқбой ЙЎЛДОШ

УЗУН ЙЎЛ БОШИ ЁКИ ЭРКИН СЎЗ УМРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев замонамизнинг забардаст адибларидан бири эди. Умр вафо қилганида улугъ ёзувчимиз шу кунларда муборак 70 ёшга тўлар эди. Афсус...

Аммо таскин ва юпанч борки, Шукур акадан бой ижодий мерос қолди. Ўзи ҳам иқрор бўлгандек ҳикоячилик жанрини янги босқичга кўтара олди. “Шарқ” нашриёти 2003 йилдан буён адибнинг 4 том сайланма асарларини чоп этди, ҳали қанча қисса, роман, эссе, яна қанча ҳикоялари бор. Барчасини жамласа эҳтимол 10 жилддан ошса керак. 3-жилдда “Эна қизим Сайёражон!” деб номланган икки бетдан иборат сўнгсўз (балки васият)ида ёзувчи жаҳоннинг Р.Тағор, Э.Хемингуэй, Ж.Лондон, О.Генридай доврўқли адибларидан ҳам кўра кўп ва хўп ёзганини ифтихор билан таъкидлайди. Ана шу 3-китоб қўлёзмасини ўқиб чиқиб “ахир булар – дуру гаёҳар, шедеврлар-ку!” дейди ҳайратланиб. Ўн саккиз йил бадалида бирор мартаям китоб чиқаришга қизиқмай, фақат ёзиш завқи билан яшаган устоз адиб мана шундай, ўз ижодий маҳсулотларининг ҳайбати ва сифатидан туйқус ҳайратини яширмайди.

Ростдан ҳам Шукур ака адабиёт, хусусан, наср учун ҳаётнинг бошқа неъматлардан, ҳамма нарсадан воз кечиб, ижодни эътиқод билиб яшади. Адабиётда мана шундай фидоийлик билангина ўрин қолдириш мумкинкинлигини исботлади.

Албатта, одамга Худойим берган истеъдод, маҳорат бўлмаса бу “кўп” асарлар қуруқ тарозибосар макулатура бўлиб қолар эди. Ш.Холмирзаев асарлари минбаад ундоқ эмас. Керак бўлса деярли ҳаммаси ўқилади.

Ш.Холмирзаев мустақиллик йилларида жуда баракали ижод қилди. Замонавий мавзуда бир-бирдан гўзал асарлар битди. Роман, қисса, ҳикоя, эсселар... Дарвоқе, таъкидлаш жоизки, худди ҳикоячиликдаги каби муҳтарам устозимиз эссе жанрининг ҳам жуда катта имкониятларини кўрсатиб бера олди. Уларда ўнлаб машҳур замондошларимизнинг конли маънавий қиёфаларини маҳорат билан чизди.

Адибнинг ўлмас руҳи олдида бош эгиб дуо қиларканмиз, асарлари ҳали дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам қадр топиб, севиб ўқилишига астойдил ишонгимиз келади.

Биз қуйида адабиётшунос, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг Ш.Холмирзаев хусусидаги бадиасини ҳавола этаётимиз. Ўйлаймизки, бунда Шукур аканинг ёзувчи сифатидаги баъзи қирралари, фавқуллодда қудрати намоён бўлган...


Таҳририят

Бадиий китобга қизиқиб, муаллифларни бир-биридан фарқлай бошлаганимдан буён Шукур Холмирзаев номи эшитиб, унинг асарларини ўқиб келаётган бўлсам ҳам, ўзини илк бор ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ёзувчилар уюшмасида бир йиғинда кўрдим.

Бошида қачон олингани номаълум ўша машҳур похол шляпа, асли хаёлчан қиёфасидаги паришонхотирликни янада кучайтирган Шукур ака йиғиннинг охирида раёсатга қарата: «**Мен... Мен ҳам бир оғиз сўз айтсам бўлама?**» – деди-да, сўз берилишига ишонган ҳолда жавобни ҳам кутиб ўтирмай, орқароқдаги жойидан юриб келаверди. Ўша кунни нима дегани ҳозир тўла эсимда бўлмаса-да, унинг билимдонлиги, фикрларининг қутилмаган ва ўзига хослиги мени қойил қолдирган эди. Ёдимда: у ёш ёзувчилардан бири, менимча, Шойим Бўтаевага қарата: «**Ҳар бир одамнинг оти унинг қайси миллатга мансублигини ҳам билдириб туради. Масалан: «Хол-**

мирза» бўлса, ўзбек; «Холмирзо» бўлса, тожик, «Халмурза» бўлса, ўрис, «Қолмирза» бўлса, қирғиз ё қозоқ экани билинади. Сизнинг қаҳрамонларингизнинг отларидан кимлигини билиб бўлмайди. Бунга эътибор қилиш керак», – деганди. У вақтларда мен бу хил йиғилишларга атай Гулистондан келардим, ҳали ижодкорларнинг биронтаси билан ҳам шахсан таниш эмасдим. Бу гап Шойимга айтилган бўлса керак деб чамалаётганимнинг сабаби унинг асарларидаги қаҳрамонларнинг оти менинг ўзимда ҳам шунга ўхшаш фикр уйғотарди.

Шукур ака булбулигўё нотиклардан эмасди. Аммо у кўп нарсга биларди ва айтиш керак деб ҳисоблаган гапини ўзига ёқадиган йўсинда унчалик қисинмай айта оладиган эркин одам эди. Ҳали гапирмай туриб, фалончи нима деркин деб хавотирланиб, қўлидан келгунча ўзини яшириб яшашига интиладиган одамлардан иборат муҳитда бу сифат жуда камёб эди.



Хуллас, Шукур ака гапани айтиб бўлди-да, сахнадаёқ чўнтагидан арзон сигаретасини чиқариб, раислик қилаётган кишига: **«Битта чекиб келсам майлима?»** – дея ташқарига йўналди. Шу вақтгача у кишининг гапларидаги мантиқ мени ром қилган бўлса, энди унинг тутулларидаги эркинлик (балки, ўзига ярашиб турган эркаликдир бу) лол қолдирди! Билдимки, у ўрнатилган тартибларга тушадиган қолипдаги одам эмас. Буни ўзиям билар ва ўрни келиб қолганда, атай намойиш этарди. Унинг бу ройиши феълидаги ўзига хосликдан ташқари, қолипга сиймайдиган одамнинг қуюшқонни истовчиларга ўзига хос исёни ҳам эди!

Эларо машҳур, ўзининг бошқалардан бошқачароқ эканини билган ҳар қандай одамнинг феъли-хўйида бир қадар артистлик бўлади. Чунки таниқлилик ҳар қандай кишидан, ҳозирги тил билан айтганда, «имиж»ни тақозо этади. Шукур Холмирзаевда-ку артистлик жиҳати инчунун эди. Сабаби у кишининг табиатида азалдан ўзгага кўча билиш, бировнинг ҳолатини унинг ўзидан-да теранроқ туйиш қобилияти бор эди. Ундаги айна шу жиҳатни буюк отдоши Шукур Бурҳон ўз вақтида пайқаб, унга Ҳамлет ролини берганди.

Ҳар қандай ўқувчи сифатида мен ҳам Шукур аканинг шахсига қизиқиб қолдим. Лекин у кишига яқинлашиш, танишиш ҳақида ўйлашга ҳам ботинолмасдим. Аммо тақдир меҳрибонроқ чикди: вақти келиб мен бир муддат Шукур аканинг Дўрмондаги хонасига деярли кўшни бўлиб қолдим ва бир қадар яқинлашиб кетдим.

1991 йилнинг эрта кузаги эди. Кўпчилик мустақиллик эпкинларидан маст бўлиб, сўз хурлигидан мириқиб-мириқиб фойдаланиб юрган дамлар... У вақтлар Дўрмонда хусусий чорбоғлар қурилмаган, Шукур Холмирзаев Ёзувчилар дам олиш уйининг учинчи қаватида пиллапоянинг тўғрисидаги ўша машҳур хонасида яшарди. Ҳукуматнинг топшириғи билан бир гуруҳ олимлар адабиёт бўйича тузилган дастурни такомиллаштириш ва шу дастур бўйича адабиёт дарсликларини ёзиш учун Дўрмонга таклиф этилганди. Муаллифларнинг кўпчилиги Тошкентдан бўлиб, улар орасида марҳум проф. Акрам Каттабеков домла билан мен гулистонлик эдик.

Ижодий гуруҳ аъзоларининг кўпчилиги Дўрмондаги вазиятни яхши биладиган кишилар бўлганидан ҳар ким ўзига маъқул жойни танлаб олди. Айтиш керакки, олимларга жуда яхши шароит яратиб берилганди. Ҳамма биринчи ёки иккинчи қаватдан жой олишга ошиқарди. Дўрмонни биринчи бор кўриб турган, бу ернинг пасту баландини билмайдиган одам сифатида хоналар тақсимотининг охиригача кутиб турдим. Ва... гуруҳдагилардан ёлғиз менга учинчи қаватдан жой теғди.

Муҳими, мен ўзим билмаган ҳолда Шукур Холмирзаев билан деярли кўшни бўлиб қолдим. Ҳар куни эрталик, тушлик, кечлик маҳали даврада Шукур ака кечирмиш воқеалар ҳақида гап бўларди-ю, негадир, ўзи кўринмасди. Бунга сари менинг қизиқишим ортарди. Ниҳоят, орадан бирор ҳафтадан мўлроқ вақт ўтиб, ёзувчига йўлиқдим. Негадир доим кечликдан сўнг гурунглашиб ўтирадиган, кўпинча жамоа бўлиб Дўрмон боғларини биргалиқда айланадиган олимлар ўша куни қандайдир хавфни сезган полапонлардай жойларига тезгина тарқалишди. Ёлғиз ўзим кечки салқинда бирпас боғ айландим-да, хонамга кириб ишламоқчи бўлдим. Пиллапоялардан учинчи қаватга чиқиб, Шукур аканинг хонаси ёнидан эндигина ўтиб кетаётгандим, ярим очик эшикдан сочлари тўзгиган ёзувчи бошини чиқариб, юзимга қаради-да: «Салом! Қани бу ёқча кириш», – деди. Бу таклифдан кўра, амрга ёвуқроқ эшитилди.

Бундай бўлишини кутмаганим учун шошиб қолдим. Қайтадан салом бериб, сўрашдим. Ўзимни таништирдим. **«Вой, айнонайн! Қозоқбой деганлари сизмисиз, Сизни биламан»**, – деди Шукур ака. Қувониб кетдим. Чакана гапми, шундай одам мени билса?! Ўша кунги кутилмаган тонготар суҳбатимиздан менга маълум бўлдики, кўпчилик

ижодкорлардан фарқ қилароқ, Шукур ака ўзбек адабиёти-ни ҳам, адабиётшунослигини ҳам мунтазам ўқиб борар экан. Шу куни ёзувчи мўлжалдаги ишини битириб, дам олишга тушган экан.

Тониг бўлдимки, Шукур ака қаттиқ ишларди. Ёзаётган пайтида тўлиғича асарига кўчиб ўтар, қаҳрамонларининг хаёли билан яшар, уларнинг орасидан чиқиб кетмаслик учун ҳеч ким билан гаплашмас, мабодо юзма-юз келиб қолганда ҳам олдидаги одамни танимас ёки ўзини танимаганга солиб кўя қоларди. Чамаси, адиб ҳам вақтини қизганарди, ҳам ҳолатдан чиқиб кетишдан қўрқарди.

Ишлашига яраша у кишининг дам олиши ҳам қаттиқ бўларди. Уйлайманки, у кишининг дам олиши ишидан-да оғир кечарди. Чамаси, ёзувчи асарларида тасвирланган шароитга шунчалик кўчиб ўтардики, асар битгандан сўнг ҳам у ердан осонлик билан чиқиб кетолмасди. Шу боис хотираси ва руҳиятидаги эски «ёзувлар»ни ўчириши керак бўларди.

Салкам уч ой мобайнида мен ўнларча марта ўшандай суҳбатдош бўлдим. Ва бизнинг ўзига хос гурунглари-миз то адиб умрининг охирига қадар турли даражадаги мунтазамлик билан давом этди. 1991 йил ноябрининг охирида ана шу гурунглиримиз натижаси ўлароқ бир нарса ёзиб, ёзувчи ва олим Хуршид Дўстмуҳаммадга кўрсатгандим. Бу битикдан Шукур ака ҳам беҳабар кетди.

Ўшандаги суҳбатлардан бирида, нима бўлди-ю, мен 7-синф дастурида М. Шайхзоданинг «Тошкентнома»сидан парча берилгани, асар бу ёшдаги болаларга ўнчалик мос эмаслиги тўғрисида гапириб қолдим. Шукур ака Шайхзоданинг «Йилларнинг саломин йилларга элтиб...» шеърини тўла ёддан ўқиди ва ўн тўрт яшар ўсмирларга ана шунга ўхшаш шеърларни ўргатиш фойдалироқ бўлишини айтди. Мен адибнинг хотираси ва билимдонлигига қойил қолдим. Шукур аканинг таклифини гуруҳдагиларга амаллаб ўтказдим. Ўша асар киритилди. Узоқ йиллар мобайнида ўрта мактабнинг 7-синфи ўқувчилари бу гўзал фалсафий шеърдан баҳраманд бўлишди.

Шукур аканинг табиатида менинг эътиборимни тортган энг бирламчи сифат унинг ҳаддан ташқари табиийлигидир. Ҳатто, унинг сунъийликлари ҳам табиий бўларди. Шу боис унга бир марта алданганлар ҳам яна қайта ёзувчининг «тузоғи»га илинаверишарди.

Ўнчалик ҳозиржавоб бўлмаган, ҳатто, эшитган гапни-нида, бирданига англайолмаётгандай эловсираб турадиган Шукур ака, ўрни келганда, турли шумлиқлар қилишни ҳам жойига кўярди. Чунончи, кимнидир «тушириш» керак бўлганда, адиб ўз қурбони бўлмиш объектни шу қадар беҳато топар ва унга шунчалар пухта ишлов берар эдики, «объект» Шукур аканинг ёнига кириб, унинг йўлига юраётганини билмай ҳам қоларди. Мен буни Шукрулло, Исоқ Ўктам, Турғунбой Ғойиб ва турли вилоятлардан келиб турадиган бошқа бир қатор катта-кичик ижодкорлар мисолида ўз кўзим билан кўрганман. Ўзим қаториларни айтиб ҳам ўтирмайман. Бизлар учун Шукур акага «ем» бўлиш жуда ёқимли туюларди. Ва бу ҳақда мақтаниброқ гапириб юрардик.

Шукур аканинг феълида, адабиётимизнинг намояндаларига муносабатда ҳам ўша табиийлик устувор бўларди. У ёзганларини тушунолмаётган ёки қабул қилишга қийналаётган ижодкорлар ҳақида очиқчасига гапирарди. Дейлик, у анча вақт талантли шоир Фахриёрнинг шеърятини қабул қилолмай юрди. **«Бу бола нима демоқчи ўзи, у нега мунча тилини бураб сўзлайди?»** – деб қоларди баъзан. Мен ҳар сафар Фахриёр шеъриятидаги диққатга лойиқ бирор жиҳатни кўрсатишга интилардим. Далилларим у кишини қониқтирса, **«Вў, уккағар-е, жуда ақлли-ку бунингиз»**, – деб кўярди. Назар Эшонқулнинг ёзганларига кўникиши ҳам оғир кечарди. Ёш ёзувчиларда тил қашшоқлиги, уларнинг битганларида ўзбек тилининг таровати, имконияти бор бўйича кўринмаётганидан норози бўларди.

Шукур аканинг адабиётдан ортиқ нарсаси йўқ эди. У киши адабиёт учун ва фақат адабиётда мавжуд эди. Лекин у адабиётдан манфаат қидирмас, уни ўзига хизмат қилдириш мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг учун адабиёт яшашнинг шакли эди. Холбуки, адабиётни терикчиликка восита қиладиган кишилар қанча... Шоира ва журналист Нилуфар Сафо билан бўлган бир суҳбатда журналистнинг: **«Хар бир инсон ўз ишига, ўз соҳасига фидойи бўлиши керак. Сиз адабиётшунослар орасида бу хислатни кўпроқ кимларда кўрасиз?»** – деган саволига шундай жавоб берган эканман: **«...Сўз одамлари орасида мен фақат Шукур Холмирзаевнигина адабиёт фидойиси деб айта оламан. Шукур ака ўзидан кўра адабиётни кўпроқ сеемоқнинг удасидан чиқди. У қулайликлардан воз кечиб, адабиётга хизмат қилишга ўзида куч топа олди. Ёзувчи адабиётни ўзига хизмат қилдирмади, аксинча, бир умр унга хизмат қилди. Шу боис адабиёт ҳам Шукур Холмирзаевни астойдил ёрлақди. Аслида ҳам адабиёт ижодкорга ҳеч нарса бермай туриб, ундан курбонлик сўрайдиган ҳодисадир.**

Адабиётни ўзига хизмат қилдирган ёзувчилар эса жуда кўп, лекин бадиий сўз, вақти келиб, улардан ўч олади. Танқидчилар орасида афсуски, бундай шахсни кўрсата олмайман. Чунки танқидчилар – эл қатори, рисоладаги одамлар. Рисоладаги одамларнинг эса фидойиликдан ташқари ҳам бир дунё мажбуриятлари бўладики, улар одамга ўзини фидо қилиш имконини ҳам бермайди. Лекин адабиётга қўлидан келганча ҳалол хизмат қилган адабиёттанувчилар ҳам иша бўлган ва бор». Ҳалиям шу фикрдаман.

1999 йилнинг охири эди, шекилли, халқ оғзаки ижодини яхши билгани, билганидан ҳам кўра, фолклор асарлари ва уларнинг қаҳрамонлари руҳини туйгани боис Шукур аканинг фикрини олиш учун эндигина тугаллаган «Алломиш» талқинлари» китобим кўлэмасини ёзувчига бердим. Бир ойларга қолмай ўқиб чиқди, кўлэманинг ҳар варағига фикрларини ёзиб қўйибди. Муҳими, китоб у кишига маъқул келибди. Шундан сўнг китобни олимларга кўрсатганман ва «Маънавият» нашриётига олиб борганман.

Кўпчилик ижодкорлар сингари Шукур ака ҳам кайфият одами эди. Кўпчиликдан фарқли равишда у ўз кайфиятини пардалашга уриниб ўтирмасди. 2000 йилнинг кўкламида адибнинг Дўрмондаги кулбасига бориб қолдим. Вақт тушга яқин эди, шекилли. Шукур ака жуда тажанг, ўзича кимнидир бўралаб сўкаётди. Суриштирсам, сўкишлар Азим Суюнга қаратилган экан. Азим ака кадрдон жўрам бўлгани учун сабабини билгим келди.

– Э, бу ноинсоф нодонни қаранг! Анов кун менга бир янги қозон берган эди. Бугун ишлатай деб олсам, аблах, қопқоғини бермаган экан! Энди нима қиламан буни!

– Ҳа, чиндан ҳам ноинсофлик қилган экан шоир. Келинг, манави фанерни қопқоғ ўрнида ишлатамиз, – дедим мен ўзимча қочириқ қилиб.

– Дарвоқе, шундай қилса бўларкан, эсга келмаганини қаранг! – деди Шукур ака самимий жилмайиб.

Шу кун иккимиз ҳам чап томонимиз билан турган эканмиз, шекилли. Узоқ ўтирдик, мириқиб суҳбатлашдик. Анови сабил ҳам керагидан мўлроқ бўлди. Шукур ака гуруннинг адоғида шаънга тегадиганроқ гап қилди. Мен ҳам индамай қўя қолмадим. Хуллас, иккаламиз аразлашиб ажрашдик. Анча вақт у кишини кўришга бормаи юрдим. Шу кунларнинг бирида шоир Турсун Али кўнғироқ қилиб Шукур аканинг Юнусободдаги уйига бормоқчилигини, агар хоҳласам, мени ҳам олиб ўтиши мумкинлигини айтиб қолди. Бу шунчаки тасодифмиди ёки табиатан одамларни бир-бирига яқинлаштириб юрадиган Турсун Алининг билиб қилган ишимиди, ҳалигача тушунолмайман. Ўзимизга хос тайёргарлик билан устознинг бир хонали уйига бордик. Анчадан бери кўришмаганимиз учун жуда

узоқ суҳбатлашдик. Бугунги адабиётнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чикдик. Шеърлар ҳам ўқилди.

Кетаётганимизда, адиб мени тўхтатди. Хонасига қайтиб, ниманидир анча қидирди. Ниҳоят, қидирганини топиб чиқди. Қўлида жигар рангли қорақўл тери бор эди. Миямдан: «Тиктириб бериш керак, шекилли», – деган ўй кечди.

– Бу сизга мендан эсдалик бўлсин. Ёдгорлик деса ҳам бўлаверади, – деди Шукур ака.

Мен буни кутмагандим. Шоша-пиша адибнинг қўлини қайтаришга уриниб, қорақўл терини бошқа нарсаларга ишлатиш маъқуллигини ўқирмоқчи бўлдим. Шукур ака фикрида қатъий эди. Турсун Али ҳам:

– Шукур аканинг қўлини қайтарманг. У киши ҳаммага ҳам совға беравермайдилар, – деди.

Ўша қорақўл тери азиз бир эсдалик сифатида ҳалиям турибди.

Шукур акада майда манфаатлар, ўзини аслидагидан баландроқ кўрсатишга чираниш бўлмагани учун у кишини ёмон кўриб бўлмасди. У билан келишмаслик, фикрига қўшилмаслик мумкин эди. Лекин, уйлайманки, ёмон кўриб бўлмасди.

«ЎзАС»нинг 2008 йил 28 ноябрида Низом Комиловнинг «Сен ҳаётни севардинг» мақоласини ўқиб қолдим. Унда Шукур Холмирзаев ҳақида **«Сен ҳар қадамда ўзингни «Ёлғиз» куйингни хиргойи қилардинг. Биз сенга жўр бўлардик. Аммо ўхшатолмасдик... кейин ҳам ўхшатолмадик»**, – деб ёзади. Эсимга лоп этиб, 1991 йилнинг кузида ёзиб қўйиб, Х. Дўстмуҳаммаддан бошқа ҳеч кимга кўрсатмаган ва оғамизнинг ҳолатидан келиб чиқиб, «Ёлғизлик» деб номлаган қайдларим тушди. Эҳтимол, Низом аканинг мақоласида Шукур ака «тобига келган»да тўхтовсиз айтадиган ўша сўзи ҳам, сўнги ҳам йўқ даҳшатли куй кўзда тутилгандир. Менимча, ўша куй кўзда тутилган. Шукур аканинг куйини Сиз ҳам бир тинглаб кўринг:

ЁЛҒИЗЛИК

Алоҳида талант эгалари алоҳида руҳият ва алоҳида тақдир эгалари ҳамдир. Уларнинг бошқа алоҳидаликлари табиатларидаги алоҳидалиқдан келиб чиқади. Аксарият катта истеъдод эгалари табиатан ёлғиз, атрофидаги энг яқин кишиларга ҳам бегона бўлишади. Уларни юзлаб одамлар ўраб туриши, тинимсиз олқишлаши, қарсақлар чалиши, қойил қолганликларини билдириши мумкин, лекин бу нарсаларнинг бирортаси ҳам талант эгасини ёлғизликдан қутқара олмайди. Чунки улар ҳамма қатори одамлар эмас! Ҳамма қатори ўйлай олмайди. Ҳамма қатори бўлмайди унинг туйғулари ҳам. Дунёни бошқача кўрадиган, атрофни одамлардан бошқачароқ сезадиган қилиб яратган уни қодир Эгам.

Кўпроқ била бошлаганим сари менга Шукур ака бутунлай ёлғиз одам бўлиб туолаверди. Бундай қараганда, унинг ўтбошиси бутун, шогирдлари кўп. Қўли очқлиги, ичишни қотиргани, суҳбати ёқимли бўлгани учун улфатлардан ҳам Худо қисмаган. Лекин у, барибир, ёлғиз. Даҳшатлиси шундаки, бу ёлғизликдан одамлар орасига кириб қутулиб бўлмайди. Эл қатори одамга одамларнинг ораси кифоя қилади. Талантли одам одамлар орасига эмас, одамнинг ичига кирмоқчи бўлади. Кўпчилик одамнинг ичи эса бум-бўш! Ҳар ҳолда меҳр йўқ! Шу боис баъзан Шукур акани ўраб турган одамлар унинг ёлғизлигини тоқат қилиб бўлмайдиган жисмоний оғриқ даражасига чиқариб юборишади. Ва бу оғриқни босиш учун унга банг керак бўлади...

Аслида у киши табиатан ёлғизликни севадиган, шунга интиладиган, одамлардан кўра ўт-ўлану парранда-даррандалар билан тузукроқ тиллаша оладиган одам. Чунки одамдан бошқа нарсаларда фирромлик йўқ. Шукур ака узоқ вақт ёлғиз ишлайди. Ишлаётганда тўй-томоша,

маишат, учрашув у ёқда турсин, одам билан кўришмасам дейди. Кўришмайди ҳам. Мабодо, кўришиб қолганда ҳам танимайди ёки ўзини танимаганга олади. Чунки шу пайтда у ўзи яратган оламда, ўзи яратиб тасвирлаётган одамлар даврасида бўлади. Адбннинг хаёлотни яратган олам тўқис, ундаги одамлар покиза. Чиннидай нафис, гулдай нозик бу оламни ер бандасининг бир оғиз ножоиз гапи чилпарчин қилиши мумкин. Эвоҳки, Аллоҳ яратган бандалар адиб яратган бандаларга қараганда не қадар ғариб, не қадар майда! Шукур аканинг қахрамонлари қанчалар юксак ўйлайдилар, мардона сўйлайдилар, улкан ишлар қиладилар! Шундай оламу одамни атрофидаги майда кимсаларга қараб яратиб бўладими?

Ёлғиз ўзи узоқ вақт мобайнида мўлжалдаги бирор ишни битиргач, Шукур ака дам олади. У одамлар орасига кирмоқчи, улар қатори бўлмоқчи бўларди. Одамлар орасига кириб, одамлар қатори бўлиб дам олиш ёзувчига ҳам, унга рўпара келганларга ҳам қимматга тушади. У бир неча кун мобайнида улфатчиликка тутинади. Уйқу, овқат ҳам сабил қолади... Ушандан кейин у «одамлар қатори» бўла бошлайди: тўхтовсиз сўкинади, ҳаммага дағал ва кескин баҳо бера бошлайди. Кишининг кўнглини оғритгиси келади. Шу тариқа хаёлотнинг беғубор осмонидан реалликнинг чирк босган заминига туша бошлайди ва унга ўзича «мослашади».

Шукур ака бундай вақтда ёнида ҳамиша кимдир бўлишини истайди. Деярли ҳамиша ёнида биров бўлади. Ва ачинарлиси шундаки, адиб барибир ёлғизлигича қолаверади. Чунки ер юзидаги барча сархушлар сингари у ҳам ким биландир дардлашмоқчи бўлади-ю, лекин унинг дардини тушунишмайди. Чунки у қалбининг қат-қатида қатланиб, етмиш икки томирида гупириб ётган дардларини айтиб беролмайди. Унинг дардлари бировга айтиб бўладиган анов-манов дардлар эмас! Бунинг устига у ўз дардини айтиб ўрганмаган. Ифодалаш бошқа масала! Хаёлидаги одамлар билан дардлашавериб ердаги одамлар билан гаплашишни-да унутаёзган адибни бошқа пайтда тушулмаган одамлар бу гал ҳам тушунишмайди, албатта. Ёзувчи шундоқ ҳам жўн одамлардан узоқни кўради, унинг хаёли шу ҳолда ҳам юксакларга парвоз қила олади.

Мўлжалланган иш битган, яъни хаёлот олами тугаган. Бу олам ўзининг бутун нафосатию гўзаллиги, нозиклигию мусиқаси билан чил-чил синган, вайрон этилган. Шу боис ҳолат оғир кечади жуда. Ростлик-ку ҳамиша ҳам оғир.

Шукур ака дардлашмоқчи бўлади. Ким билан бўлса-да, гаплашиш, юрагидаги туйғулар билан ўртоқлашиш энгиб бўлмас истакка айланади. Қайнаб ётган туйғуларни карахт тил ифодалай олармиди-ю, тинимсиз сўқишлари адоқсиз чекишлар туфайли калласи ғовлаган «суҳбатдош» тушунармиди?! Суҳбатдош ерда юрган ҳамма қатори хашаки бир одам. Ёзувчига бошқача одам керак. Гапирмаса-ю, тушунаверса. Қарабгина қўйиш кифоя бўлса! Бундай одам йўқ! Шундан бўлса керак, маълум босқичга етгач, Шукур ака сўқинишга тушади. Кейин тўхтовсиз гапираверади. Кўзлар ғазабли чақчаяди, қошлар милтиқдан нишонга олаётганидай чимирилади, ҳатто қўли билан кимларнидир «отади» ҳам. Гапининг кўп қисми тоғ, милтиқ, ов ҳақида, ўзининг зўр овчилиги хусусида бўлади. Лекин зўр ёзувчи экани билан мақтанмайди. Маълум маромга етгач, қулоқларгача тўзғиб ётган узун сийрак сочлари устига похол шляпасини бостириб олиб ашуласини бошлайди.

Шукур аканинг ашуласи! У ҳақда гапириш бефойда. Фақат тинглаган тушунади. Йўқ! Тинглаган ҳам тушунамайди. Чунки тушунадиган нарсанинг ўзи йўқ. Қандайдир туйғу, эзгин, аммо бепоён ва мардонавор руҳига бор. Уни ҳис этиш мумкин, холос!

Унинг бир бошлангандан кейин сира тугамайдиган кўшиғида бир нечтагина сўз бўлади, холос. Ундаги асосий унсур томоқдан хирқираб чиқадиган, ширали, дардли ун. Шукур ака куйлай бошлайди: «Не ээйи, нэ ээйий, нэ ээйийй». Зарур оҳанг тезгина топила қолмайди. Ҳар қандай овоз ҳам ижрочининг туйғуларини ифодалай олмайди шекилли, Шукур ака тинимсиз тақоррайверади. Зўриққанидан юзлари бўғриқиб кетади, қўллар ғалати тарзда олдинга чўзилиб, қандайдир мулойим-кескин ҳаракатлар қила бошлайди, кўзлар ғалати юмилади. Тўхтовсиз тутатилаётган сигаретдан хона тутунга, атрофдаги барча нарса кулу қолдиқларга тўлиб кетади. Хонадаги ҳамма нарса айқаш-уйқаш, овқат ва сигарет қолдиқлари, ювилмаган идишлар, қаймоқ боғлаган совуқ чой. Ҳамма жойда шиша: ётган, синган, тик турган, тўла, бўш. Стол усти тўла қоғоз, қоғоз, қоғоз.

Шукур ака ҳамон куйлайди. Ниҳоят, зарур оҳанг топилади! Шунда унинг уйқусизликдан қизарган кўзлари бир зум жонланиб, юзлари ёришиб кетади. Зўриқиб, оғзининг бир чети билан салгина жилмайгандай бўлади. Бечора суҳбатдошига хурсанд бўлиб қараб қўяди. Сўнг бирдан: «Эҳ, барибир, ҳеч нарсани тушунмайсан. Чунки саводсизсан», – дея иддао қилади-да, куйлашда давом этаверади. Ўз овозига маҳлиё бўлаётгани шундоққина сезилиб туради. Сел бўлиб куйлайди. Сел бўлиб тинглайди. Куйлаб тинглайди, тинглаб куйлайди. Шу ҳолатга келганда кўшиққа бир-иккита сўз ҳам кириб кела бошлайди: «Келиб ҳолимни кўргинээйий», «Келииибб ахволимми кўргинээйий»...

Унинг кўшиғи Сурхон бахшиларининг атайлаб бўғиздан оҳанг беришига ўхшамайди. Шукур аканинг кўшиғи оҳанглари бахшилар товушидан ҳам қадимийроқ ва салобатлироқдай туюлади. Унинг хиргойиси кўз ўнгимда, ҳеч қачон кўрмаганим Олтой тоғларини, Субйёр кенгликларини, поёнсиз Дашти Қипчоқни гавдалантиради. Яхши кўриб қоламан кўшиқчинини. Мехр билан юзига қарайман. Кўзлар юмуқ, ёқавайрон, сочлар парижон, юзига куллар суркалган, оёқ беўхшов чалиштирилган, ўзи бу дунёни унутган. Гўё у бу дунёда минг йиллар олдин ҳам яшаган. Абут-турк бўлиб! Олтойдан Ҳиндикушгача бўлган бепоён худудда ёвларга даҳшат солиб жавлон урган, сара фарзандлар ўстирган, қудратли халқни бунёд этган. Қутлуғ умрини шону шавкатла яшаб ўтгач, минг йиллардан сўнг дунёга қайта келган. Кейинги келишида юртни хароб, одамларни пачақ ва майда кўриб ўтмишини, аввалги умрида қилган ишларини эсламоқчи-ю, хотири панд бераётир. Шундан у озурдажон.

Унинг кўшиғи улуг ёшли буюк мўйсафиднинг силқиб оқаётган қудратли армонлари! Бугунги кун омонат, ясама. Ҳақиқий ҳаёт бошқача! Ҳақиқий одамлар – бошқалар! Лекин қани улар? Қаердалигини биларди, лекин минг йиллаб яшаш осонми, қарилиқда унутиб қўйган! Эслаш оғир! Шу сабаб кўшиқ ҳам оғир. Чунки у тўхтовсиз оқиб, узоқлашиб бораётган хотира...

1991 йил 25 ноябр.

Шукур ака ўзига, шахсиятига, истеъдодига хиёнат қилмай, ҳеч кимдан марҳамат кутмай, ўзи билганича ва ўзи устаганича яшади. Ёзувчининг ўзи эркин бўлгани учун унинг сўзи ҳам эркин эди. Эркин сўзининг умри узоқ, парвози баланд бўлади. Негаки, эркин сўзнинг назари олисларга қаратилган, манфаат отлиқ чиркин юк пастга тортмайди. Уйлайманки, улуг ёзувчининг улуг ва узун ҳаёт йўли энди бошланади.



ЎЛИК ЖОНЛАР ОРАСИДАГИ ҲАЁТ

Рус адабиётида Николай Васильевич Гоголдек сирли шахс бўлмаса керак. Унинг ҳаёти ва ўлими ҳақида шунчалик кўп афсона ва уйдирмалар мавжудки, ҳали бирон рус ёзувчиси бундай шарафга эришмаган.

Буюк Гоголь таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан унинг ижоди ва ҳаётига оид янгидан-янги қизиқарли, шу пайтгача бизга номаълум бўлган маълумотлар сув юзасига қалқиб чиқди. Кўпгина оламшумул саволларга жавоб топилгандек бўлди... Нима сабабдан у қўлёзма асарларини ёқиб юборарди? Нимага оила қурмади? Нега унинг ўз уйи бўлмаган?..


Николай Васильевич Гоголь ижоди мумтоз адабиёт дурдонаси саналади. Унинг ўзи эса рус адабиёти даҳоси дея эътироф этилади. Аммо Гоголнинг инсоний фазилатлари ҳақида гап кетганида ҳеч ким яқдиллик билдирмайди. Замондош ва тарихчиларнинг хотираларида буюк адиб сирли, дамдуз, айёр, фирибгарлик ва алдовларга мойил инсон сифатида характерланади. Бундай таърифни нафақат унинг душманлари, балки адиб ижоди ихлосмандлари ҳам, дўстлари ҳам беришган. Кунлардан бир кун Гоголь қадрдон дўсти Плетнёвдан унга инсон сифатида баҳо беришини сўрайди ва қуйидаги жавобни олади: «Сирини ҳеч кимга айтмайдиган, худбин, такаббур, бадгумон, шухрат учун ҳамма нарсадан воз кечадиган жонзот...»

Ёзувчилик меҳнати ва бадий илҳоми билангина яшаётган Гоголь камбағаллик ва уй-жойсизликка маҳкум қилинган эди. Унинг бутун бойлиги бир жомадонга жо бўладиган кийим-кечак эди. У моддий ёрдам сўрашдан ҳам ор қилмаган. Буюк Гоголни бундай таърифларни эшитишга нима мажбур қилган экан?

Унинг бундай йўл тутишига олдига қўйилган буюк мақсад – «Ўлик жонлар» романини ёзиб тугатиш сабаб бўлган эди. Ҳаётидаги энг катта, асосий иш эди бу. У бу асарига Россия ҳақидаги бутун ҳақиқатни, унга бўлган меҳру муҳаббати ва қалбидаги бойлигини тўкиб солди.

– Меҳнатим улкан... – дерди у дўстларига, – менинг қаҳрамонлигим халос этувчидир!

Минг бир ҳайрату шубҳа билан адиб ижодини тадқиқ қилган тадқиқотчилар Гоголнинг ўлиmidан бир неча кун олдин ҳаётининг мазмунига айланган буюк асарини ёқиб юборишига нима туртки бўлганлигини ҳамон тушунтириб беришолмайди...



БОЛАЛИККА ҚАЙТИБ

Узоқ қутилган фарзандга ота-онасидан нима қолди?

Николай Васильевич Гоголь 1809 йилда Большие Сорочинци қишлоғида (Полтава губернияси) йирик помешчик Василий Афанасьевич оиласида дунёга келди. Унинг ота-боболари украин казаклари бўлишган. Кетма-кет нобуд бўлган икки фарзанддан кейин туғилган жажжигина ўғил олдирган ота-она учун овуноқ бўлди. Николай 15 ёшга тўлганида отаси вафот этади. Сермулоҳаза, зеҳнли, идрокли, ҳаётни севувчи, ҳазилкаш Василий Афанасьевич адабиёт ва театрга қизиқарди.

Николай отасидан санъатга бўлган меҳрни, ҳазил-мутойибага мойиллиқни

мерос қилиб олганди. Гоголнинг юмори содда, софдил, мазмун ва сўзлар уйғунлигини ўз ичига олганди. Адибдаги таъсирчанлик, ҳассослик, дардчиллик онасидан ўтган эди. Ота-онасининг чексиз меҳри ва она табиат Николайни болалигиданоқ руҳлантирарди. Байрам ва сайлларда Диканька яқинида қуйланган кўшиқлар, отаси ва кўшниси – шоир Капнистнинг шеърлари мурғак Николай қалбида адабиётга бўлган муҳаббатни уйғотди. Ўсмирлик чоғида у ҳаммадан яширинча «Ганц Кюхельгартен» номли содда шеърий асарини ёзади.

Илк поэмасини у гимназияда ўқиб юрган чоғидаёқ ёзишни бошлаган эди. Петербургда келиб, унинг устида бироз ишлайди ва чоп этиш учун ноширга топширади. Асар китоб бўлиб чиқди. Ўсмирликка хос шошқалоқлик билан у китобни дўсти Плетнёвга жўнатади. Китоб бир неча кун дўконда сотилди, аммо унга билдирилган танқид шафқатсиз эди. Шунда Николай бутун ададни сотиб олиб, уни ёқиб юборди.

Мана шу олов шоирнинг жасоратидан дарак бўлиб, тақдирининг бир белгисига айланиб улгур-ганди. Нимага у оловни ўзига дўст билди?

Болалигида давлат арбоби бўлишни орзу қилган Гоголь адабий қизиқишидан ҳам воз кечмади. Ўз асарларини ёқиб юбориш учун қанчалик жасорат керак. Аммо Гоголь бунинг учун ўзида куч ҳам, қахрамонлик ҳам топарди. У гимназияда ўқиб юрган кезларидаёқ илк асари – «Ака-ука Твердославичлар»ни битта қолдирмай ёқиб юборади. Петербург газеталарида «Ганц Кюхелгартен» ҳақидаги шафқатсиз танқидий мақолаларни ўқиб, меҳмонхонадаги хонасига қамалиб олиб, китобни битта қолдирмай ёқиб юборади.

Ёнаётган қўлёмаларнинг олови унинг юрагида яна бир неча бор аланга олади. Отасининг ўлими Гоголни қаттиқ қайғуга солди. Кейинроқ Николай Васильевич отасининг ўлими сабабини топгандай бўлди: унинг фикрича, отасига «ўлим даҳшати» хавф солган.

Гоголнинг ўзи ҳам мана шу ҳалокатли «ўлим даҳшати»ни ўзида олиб юрарди. Бу ваҳима, кўрқинч ҳам унга отамерос қолдими?

Николай Васильевичнинг дардчиллиги, тушқун ҳолати руҳий характер касб этарди. Шуни таъкидлаш жоизки, Гоголнинг руҳий азоб-уқубатлари унинг ижодий жараёни билан боғлиқ. У ижод қилган пайтда маънавий, руҳий куч-қувватга тўлар, ҳамма иши яхши кетаётганлигини англади. Ижоддаги сусткашлик унинг руҳий қийналишига сабаб бўларди. Ана шунда у ёзилган асарининг номукамаллигини тушунар, бундан қаттиқ эзиларди. Бундай пайтларда у дерди: «Яшашга ҳам, ёзишга ҳам иштиёқим йўқ...» Драматург бўлишдан аввал Гоголь гимназия ҳаваскорлик театри саҳнасида муваффақиятли чиқиш қиларди.

Саҳнадаги муваффақият унинг келажакда актёр бўлиб етишишини белгилаб бериши мумкин эди-ку...

Театр Николай Васильевичга катта лаззат, ҳузур-ҳаловат бағишларди. Петербургда у Император театрида ўз бахтини синаб кўрмоқчи бўлди. Аммо суҳбат чоғида «йиқилади». Имтиҳон олувчиларига унинг ижро усули ёқмаган.

Гоголь ажойиб сўз устаси, билимдони эди. Унинг ижрочилик маҳорати нозик таъб тингловчиларни ҳам доғда қолдирарди. Гоголь бир умр шубҳа-гумонлар ичида яшарди. «Муаллифнинг тавбаси» асарида шундай мисралар келтирилган: «Мен машҳур бўлишимга ишониб яшадим! Таниқли бўлишимга ҳеч қандай шубҳа йўқ эди...» Ҳаёл суриш Гоголь учун одатий ҳолга айланганди. Айбдорлик, гуноҳкорлик ҳисси бир-бири билан алмашинарди.

ГОГОЛЬ ВА АЁЛЛАР

Гоголнинг қахрамонлари ёвуз кучлар, афсунгар ва шайтонлардан мадад олади. Севги учун ҳамма нарсадан воз кечишади, баъзида худосизга айланишади. Тақводор, ҳудожўй муаллифни бу ҳолат даҳшатга солмадимиз?

Гоголнинг қахрамонлари мана шунинг учун ҳам ўз жазосини олган, ҳатто ўлим топишган.

Пушкиннинг ишқий саргузаштлари ҳақида эшитганмиз. Аммо Николай Гоголнинг муҳаббати ҳақида бирон маълумотга эга эмасмиз. Айрим тадқиқотчилар Гоголь ҳаёти давомида бирор марта севмаганлигини таъкидлашади. У аёллар гўзаллигининг шайдоси эди. Биринчи навбатда маънавий гўзалликни қадрларди. Гоголнинг

гўзаллар ҳақидаги таърифлари бунга шубҳа қолдирмайди. Севгидан у қочиб қутулишга ҳаракат қиларди. У нафақат гўзалдан, балки ўзидан, қалбидаги яширин хавфлардан, ҳалокатли кучлардан ҳам қочарди.

Таниқли тадқиқотчи Юрий Манн китобида Гоголнинг олижаноб Анна Виельгорскаяга бўлган соф муҳаббати тасвирланган. Аслида-чи?..

Гоголь рад этилишини англагач, севгиси учун курашишни ҳам лозим топмади. Севгиси рад этилган Николай Васильевич неча йиллар давомида руҳий азобларни бошидан кечирди. Ўзининг бесўнақайлиги, хаёлий бадба-шаралиги ва уятчанлигидан эзилди. Умидсиз севги унинг қалбида бир умрлик тузалмас жароҳатни қолдирди.

Аннанинг тақдири қандай кечди? У ўзини айбдор ҳис қилдими? Гоголнинг ўлимидан кейин Анна 30 ёшида князь Александр Шаховскийга турмушга чиқди. Улар Москва яқинидаги Сенница усадьбасига кўчиб ўтишади. Бу жойларни Гоголь яхши кўрарди. Аннага ҳам бир пайтлар бу ерга келиб, ёзги таътилни ўтказишни таклиф этганди...

Гоголнинг ҳеч қачон ўз уйи бўлмаган. Бадавлат оиланинг арзанда фарзанди нима учун бошпанасиз эди?..


Дарҳақиқат, у гўёки дарвеш дарбадар эди. Унинг ҳеч қачон ўз уйи бўлмаган. Ёшлигида Николай Васильевич бутун мол-мулкни онаси ва сингиллари номига ўтказган эди. У онгли равишда дарвешлик ҳаётини танлаганди. Гоголнинг дўстлари уни меҳмон қилишни шараф деб билишарди. Шундай кунларнинг бирида у Погодин исмли дўстининг уйида меҳмон эди. «Москвитянин» журналининг муҳаррири бўлган Погодин дўстининг «Ўлик жонлар» романи қўлёмасини унга биринчи бўлиб беришига ишонарди. Аммо Гоголь илтимос, буюртма билан ёзадиган ёзувчи эмасди. Шундай пайтларда у ўзини жуда ноқулай ҳис қиларди. Айниқса, унинг шарафига катта меҳмондочиликлар қилинса, қаттиқ хижолат чекарди. 1848 йилдан умрининг охиригача у граф А.П.Толстой уйида яшайди.

ГОГОЛЬ ТИРИКЛАЙИН КЎМИЛГАНМИ?

Айрим тадқиқотчилар Гоголь летаргик уйқуга кетиш оқибатида тириклайин кўмилган деган тахминни илгари суришади. 1852 йилда Гоголь вафот этгач, у Москвадаги Данилов монастири қабристонига дафн этилган. 1930 йилда монастир ёпилгач, қабристон ҳам кўчирилади. 1931 йилнинг 31 май куни Гоголь қабри очилиб, жасади Новодевичье қабристонига қўйилади. Бу жараёни тадқиқ қилган олимлар қабр ичидаги жасаднинг силжиб, кўзгалганлигини таъкидлашган. Яна бир гуруҳ олимлар Гоголнинг шифокорлар томонидан заҳарланганлиги тахмини мавжудлигини ҳам айтишмоқда. Унинг жасади ёриб кўрилганида симоб миқдорининг оқорилиги аниқланган. Ушбу тахминлар ва фаразларнинг қайси бири ҳақиқатга яқинлиги бизга қоронғу. Инсонга хос қизиқувчанлик буюк Гоголнинг руҳини қайта безовта қилиб, қабр тошларини у ёқдан бу ёққа кўчиришга эҳтиёж туғдиради. Бу тахминлар ўз ечимини топадимиз-йўқми, буни фақат вақт кўрсатади. Аммо адибнинг жаҳон адабиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳеч ким инкор эта олмайди. Жуда қисқа умри давомида шусиз ҳам руҳий азоб-уқубатлар исканжасида яшаган адиб руҳини тинч қўйиш олижаноблик эмасми?

Дилдора Тўйчиева тайёрлади





Сафар ОЛЛОЁР

Дунё огиб пураф кафтин

СУХАНВОРЛИК

Кел, эй кўнглим, сени ҳам бир
Обод этиб қўяйин,
Шу баҳона яна бир бор
Жамолингга тўяйин.
Сен-ку ободлик истарсан
Ҳар он, ҳар дам, ҳар лаҳза
Ҳар сониянг рангларини
Оппоқ нурга бўяйин.

Кўзмунчоқлар тақиб қўяй —
Ёмон кўздан холи бўл,
Билиб-билмай тарк айлама —
Ҳамиша вафоли бўл.
Бисотимни бахш этайин
Муаззам даргоҳингга,
Дилимга инган ишқнинг
Бетақрор тимсоли бўл.

Олис юртларда кезсам ҳам
Ҳамнафас бўлдинг мудом,
Мен гумроҳ гоҳ унутиб,
Кўрсатмадим эҳтиром.
Ҳар нечук араз қилмай
Қайсарлигим кўтардинг,
Сенинг борлигинг боис
Кўксима кўнди илҳом.

Кел, эй кўнглим! Эмди сени
Илҳомга боғлаб қўяй,
Кин-ҳасад айлаганнинг
Бағрини доғлаб қўяй.
Бил, манга қулоқ оссанг
Ҳеч чорасиз қолмассан,
Эй Сафар, сухан ила
Дилингни чоғлаб қўяй!



Ёшлик завқи чақмоқ бонгидай
Сингиб кетди вақтнинг бағрига...
Гарчи уни согиндим, нетай,
Мен чидадим, хуллас, барига.

Ўшал оҳанг — дилрабо тўйғу
Баъзан берар ажиб акс-садо.
Қояларга уриларми у,
Ё мен сари элтарми сабо?..

Ҳайҳот, гоят сирлидир саси,
Энтиктирар дилни дарёдай.
Йўқ, у — ишқнинг жонбахш нафаси
Кўлмак қалбни дарё айлагай.

Мен юзимни бурдим уммонга,
Сен ортимда қолма, ҳойнаҳой.
Зеро, кенглик тегмайди жонга,
Олам эса таассуротга бой!

Қутмаганман, гул, ишва айлаб,
Ўйдаи пайдо бўлдинг қаршимда.
Юрагимга яна ўт қалаб
Азобли авж бердинг ишқимга.

Девонавор бўлиб маҳлиё
Синчковгина назар ташлайман.
Сенга эса ярашар ибо —
Нигоҳингни олиб қочасан.

Аллақачон тан олардим,
Лекин изҳор кўчаси тордир!
Бинобарин, мўъжиза-жоду
Шу томонга чорлашга қодир.

Ҳайҳот, қалбинг яқиндир, санам,
Сезмоқдаман оташ тафтини.
Олдимизда орзу-умид жам,
Дунё очиб турар кафтини...

АҒЁР

Юрак ютиб сен сари, жонон,
Борсам ҳамки бекиниб, пинҳон,
Гов бўлади ошкора шу он —
Қадамимдан сезади ҳижрон.

Гарчанд ёндим оташ васфида,
Бунча ситам севги фаслида?
Ё аслимни синар аслида —
Анор янглиг эзади ҳижрон.

Дуч этгандек нурга шабнамни,
Овунч айлар жилвагар гамни.
Мен билмаган пана-настқамни
Сен-ла бирга кезади ҳижрон.

Дўқ ураман сўқир очунга
Зудлик билан етказ деб унга.
Лекин кўнмас,
Ҳамма гап шунда —
Қачон мендан безади ҳижрон?!

Шунча маъно бўлса қараишларингда,
Юрагинг қаърида қанча асрор жам.
Не тилсим битилмиш дил дафтарингга —
Ўқий оласанми, ўзинг, ай, санам?

Қанча ишқномалар ёд эрур гарчанд,
То ҳануз беужув эканман чоғи.
Уззу кун хаёлим нигоҳинг-ла банд,
Бу тотли азобнинг борми адоғи?

Эҳтимол, йўлимиз туташмас қайта,
Балки тийрамоҳда сарғаяр ҳислар.
Ҳарнечук шу тансиқ ҳисни авайла,
Чунки у баҳордай гуллашни истар.

Умид интилганда кўз тикканига
Тушкунлик маслакка бегона чиндан.
Ёзгирма баҳорнинг кечикканига,
Қадрин синаб кўргай иззатин билган...

Осмон ҳамон феруза гумбаз,
Ҳануз эсар ақраб насими.
— Сабо, мени Зухрага етказ,
Фалак билсин эмди аслимни!

Ҳайқираман — тўлади кўнглим,
Ой безовта бўла бошлайди...



— Сени ой деб суймаган эдим,
Зухра кўрса кўзин ёшлайди!

Тикиламан, нигоҳим — нарвон:
Зухра бир ён,
Бир ён тўлин ой...

— Тингла мени, юлдузим, бир он,
Айтар сўзим бордир, ҳойнаҳой!

У жилмаяр, ёндиради, о,
Серқарашма инжа ишваси!..
— Ой, рашк этма, мен унга шайдо,
Ишқдан пайдо унинг жилваси!!

Билмам, нечун боқасан беун,
Билганим шу: ҳисларим оташ.
Жонон, тенгсиз чиройинг гулгун,
Завқли-шавқли, нафис, илҳомбахш.

Сен-ку мени ёндирадирсан,
Хас ҳам ёнмас менинг оҳимга.
Шундоқ, бироқ тан олғайдирман,
Ўзим қурбон ўз гуноҳимга.

Асов ҳисга эрк бердинг нега,
Ахир, унга кафолатим йўқ.
Чақмоқтошга топилмас эга,
Олов билан ўйнашганлар кўп.

Санам, алам қиладигани —
Юрак тафтим етмади сенга.
Пинҳон ишқда бормикан маъни
Бўлолмаса сабаб васлингга...

Вақт жўрттага елар, чамамда,
Кунлар кунга ортиб бормоқда...
Лек ҳисларим дилкаш санамга
Кундан кунга ортиб бормоқда.

Ўйлагандим, ўтган кунларда
Қолиб кетар ёниқ ҳисларим.
Йўқ, қандайдир куч бор уларда,
Санам сари торта бошлар жим.

Юрагимга таниш оҳанглар,
(Китобларда ўқиганим бор.)
Улар шундай таралса агар,
Бир кун воқиф бўлғай у дилдор.

Муҳаббатда толенинг ўрни,
Балки, бу куй — ёниқ ишқ саси.
Бироқ, билмам, бу туйғуларни
Жиловлашининг борми чораси!..





Сурайё

Ҳикоя



Ширин СОБУРОВА

Содиқ бугун димоғи чоғ кириб келди. “Тинчликми?” дея Сурайёнинг сўзсиз берган саволини нигоҳидан уқиб:

– Э, сўрама, нақ омадим чопди. Анови иккаламизни бирга хизмат сафарига жўнатадиган бўлишди. Йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетдик. Тўғриси, менга бироз рўйхушлик бергандай бўлди, – деди тўлқинланиб.

Содиқ Сурайёнинг отасининг қишлоғидан, ўртоғининг ўғли. Шаҳарга ишлашга келган. Вақтинчалик уларникида яшаб турибди. Тез кунда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Йигит кечқурунлари кун давомидаги қизиқарли воқеаларни Сурайёга кулиб гапириб берар, Сурайё эса ўқишидаги ҳангомалардан сўзларди. Бу яхшими ё ёмонми ҳали ўзи ҳам билмасди-ку, қиз йигитга тобора боғланиб қолаётганга ўхшарди.

Бир куни уларайвонда фильм томоша қилишаётганди. Мазмунан бир-бирига монанд фильмлардан бири эди. Йигит туйқус қиз томонга ўгирилиб:

– Сен-чи, қақилдоқ, ёқтирганинг борми? – дея сўраб қолди.

Қиз буни мenden атай сўрапти, деган ўйга бориб, хиёл карашма билан кўз учида ерга боқди. Ўзига қолса, “ҳа, бор, бу ўзингиз” дегиси келди-ю, бироқ кўп қатори андиша унга ҳам бегона эмасди. Содиқ эса бошини сарак-сарак қилганича кулимсираб қўя қолди.

– Шу десанг ишхонада бир ажойиб қиз бор. Ўзи жуда аломат қизғу, фақат бироз димоғи бор-да, – деб ўзича маслаҳат сўраган бўлди Содиқ бир куни..

Шу фурсатдан бошлаб Сурайёнинг ичига ит тушиб олиб тирнаётгандай бўлди. Энди у Содиқнинг ишхонасини ҳам, ўзи танитайдиган ўша қизни ҳам ёмон кўриб қолди. Бу ҳақда унутаё ҳам деганди, Содиқ қиз ҳақида яна гапириб қолди. Дарди жиддийга ўхшайди.

“Ўзи шу Содиқ деганлари қаёқдан ҳам пайдо бўлди, – ўйларди қиз, – тинчгина юривди, унинг хаёлларини тўзитиб қўйиб, ўзи не орзуларда юрибди”.

Сурайёга биргина тасалли берадиган нарса ўша димоғдор қизнинг Содиққа бепарволиги эди. Мана энди бугунга келиб “рўйхушлик берди” деб ўтирибди. Қачон бундай аҳволга тушиб қолганини Сурайёнинг ўзи ҳам сезмай қолди. Баъзан ишхонасидаги қиз ҳақида сўз очиб қолса Сурайё Содиқнинг ўзи ҳам бу ердан даф бўлишини истаб қолар, аммо усиз кунлари қандай кечилишини энди тасаввур ҳам қилолмасди.

Билса, қизнинг номи Ойхон экан. Содиқ уни “Ой”

деб аташи Сурайёнинг қанчалик ғашига тегишини йигит қаёқдан билсин. “Ҳа, энди у киши “ой” бўлсалар, биз бор-йўғи “юлдуз” эканмиз-да, нима мен шунчалик кўз илғамас аҳволдаманми?” – дерди қиз хуноби ошиб. Ундай деса ўзига сўз қотиб юрган йигитлар ҳам талайгина. Э, бу кўнгил синоатларини англаш ҳам мушкул иш экан-да.

Содиқ эрталаблари ишга Сурайёдан сал олдинроқ жўнарди. Бир куни у кетатуриб қиздан “менга омад тила” деб қолди. Ўзи шу кунларда Сурайёнинг ундан жаҳли чиқиб юривди.

“Нима, бирон танловда қатнашмоқчимисиз?”, дея сўради ачитиб.

“Йўқ. Ой билан гаплашмоқчиман”, деди йигит жиддий тортиб.

Бу Ой деганлари ҳадеганда у билан гаплаша қолмади, буниси ҳам ундан тона қолмади. Ҳаммаси роса чўзилиб кетди ўзиям.

Содиқ ҳар куни эрталаб ишига кетатуриб эшик олдида жилмайганича Сурайё билан “кечқурунғача” дея хайрлашар, ҳар иккисининг ҳам дарди бир хил эса-да, бир-бирларига қарама-қарши эди. Сурайё энди йигитнинг оғзини пойламай қўйди, шунинг баробарида ундан буткул кўнгил ҳам узолмади. Кунлар эса шу зайлда бир-бирларини қувлаб ўтавердилар.

Содиқ туйқус кўчадан юраги ҳапқириб кириб келди.

– Нима гап? – сўради қиз ҳам таажжуб, ҳам хавотир аралаш.

– У рози, рози бўлди, – деди Содиқ оғзининг таноби қочиб шошганича, гўё тез айтиб улгурмаса ҳаммаси саробга дўнадигандай.

Сурайёнинг устидан биров бир челак совуқ сув қуйгандай бўлди. Аҳволини яшириш учун орқа ўгириб бир юмушга уннамоқчидай кета бошлади. Анови эса ортидан эргашиб тинмай жаврарди, қувончини баҳам кўришга топган одамими-чи.

– Эшитяпсанми? – бетоқат бўлиб сўради охири Содиқ.

– Хурсандман, – деди қиз зўрға тили калимага келиб.

– Кайфиятинг йўқроғми?.. Ҳечқиси йўқ, бу ёғи тўй, бир яйрайсан-да, а...

Яна алланималар дедик, қизнинг қулоғига кирмади. Намунча гўл бўлмаса бу йигит. Аҳволини наҳотки кўрмаётган бўлса. Ҳали тўйда ҳам қатнашиши керакми?

Қиз ерга кирибми, осмонга учибми, хуллас, йўқ бўлиб қолгиси келди.

Шу маҳал жонига оро кириб, кўча бетига кўлоблатиб сув сепаётган укасининг дарвоза олдида туриб:

– Опа, – деб чақиргани эшитилди.

– Ҳа, мана, кетяпман, – деди қиз унга жавобан.

Содиқ яна гапга тутинди:

– Шанба кунига онамларни айтиб қўйдим, бу ёғини ўзинг тўғрилаб юборасан-да, хўп, Сурайё.

Қиз илкис тўхтади. Буткул аъзои бадани бўйлаб аллақандай ёқимли бир илиқлик югуриб ўтгандай бўлди. Сўнг Содиқ томонга енгил табассум билан кўз ташлади.

– А?



БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Ўмидли қаламкаш



Ситора Раҳимзода иқтидорли ёшларимиз вакиласи. У ҳар бир шеърини таъсирчан фикр асосида ҳулосаланига ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида ёш ижодкор бадиий машқларининг ўқишли чиқишига сабаб бўлади. Илло, шеърятнинг муҳим вазифаларидан бири ҳам муайян эзгу фикр, зояни ўқувчи қалбига сингдиришидир.

Ситора ўз устида тинмай ишлаб, изланса, устоз шоирлар бадиий меросини ўқиб-ўрганишдан толмаса келгусида унинг элга манзур шоира бўлиб етишишига ишонаман. Зеро, рангин ҳис-туйғулар жилоси билан йўғрилган қалб одатда ўз соҳибини ҳаммиша олга етаклаши олдиндан кузатилган ҳолдир.

Туроб ЮСУФ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ХАЁЛ

Не ҳол бу, қизиқ ўйга
Қалб-ла пайванд бўларман.
Кўплар билмас гаройиб
Хаёлга банд бўларман.

Кечар умр йўлимда,
Вақт келиб, гўё бир кун
Самодаги тўлин ой
Бағишлар менга кўркин.

Оро кириб гўё у
Мендай ёш қиз жонига,
Жисмим ердан бутунлай
Тортиб олар ёнига.

Нур таратган кафти-ла
Майин силаб сочимни,
Юлдузлар ҳадаё айлаб,
Тўлдирар қулочимни.

Бундай тенгсиз ҳиммат-чун
Унга раҳмат айтаман.
Сўнг заминга юлдузли
Гуллар билан қайтаман.

Шунда ўтган-кетганга
Эҳсон тутиб яшайман.
Муъжизани ҳозирча
Муштоқ кутиб яшайман.

ЭЗГУЛИК

Намхуш кузак аввалдан
Гул, чаманлар шўрийди.
Ҳозирда қулф урган боғ
Эрта-индин қурийди.

Бугун вақтим чамандан
Гул териш-ла ўтказдим.
Илдизи-ла авайлаб
Сўнг қалбимга ўтқаздим.

Униб, ўсар бу жойда,
Олмасдан ҳеч хавотир.
Олdda ёгин-сочинли
Салқин куз келаёттир.

Йўл кўрсатар, кўз ўнгим
Босар бўлса туманлар –
Бу гуллардан кўнглимда
Бунёд бўлган чаманлар.

ШОДЛИК ҚАДРИ

Кўзимга ёш келса гар,
Секин ерга тўкарман.
Ё ўзим ёзаётган
Мунгли шеърга тўкарман.

Бу дунёда севинчдай
Ғам-алам ҳам ўлмайди.
Баъзан бағринг эзилгач,
Йиғламасанг бўлмайди.

Гарчи дилдан қувонмоқ
Учун сабаб кўп ва хўб,

Маъюсланиш учун ҳам
Лекин жуда сабаб кўп.

Тирилиш шарт бўлиб, гоҳ
Кирмай қайғу қабрига,
Етармиди одамлар,
Йўқса, шодлик қадрига.

ХАЁТ ЧИҒИРИҒИ

Қим ҳам зарба олмаган
Ўтқир армон тигидан.
Ўтказади бу тақдир
Ҳаёт чигиригидан.

Йўл бўйлаб гоҳ бахтми, гам
Қилар имо-ишорат.
Дуннинг турган-битгани
Синовлардан иборат.

Йироқ кетсак, дўст дўстга
Йўллайлик тез хат-хабар.
Ёмон-ку, ўртамизда
Оқибат бўлмаса гар.

Паноҳ кучлар бизларни
Олмаса гар ўртага,
Тўртта бўлсин, бахт тугар,
Бир гам ортар тўрттага.

Ситора РАҲИМЗОДА,
Зафаробод туманидаги
Навий номли мактабнинг
9-синф ўқувчиси



Ишқини хотираси - ноёб хазина



Хуришид НУРУЛЛАЕВ

ҲИЖРОНДА АНГЛАДИМ...

*Кечиргил, қайсарлик касб этган сурур,
Кўнглимни ўқитган рашкнинг даъвоси.
Қалбимни ёт санаб кетгандек сурур,
Гумондан қутулмоқ йўқдек давоси.*

*Ўйламай руҳингга озор етишин,
Худбинлик таъналар тошини отар.
Бардошинг босади тишига тишин,
Тухматнинг наштари юракка ботар.*

*Хатонинг кўзи кўр бўлса ҳам, лекин,
Минг бора йўқотмиши тилло асони.
Ҳижронда англадим ишқнинг нелигин,
Жон чекмай топгандим сендек расони.*


*Севгида йўқотмоқ ўлимдан оғир,
Азага маҳкум қалб, мотамсаро руҳ.
Қулбамда сезаман ўзни мусофир,
Юракда бир армон – чексиз тазарру.*

*Ёдимга ўтмишининг хуш дамин солиб,
Кўнглимни кўтармоқ бўлар хотира.
Лекин гойибона ишқнинг висоли
Қалбимга надомат юкин орттирар.*

*Нетай, ишқ олдида бошим эрур ҳам,
Ёр номи бир бора жой олса лабдан,
Гуноҳ ё адашиши, ҳатто нафрат ҳам
Ўчира олмаскан севгини қалбдан.*

САБРИМНИНГ УМРИНИ ЧЎЗАДИ УМИД

*Нигоҳинг жонимнинг жиловин тутган,
Юрагим ўйноқлар кўзим тушган он.
Ўтмишини хотирам гўё унутган,
Йўқ каби сиймонгдан ўзга бир жаҳон.*



*Тунларнинг оёғи наҳот кишанбанд,
Ҳотамлик қилар вақт бахил ҳижронга.
Йўқ эрсанг осмоннинг димоғи баланд,
Ер эса тош каби ботгандек жонга.*

*Сенингсиз кунлардан йўқолар маъно,
Кўк босиб тургандек эгикдир бошим.
Қошимда қилса ҳам гуллар таманно,
Васлингсиз яшашига етмас бардошим.*

*Сабримнинг умрини чўзади умид,
Дийдоринг тасвирлаб чарчамас хаёл.
Ошиқлар қисмати бўлса ҳам ўғит,
Ўзгалар раҳмидан кўнглимда малол.*

*Тонг отар – илтижом эшитган Аллоҳ,
Келасан, юришинг фаришта рақси.
Ҳеч нарса бўлолмас висолдан аъло,
Кўзимда гуллайди жамолинг акси.*

*Гулим,
Рашик мени изингга пойлоқчи қилди,
Кўнглимдан бош олиб кетди ҳаловат.
Гумонлар бўғзимга тошдек тиқилди,
Охир ишқ васлига етди талофат.*

*Орзулар осмонида чарх урган хаёл
Надомат чоҳига тутқундир бугун.
Тош бўлиб ботади қалбга бир савол:
Наҳотки тақдирим айладим тугун.*

*Танҳолик юкидан толиқар кўнглим,
Гавжумлик татимас ҳатто бир лаҳза.*

Хаётим шамини ўчирса ўлим,
Руҳимга соломас бунчалар ларза.

Ишқ кемаси гарқдир гумон қўлида,
Ҳижрон оролида жисмим жон сақлар.
Дуч келди дегунча армон йўлида
Кўнглимни надомат тиги чавақлар.

Биламан, йўлингга туташмас йўлим,
Қалбингда қолдирдим ўкинч ва гина.
Сендан фақат менга ёд қолди, гулим,
Ишқинг хотираси – ноёб хазина.

ЎРТАНИШ

Ерга кўк таширфи якун топган он,
Хотирам бисотин тита бошлар тун.
Кўксига юлдузлар тақади осмон
Чақмоқ кўзларингни эслатмоқ учун.

Хаёллар сурсин деб тонггача ёлчиб,
Чим кўрпалар тўшар қирғозига сой.
Чехранг кўрсатгандек даричанг очиб,
Уфқдан мўралаб, чиқиб келар ой.

Нафасин ичига ютгандек замин,
Бошимга елкасин тутар қари тут.
Ёдимга солмоқ-чун висолнинг дамин,
Атрофнинг унини чиқармас сукут.

Сочларин гашига теккандек шамол,
Телба ел бўйнимдан қучади ногоҳ.
Ой сойнинг бетида кўрсатиб жамол,
Сенинг танҳолигинг этади огоҳ.


Малолдир ҳижронда ўтган бедорлик,
Тун умри висолсиз бунчалар дароз.
Ҳамдардлик қилмоқчи бўлса ҳам борлиқ,
Ёлғизлик дардидан этолмас халос.

Кундузлар кулбамдан чиқолмай, беун,
Айбимдан куюниб, йиғлайман юм-юм.
Ҳеч кимдан сирини яширмаган кун,
Кўчаларни атай қилгандек гавжум.

Айрилиқ қисматин яратган ўзим,
Тонг отар, ўртаниб уйга қайтарман.
Сен-ла учрашмоққа шувутдир юзим,
Балки узримни ҳам эрта айтарман.

УЛКАН БАХТ

Келсангиз,
Таширфингиз бўлар кўнглимга байрам,
Юракнинг рақсидан кўксим дарз кетар.
Изингиз силасам гулдек авайлаб,
Бошимни қўймоққа соянгиз етар.



Келинг,
Армонлар тумандек тарқалсин изсиз,
Кувгинга учрасин паришон хаёл.
Наҳот, шул дамагача яшадим сизсиз,
Орзуим осмонида яшаган аёл.

Келмасангиз,
Танҳолик маҳв этар умримни буткул,
Бездирар қадрини йўқотган ҳаёт.
Қалбимда ниш отган ишқ аталмиш гул
Ҳижрон дарёсидан сув ичар, ҳайҳот.

Айтсангиз,
Ўзгача ёр, дея юрмасман гам еб,
Юрагим тош этиб номингиз ўйгум.
Ёри бор аёлни севиб қолдим, деб,
Ёлғизлик қисматин тақдирга йўйгум.

Айттинг,
Бўйин товляпти қалбим сабрга.
Бир сўз кифоядир, “ҳа” ё “йўқ” деган.
Барибир, армонсиз келгум қабрга,
Чунки ошиқ бўлиш улкан бахт экан.

ИШҚ ХАЛОСКОРИ

Ишқингга ишончим синамоқ учун,
Рашик сепар қалбимга гумон захрини.
Сўндириб ташлолмас сабримнинг кучи
Дилга олов ёққан шубҳа қаҳрини.

Ситилиб кетганми, юрак чоки ё
Ғашиқнинг зулмидан қувгинда сурур.
Йўл бермас чехрангга ташлашга қиё
Ақлга бўйсунмас асов бу зурур.

Ўқинар яширмай дўстлар аразин,
Ўзини ҳамдарддек кўрсатар агёр.
Ҳасаднинг найзасин тутган гарази
Нишонга етгандек севинар айёр.

Излайман, кечаги хуш онлар қани,
Ой мендек нимта дил, сенсиз тун чала.
Васлингни соғинган висол маскани –
Анҳорнинг бўйлари ғариб бунчалар.

Ҳолимни танг этиб яйрайди ҳижрон,
Юракда кундан-кун бўй чўзар соғинч.
Муштоқлик, соғинчдан кўзларим гирён,
Ҳаловат гадоси – қалб қурғур нотинч.

Чорладим, сабримнинг буқилди қадди,
Марҳамат кўрсатиб келдингми яна?
Кечирим сўрашга сигмайди ҳаддан,
Айбимни сен нега қилмайсан таъна?

Энди-чи, англасам, рашикка ишониб,
Ошиқнинг давлати – ишқ абгор бўлган.
Балки кул бўлгансан тухматдан ёниб,
Сабринг севгимизга халоскор бўлган.





ДИЛ ДАРДИДАН БИТГАН ДОСТОНЛАР

Ўтган асрнинг 80-йилларида шеърятимизга ижодкорларнинг янги бир тўлқини кириб келди. Сирожиддин Саййид ана шу тўлқиннинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлди. Адабиётимиздаги азалий ва абадий мавзуларни оҳорли ранг ва оҳангларда ифодалаган шоир давр шеърятини шакл ва мазмун жиҳатидан бойитди. Ватан, миллат, халқ сингари умумбашарий мавзулардаги шеърлар унинг юксак истеъдодини ўзида намоён этди. Бинобарин, Ватанни куйламаган шоир йўқ. Бироқ Сирожиддин Саййид сатрлари бағрида Ватан “момоларнинг юзидаги харита”да кўринади. Анъанавий ташбеҳ ва сифатлашлардан холи бу поэтик фикрда шоирнинг муқаддас тушунчани нечоғли чуқур англаши кўриниб турибди. Ана шу жўшқин ва маҳзун руҳ шоир дostonларига ҳам кўчди. Натижада у “Тўполондарё билан хайрлашув”, “80-йиллар”, “Таназул” сингари дostonларини ёзди. Бу асарларда халқимизнинг яқин ўтмиши манзаралари эпиклик билан уйғунлашган лиризм ва публицистик оҳангда акс эттирилган.

Маълумки, кейинги йиллар ўзбек поэмачилигида замонавий воқеликни халқ дostonлари йўлида акс эттириш алоҳида услубий йўналишга айланди. Сирожиддин Саййиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув” дostonи ана шу йўлда ёзилган асар сифатида эътиборни тортади. Унда халқ дostonларига хос куйидаги жиҳатлар кузатилади: 1. Дoston назм-наsr шаклида яратилган. 2. Насрий парчаларда сажъ усули қўлланилган.

Халқ дostonларидан фарқи шундаки, унда эпиклик лиризмга йўғрилган бадий умумлашмаларда намоён бўлади. Шоирнинг дунё ҳақидаги ўй-кечинмалари дoston мазмунига едириб юборилган. “Тавалло” деб номланган дастлабки қисмда жуда кўп воқеаларнинг тилсиз гувоҳи бўлган Тўполондарё билан шоирнинг хаёлан суҳбати акс этган. Шу асосда С. Саййид 80-йиллардан туриб яқин тарих саҳифаларига – машъум 30-йиллар, уруш даврига назар солади. Воқеликни реал акс эттириш мақсадида Тўполондарё қирғоғидаги чайлада бўлиб ўтган суҳбатни келтиради:

– Бизлар қаридик, бу дарё тинмади, тинмади. Умр – дарё дегувчи эдилар, бу дарё...

– Икки ўғлим бор эди, мулла. Қаторда турган нор эди, қизлар уларга зор эди. Кўксим тўла доғ эди. Ўғилларим тоғ эди. Ай, дунё! Нима қилдинг-а! Юрак-бағрим тилдинг-а! Тўнғичим ўн тўққизда эди, мулла! Бўйнига тош бойлаб шу дарёга чўктирдилар. Кўз ёшимни тўктирдилар. Ай, дунё!”

Қатағон йиллари воқелиги адабиётимизнинг турли жанрларида яратилган асарларда ўзининг бадий талқинини топган. Юқоридаги суҳбат оҳангида ҳам ўша йилларда озор чеккан, юрак-бағри ўртанган оталар сиймоси балқиб юзага чиқади.

“Замонавий дostonлар композициясидаги насрий парчаларда эпик воқеабандлик эмас, лирик кайфиятни, кечинма таъсирини ифодалаш кучайиб борапти”, – деб ёзади адабиётшунос Ш.Ҳасанов.

Ҳақиқатан, дostonдаги сажъ билан зийнатланган насрий парча 30-йиллардаги оталарнинг руҳий ҳолатини акс эттиради. Ундаги “нор”, “зор”, “доғ”, “тоғ”, “қилдинг”, “тилдинг”, “чўктирдилар”, “тўктирдилар” сингари ички оҳангдош сўзлар шоирга қалби яраланган отанинг оҳу-фиғонини ниҳоятда таъсирчан ва жонли ифодалаш имконини берган.

Шоир воқелик, ҳаётий жараёнларни кечинмалар, тахайюллар, манзара, ҳолатлар орқали акс эттиради, бу ҳолатлар асарда ўрни-ўрни билан алмашиб туради. Дарё бўйидаги мулоқот “давронларнинг далғовини” озми-кўпми кўрган шоирнинг кўнглида қат-қат бўлиб ётган дардларни юзага чиқаради.

Шоирнинг “Таназул ёки бир бегонанинг изтироблари” дostonи 90-йиллар ўзбек поэмачилигининг яхши намуналаридан биридир. Моҳиятан Абдулла Ориповнинг “Ранжком” дostonига яқин бўлган, драматик характердаги бу асар рамзий мазмунга эга. А. Орипов “Ранжком”да инсон қалби манзараларини чизади. Сабаби, бир гуруҳ кимсалар ранжитувчилар комитетини тузиб, шу йўл билан инсонларга озор беришни касбга айлантириб оладилар. Асардаги Фаррош кампир образи ўзининг ғоявий-бадий

юкига эга. Мазкур образ орқали шоир мавжуд тузум, унда яшаётган бир гуруҳ кишилар қиёфаларини ёрқин лавҳаларда очиб беради. Инсонлар қалбини вайрон этиб, уларга озор беришдан роҳат қилувчи бундай шахслар маънавий таназулга сабаб бўладилар. Шоир драматик эпизодларда мазкур жараёни моҳирлик билан акс эттиради. С. Саййиднинг дostonи ҳам аслида маънавий таназул илдизларини очиб беришга қаратилган. Ҳар икки дostonда ҳам бир-бирига ҳамоҳанг, мутаносиб образлар мавжуд. Бинобарин, асардаги Бегона “Ранжком”даги савдойи олимга, ошхўрлар ранжитувчилар комитети аъзоларига, ходим Фаррош кампирга руҳий-маънавий жиҳатдан яқинлашади. Демак, С. Саййид замонавий дostonчиликда А.Орипов аъналарини давом эттирди.

“Таназул”даги образлар тимсолий маънога эга. Бегона – қалб кишиси, у дунёни кўнгилсиз тасаввур этолмайди. Соя эса қалби кўр бўлган, бу дунёда фақат сояга айланиб қолган кишилар образидир. Ошхўрлар ҳаётни фақат моддийликдан, еб-ичишдан иборат деб билган шахсларни ўзида акс эттиради. Асарнинг асосий мазмуни Бегонанинг монологлари орқали юзага чиқади. Соя унга контраст қўйилади. Сабаби, дунё нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик асосида қурилган. Шоир ана шу қарама-қаршилиқларни Бегона ва Соя каби рамзий тимсоллар орқали гавдалантиради.

Бегона образига шоир алоҳида мазмун юклайди. У ҳаётда озор чеккан, изтироблар исканжасида қолган кишилар тимсолидир. Шу боис у ўзини тафтиш қилади, умр йўлига назар ташлайди:

*... Ҳасратларнинг ҳирқасига ўзни буркайман.
Келаверар оқ от минган оппоқ мўйсафид.
Лекин менга яқинлашмай яна қайтади.
Мен иккига бўлинганман:
Бир мен бундадир.
Бир мен эса мозийларда такбир айтади.
Бироқ, булар бир-бирига бегонадирлар.
Бундаги мен ундагидан гарчи олдадир.
Гарчи кетган бўлса ҳамки минг йил илдамлаб,
Лекин меҳру эътиқодда минг йил ортдадир.*

Эътибор қилинса, парчада “оқ от минган оппоқ мўйсафид” тилга олинади. У аслида Хизр бўлиб, кўпинча пиёда кезади. Шоир эса уни “оқ от минган” ҳолатда тасвир этади. Халқ қарашларига кўра Хизр ҳам бир кўриниш

беради. С. Саййид ҳам шу жиҳатга диққатини қаратган. Бу дунё кўргуликларидан озор чеккан лирик қаҳрамон Хизрдан мадад сўрамоқчи бўлади. Инсон ботинида ҳаммиша икки хил шахс яшайди. Бегона ҳам қалбида икки шахсни кўради: бири мозий, иккинчиси замон кишиси. Замон кишисининг маънавий дунёси, ундаги кемтикликлар лирик қаҳрамонни қўйнайди. Чунки у меҳру эътиқодда мозий кишисидан ортда қолган.

Руҳий-маънавий таназул Бегона ва Соянинг суҳбатлари – диалоглари орқали ёрқинлашади. Соя Бегонани “Соялар жамияти”га таклиф этар экан, шундай дейди:

*..Сен бунчалар тушкун кетма, кўнглингда агар
Доғинг бўлса, нафсинг билан шуваб ташлағил.
Оғзингдаги синиқ тишдай синиқ сўзларни.
Яъни “Имон”, “Эътиқод”ни туфлаб ташлағил.
Кўрибсанки, жулдур жаҳон ёришгай бирдан...
Қўйнамайди кўнгли деган ортиқча гаплар.*

Соя инсон маънавий ҳаётининг асоси бўлган “Имон”, “Эътиқод” тушунчаларини “синиқ тишдай синиқ сўз”га қиёслайди ва Бегонани манқуртона яшашга даъват этади. Шоир бу билан маънавий-руҳий ҳаётимиздаги турли ўпирилишларга ишора қилади. Зулмон ошхўр, Семиз ошхўр, Ориқ ошхўр, Силлиқ ошхўр каби образларни яратар экан, нафс ва қалб ўртасидаги курашни ифода этади.

Умуман, асар драматик поэманинг чуқур лиризм билан суғорилган янги кўриниши сифатида давр поэмачилигида ўзига хос ўрин эгаллайди. Дostonнинг яна бир муҳим жиҳати, унда инсоннинг ботиний оламида кечадиган турфа қарама-қаршилиқлар ёритиб берилади.

Юқорида таҳлил этганимиз “Тўполондарё билан хайрлашув”, “Таназул” сингари дostonларда Сирожиддин Саййид маҳоратининг ўзига хос қирралари намоён бўлган. “Тўполондарё билан хайрлашув”да халқ дostonлари услуби, сажни қўллаш, воқеабандлик сингари жиҳатлар ёрқин кўзга ташланади. Айни пайтда воқелик ифодасида публицистик оҳангнинг, хотира характерининг устуворлик касб этиши замонавий дostonчилигимизни ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан бойитади. “Таназул”да эса инсон қалбида кечадиган руҳий ҳолатлар, тахайюллар рамзийлик орқали очиб берилади.

**Дилрабо ҚУВВАТОВА,
БухДУ докторанти**





Турсунбой АДАШБОВ

ПАРОВИЯЛАР

Шерзод БАРЛОСга

**ЮРАГИНИ ҚОВУРГАН
ЙИГИТГА**

“Йўлингни кута-кута
Куним елга совурдим.
Гаримселда гувраниб,
Юрагимни қовурдим...”

“Сайгули” шеърдан

Гаримселда гувраниб
Бисотингни совурма.
Ўпкангни бос, кофе ич,
Егин туркча шовурма.
Бургага аччиқ қилиб,
Қалтис ишига дов урсанг.
Зира, пиёз қўшмасдан,
Юрагингни қовурсанг.
Алкаш дўстинг билмасдан,
Қилар уни закуска.
Унда қизни етаклаб,
Ким боради ЗАГСга?..

Жавоҳир ФАХРга

ЎТИНЧ

“Синфдош қиз, кафтингни тутгин,
Юрагимни қўяман унга.
Дугонанг ҳам сезмай қолади,
Хат узатсам дарсда сенга.
Синфдош қиз, мени кутиб тур,
Танаффусга бирга чиқамиз”.

“Синфдош қиз” шеърдан

Сен кафтингни тутмасанг борми,
Юрагим айланар кукунга.
Дев қумгондан чиққани каби,
Ўранаман яшил тутунга.
Киприкларинг асида тушов,
Ипсиз боглаб, карам қилади.
Мактубимни кўрса дугонанг,
Сочин юлиб, алам қилади.
Мактабдаги мис кўнгироқдай,
Қўлгуларинг холи губордан,
Кўчирармиз вазифаларни,
Мен Шўхратдан, сен-чи, Дилдордан.
Танаффусда мени кутиб тур,
Юлдуз билан Заҳро билмасин.
Содиқ сўтак йўлда илашиб,
Бошгинангни айлантормасин...

Баҳор ХОЛБЕКОВАга

МУҲАББАТ ВА ҒУРУР

“Мағрур эдим,
Мағрур эдинг сен.
Юравердик кўнгилни доғлаб
Мағрурликни маҳкам тутдингу
Муҳаббатдан кетдик йироқлаб...”
“Мағрур эдик” шеърдан.

Мағрур эдик икковимиз ҳам,
Феъл экан-да, маҳкам ушладик.
Ғурур қўрғур жиловлаб олди,
Узангидан асло тушмадик.
Висол юзин ўгирган экан,
Ўйлаб кўрсак ётиб чалқанча.

Муҳаббатдан йироқлаб кетдик,
Мен тўрсайиб, сиз гўдайганча.
Бўй кўтарган қамишки ҳатто
Бўйра бўлиб ерга тўшалган.
Қулгу қайда дийдамиз қотиб,
Йиғлолмадик ҳатто ўшал дам.
Чунки гурур остонасидан,
Ўтолмадик, олганди боглаб.
Сизлар икков топишиб кетиб,
Мен қаламни қолдик қучоқлаб...

Барот ҲАЙДАРга

УСТОЗ БОШИН ЧАЙҚАДИ...

“Самарқанд, Самарқанд,
Сайқалим шаҳрим.
...Самарқанд, Самарқанд,
Сайқали жаҳон”.

“Самарқанд” шеърдан.

Жуда тўғри, Самарқанд,
Она юртнинг сайқали.
Жомий билан Навоийнинг,
Мағрур турар ҳайкали.
Ажаб, устоз Мир Алишер,
Бирдан бошин чайқади.
Бу таърифнинг ўта сийқа,
Ғўрлигини пайқади:
– Аҳли қалам, ерга урманг,
Сиз ашъорнинг нархини.
Бундай шеърлар кеткизар,
Самарқанднинг фарқини...

